БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ
МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ
4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1989 ЙИЛ

8 ДЕКАБРЬ
№ 49 (3049)
ЖУМА

Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

1990 йил 18 февралда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови бўлади. Бу сайлов сиёсий ислоҳотнинг иккинчи босқичини бошлаб беради, республиканинг, ҳар бир область, шаҳар ва районнинг янада ривожланиши, одамлар фаровонлигининг ошиши кўп жиҳатдан шу сайловнинг натижаларига боғлиқ бўлади.

Сайловолди кампанияси авж олиб бормоқда ва бу гал мураккаб вазиятда ўтади. Қайта қуришнинг бурилиш, ҳал қилувчи ва шу сабабли энг қийин босқичи бошланди, революцион ўзгаришлар турмушнинг энг чуқур қатламларига кириб бормоқда, меҳнаткашларнинг туб манфаатларига дахлдор бўлмоқда.

Катта умумиттифоқ хонадонимиздаги капитал ремонт осон бўлаётгани йўқ. Ҳокимият тепасига чиқиб олишга интилиб, ўтиш даврининг қийинчиликларини рўкач қилиб, шундан фойдаланиб қолишга, партия билан халқ ўртасига нифоқ солишга, кўпмиллатли давлатимизнинг бирлигини бузишга уринаётган кучлар пайдо бўлиб қолди. Улар вазиятни қасддан кескинлаштирмоқдалар, интизом ва тартибни қўпормоқдалар. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Биз фақат биргаликдаги меҳнатимиз билангина ҳамманинг ва ҳар бир кишининг турмушини фаровон қила оламиз.

Ўзбекистон Компартияси сайловга тайёргарлик кўрар экан, муфассал ҳаракат дастурини таклиф этишни, республиканинг миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти энг муҳим, принципиал масалалалари хусусидаги ўз фикрларини меҳнаткашларга баён этиб беришни зарур, деб ҳисоблайди.

I.

Ўзбекистон Компартияси марксизм-ленинизм ғояларига, социалистик қурилиш ишига, интернационализм принципларига, барча миллат ва элат меҳнаткашларининг дўстлиги ва қардошлигига муттасил содиқлигини билдиради. У революцион қайта қуриш ва жамиятимизни янгилаш йўлини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Компартияси ишчилар синфининг, колхозчи-деҳқонлар, зиёлиларнинг туб манфаатларини, ўзбек халқининг, республикада яшаб турган барча миллат ва элатлар вакилларининг муддаолари ва орзу-умидларини ифодалаб, мамлакатнинг яхлит халқ хўжалиги комплекси доирасида **ҳар бир республиканинг суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги асосида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлаш учун изчиллик билан ҳаракат қилаверади.**

Республика территориясидаги ишлаб чиқариш, фан-техника потенциали, ер, ер ости, сув ва бошқа табиий бойликлар Ўзбекистон ССРнинг мулкидир. У мазкур бойликларни аввало ўз халқининг, шунингдек ССР Иттифоқи халқларининг манфаатлари йўлида мустақил равишда тасарруф этади.

Ўзбекистон Компартияси партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлиги позицияларида маҳкам турибди. **Социализмнинг илмий назарияси ва қайта қуришнинг муфассал ҳаракати дастури билан қуролланган, ўз сафларида ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, зиёлиларнинг, барча миллат ва элатларнинг энг яхши намояндаларини бирлаштириб турган ягона партиягина барча кучларни ўртада турган муаммоларни ҳал этиш учун, жамиятни революцион янгилаш учун курашга жипслаштира олади.**

Ўзбекистон Компартияси маҳаллий партия ташкилотларининг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш учун курашади, улар эса КПСС Программаси ва Устави асосида ўз сиёсий ҳаракатларини белгилайдилар. Бу ташкилотлар умумпартиявий йўлга амал қилган ҳолда, миллий ҳамда маҳаллий хусусиятлар ва эҳтиёжларни назарда тутиб иш олиб борадилар.

Компартия қайта қуришни кучайтирар экан, республиканинг ўтмиши ва ҳозирги куни тўғрисидаги тўла тарихий ҳақиқатни тиклаш зарур, ҳақиқатни қоралашга ҳам, безаб кўрсатишга ҳам йўл қўймаслик зарур, деб ҳисоблайди.

Ўзбек халқининг ССР Иттифоқидаги бошқа халқлар билан биргаликда босиб ўтган миллий ва ижтимоий озодлик йўли, социалистик давлатчиликни шакллантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ва маданиятни ривожлантириш йўли осонгина ва бир текис бўлган эмас.

Шу йўлда ишлаб чиқаришнинг саноат негизи барпо этилди, ердан ва сувдан фойдаланиш соҳаси кўп даражада кенгайтирилди, маданиятни, халқ маорифини,илм-фанни, соғлиқни сақлашни ривожлантириш ишида катта қадамлар қўйилди. Бутун мамлакат билан биргаликда Улуғ Ватан урушининг машаққатларини Ўзбекистон ҳам тўла бошидан кечирди, юз минглаб қочоқлар ва етимларни ўз бағрига олди, ўз она-юртларидан ноҳақ кўчирилган халқлар билан ўз ери ва уйини баҳам кўрди. Республикада аҳолининг кўпмиллатли состави тарихан таркиб топди, ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятининг бирлиги, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик муносабатлари вужудга келди.

Шу билан бирга, бутун мамлакат каби республика ҳам ленинча социализм қуриш плани сохталаштирилганлиги ва бузилганлиги, социалистик қонунчиликка хилоф иш тутилганлигининг оғир оқибатлари азобини тортди.

Республиканинг давлат суверенитети кўп жиҳатдан расмий тарзда қолаверди, энг муҳим маҳаллий муаммоларни ҳал этишда унинг мустақиллиги чеклаб қўйилар эди. Марказлаштирилган органларнинг маҳкамачилик тарзидаги ёндашуви халқ хўжалигининг айрим тармоқлари бир ёқлама ривожлантирилишига, асосан хом ашё етиштириш учун зўр берилишига, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги катта номутаносибликларга, ижтимоий соҳанинг орқада қолишига олиб келди. Экология, аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари жуда кескин тус олди.

Миллий даромад ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар жиҳатидан, халқнинг турмушини таъминлаш даражаси жиҳатидан республика Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан орқада қолди. Пахтачиликда ялпи маҳсулотни кўпайтириш кетидан қувиш бутун аҳолининг, айниқса деҳқонларнинг ҳаётий манфаатларига катта зиён етказди. Бу нарса пахта яккаҳокимлигига, деҳқончиликнинг илмий асосланган системалари бузилишига, ем-хашак ва озиқ-овқат экинзорлари камайиб кетишига олиб келди. Мана шу омилларнинг салбий таъсирини республиканинг бутун аҳолиси, барча миллатларга мансуб меҳнаткашлар сезиб турибдилар.

Яқин ўтмишда «пахта иши» деб аталган ишга асоссиз, кўпинча пала-партиш ёндашилганлиги, миллий кадрларни танлаш ва тарбиялашдаги, тарихий ва маданий бойликларга баҳо беришдаги, халқ урф-одатлари ва анъаналарига муносабатдаги жиддий хатолар салбий таъсирини кўрсатди.

Ўзбекистон Компартияси йўл қўйилган хатолар ва бузилишлар учун ўз масъулиятини тўла-тўкис англаб турибди. У КПССнинг бўлажак XXVIII съездига ва ўзининг XXII съездига тайёргарликни авж олдирар экан, ўз ишини талабчанлик билан танқидий руҳда таҳлил этмоқда, бу ишни кучайтириш йўлларини қидирмоқда. Аввало демократия ва ошкоралик, кадрларнинг интизоми ва масъулиятини ошириш принциплари асосида партия ташкилотлари ва комитетларининг ўзидаги қайта қуришни чуқурлаштириш вазифаси ўртага қўйилмоқда. Ҳозир халқнинг ишончи ва ҳурматини қозонган, одамларнинг, алоҳида ҳар бир кишининг турмуши ва манфаатларини кўзлаб яшаётган ходимларгина раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Қайта қуришнинг муваффақияти, партиянинг ўз обрў-эътибори мана шунга боғлиқдир.

Принципиал партиявий йўл шундан иборатки, ўтмиш ҳақидаги гап-сўзлардан ва танқидбозликдан, қуруқ ваъдалардан аниқ-равшан амалий ишларга ўтиш керак, ишларнинг натижалари ҳар бир меҳнат коллективида, ҳар бир оилада сезилиб турадиган бўлсин. Ҳозир сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволимиз шундайки, энди ўзимиз ўтирган қайиқни силкитавериш билан овора бўлиш ярамайди, бу қайиқни тўғри йўлга солиб юбориш ва уни зарур жадаллик билан юргизиш керак. Ҳозир одамларни тўлқинлантириб турган мушкул муаммоларни қаттиқ интизом, тартиб ва масъулият билангина ҳал этиш мумкин.

Бу ишда бошланғич партия ташкилотлари алоҳида роль ўйнайди. Компартия уларнинг мустақиллигини кенгайтиришга ва масъулиятини оширишга интилаверади. Бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир меҳнат коллективида ўз фикрини баралла айтиб туриши керак. Уларнинг сўзи ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий соҳадаги ҳамма масалаларни ҳал этишда, кадрларни кўтаришда обрўли ва салмоқли бўлиши керак. Бу ишда ҳар қандай лавозимдаги ходимларга нисбатан шахсий камтаринлик, ғайриқонуний имтиёзлар ва енгилликларга йўл қўймаслик маъносида катта талаблар қўйилади.

Компартия, унинг ҳамма органлари ва ташкилотлари ҳар қандай мумтозликдан ёки биқиқликдан воз кечиб, **совет, давлат идоралари, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари** билан чамбарчас ўзаро алоқа боғлаб ишлайдилар. Партия норасмий уюшмалар ва ҳаракатлар билан мулоқот олиб боришга тайёрлигини билдиради, аммо улар социализм ва интернационализм ҳаракат дастурига амал қилиши, совет қонунларига қатъий риоя этиши шарт.

Партия ҳеч қачон ўзини халқдан ажратган эмас. Бироқ ўтмишда партия турмушининг ленинча нормаларидан чекинишга йўл қўйилганлиги партия комитетларининг омма билан алоқасини муайян даражада заифлаштирган эди. Шу сабабли Компартия меҳнаткашлар билан алоқани мустаҳкамлашни, ишчилар синфига, деҳқонларга, зиёлиларга, жамиятнинг меҳнаткаш кучларига таянишни ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблайди.

Халқ билан бирга яшаш, ҳамма қийинчиликларни халқ билан бирга бартараф этиш, турмушни биргаликда янгиизга солиш, ҳамма муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, жамиятимизнинг ҳозири ва келажагини биргаликда қуриш — республикадаги 660 минг коммунистнинг бутун республика аҳолиси олдидаги сиёсий ва маънавий мажбуриятидир.

Ўзбекистон Компартияси респуб ликанинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги учун бутун масъулиятни тўла-тўкис ўз зиммасига олиб, ўзининг сайловолди ҳаракат дастурида қуйидаги асосий йўналишларга амал қилади.

II.

Меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат принципларини қарор топтириш, аҳоли барча табақаларининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш барча партия комитетлари ва ташкилотларининг асосий бурчидир.

Ўзбекистон Компартияси **ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, меҳнаткашларнинг барча тоифалари** ташаббускорлиги ва омилкорлигини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайверади, ҳар бир меҳнаткаш амалда ишлаб чиқариш соҳиби бўлиб қолишига эришиш учун ҳаракат қилаверади. Шу мақсадда ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида чинакам хўжалик ҳисобини ўзлаштиришга, меҳнат коллективларининг ҳуқуқлари ва хўжалик мустақиллигини кенгайтиришга, ижарани, деҳқон хўжаликлари пудратини ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг бошқа самарали шаклларини кенгайтиришга кўмаклашиш зарур.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тўла ва самарали таъминлаш — жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга молик вазифадир. Сўнгги йилларда кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, бу соҳадаги аҳвол яхшиланмади, балки тағин ҳам чигаллашди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўпайиши қўшимча иш жойларини ишга туширишдан ўзиб кетмоқда.

Ўзбекистон Компартияси аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини кўп меҳнат талаб қилувчи тармоқларни жадал ривожлантириш, ишлаб турган корхоналар иши сменадорлигини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини, кичик ва ўртача корхоналар тармоқларини, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда филиаллар ва цехларни жадал кенгайтириш, кооперативлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш, касаначилик ва меҳнатни ташкил этишнинг бошқа шаклларини кенгайтириш ҳисобига ҳал қилиш зарур, деб ҳисоблайди. Ҳар бир район марказида кўп соҳали кооператив саноат комбинатлари ташкил этиш, халқ ҳунармандчилигини ва косибчилик-ҳунармандчиликни замонавий техника негизида тиклаш ва ривожлантиришни таъминлаш керак.

Аниқ мақсад кўзда тутилиб, «иш билан таъминлаш» деб аталган комплекс программа яқинда ишлаб чиқилди ва у ҳозирдаёқ амалга оширилмоқда. 1990 йилдаёқ салкам уч юз минг киши, аввало ёшлар иш билан ва барқарор маош билан таъминланадилар. Бўлғуси беш йилликда эса жамоат ишлаб чиқаришига ва ўқишга бир ярим миллионгача кишини жалб этиш кўзда тутилмоқда. Кўп меҳнат талаб қиладиган ва илм-фанга асосланган замонавий ишлаб чиқаришлар учун туб миллатга мансуб ёшлардан малакали ишчилар синфи ва инженер-техник ходимлар тайёрлаш жадал суръатлар билан олиб борилади.

Жон бошига тўғри келадиган даромадларни кўпайтириш, биринчи навбатда даромади кам оилалар ва гражданларнинг моддий аҳволини яхшилаш ҳақида республиканинг барча партия, совет, хўжалик органлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари керак. Ҳозирги вақтда салкам 9 миллион киши ёки Ўзбекистон барча аҳолисининг 45 проценти жон бошига ойига ўртача 75 сўмдан даромад олмоқда, бу эса яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдорга ҳам етмайди. Ўзбекистон Компартияси аҳолининг кам таъминланган табақаларига ижтимоий ёрдам бериш программасини амалга оширишни, уларнинг турмуш даражасини кўтаришни, бу даражани республикадаги ўртача кўрсаткичларга яқинлаштиришни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Корхоналар ва хўжаликларнинг ҳисобидан уй-жойлар қуриш, имтиёзли шартлар билан қарз бериш, арзон нархларда бинокорлик материаллари ва ёқилғи билан таъминлаш — белгиланган чора-тадбирлар жумласидандир. Уй-жойлардан, коммунал хизматдан, мактабгача болалар муассасалари ва мактабдан ташқари муассасалардан фойдаланиш чоғида имтиёзларнинг кенг системасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Аҳоли кам даромадли қисмининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлигини кучайтириш учун 1990 йилдаёқ республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда корхоналар ҳисобидан 142 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилади. Республика партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ўз маблағлари ҳисобидан бу олижаноб ишга ҳисса қўшмоқдалар. Республиканинг хўжалик мустақиллиги ва молиявий мавқеи мустаҳкамлангани сари бундай ёрдам муттасил ошиб бораверади.

Истеъмол моллари ва хизматларга нарх-навони оширишга, арзон истеъмол буюмлари, айниқса болалар ва кексалар учун арзон буюмлар ишлаб чиқаришни камайтиришга бўлган ҳар қандай уринишларнинг пайи қатъиян қирқилади.

Жамиятнинг саховати, инсофлилиги ва инсонпарварлиги унинг **уруш ва меҳнат ветеранларига, ёлғиз қолган кекса гражданлар ва ногиронларга** муносабатига қараб аниқланади.

Ҳозирги вақтда республикада 3,3 миллион киши ижтимоий таъминот хизматидан фойдаланмоқда, бу мақсадга 1,6 миллиард сўм сарфланмоқда. Энг кам пенсия оладиган бир миллиондан кўпроқ одамнинг пенсияси ойига 70 сўмга етказилади. Пенсионерларнинг уйларига бориб хизмат қилишнинг янги тури ташкил этилмоқда.

Шунга қарамай, ижтимоий таъминот иши ҳақиқатан ҳам умумхалқ ёрдамига муҳтож. Партия ташкилотлари корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар меҳнат коллективларининг хўжалик ҳисоби шароитида ўзлари ишлаб топган маблағлари ҳисобидан пенсионерлар ва кўп болали оналарнинг пенсиялари ҳамда нафақаларига қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисидаги инсонпарварлик ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар.

«Меҳр-мурувват» деб аталган республика комплекс программаси ишлаб чиқилмоқда. Келгуси йил пенсиялар ва нафақаларнинг энг кам миқдорини ошириш учун қўшимча 7 миллион сўм маблағ сарфланади, бу эса 55 минг кишининг моддий аҳволини яхшилаш имконини беради. 1995 йилга бориб ногиронлар ва қариялар учун интернат уйлари сонини қарийб икки баравар кўпайтириш, ижтимоий ёрдам бўлинмалари тармоғини ҳам худди шунча кенгайтириш кўзда тутилади. Интернат уйларда озиқ-овқат харажатларининг нормалари анча оширилади, келгуси йилдаёқ интернационалчи жангчилар, ногиронлар ҳамда Афғонистонда ҳалок бўлганлар оилаларининг уй-жойларга ва томорқа участкаларига, санаторий-курортларга бориш йўлланмаларига, протез-ортопедия буюмлари ва махсус автотранспортга эҳтиёжлари қондирилади.

Кўп болали оилалар республиканинг ўзига хос хусусиятидир.

Ўзбекистон Компартияси **оналик ва болаликни ҳимоя қилишни,** ҳар бир бола соғлом ва уйғун ўсиши учун барча шарт-шароитларни яратишни ўзининг маънавий бурчи деб ҳисоблайди.

Келгуси йилдаёқ умумий таълим мактабларининг 1—5 синфлари ўқувчиларини бепул овқатлантиришни ташкил этишга, кам қонли касалига мубтало бўлган ҳомиладор аёлларга ёрдам беришга қўшимча 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Колхозларга давлат хариди ҳисобидан касалхоналар ва болалар боғчалари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ажратиб беришга рухсат этилди.

Доимий мактабгача тарбия муассасаларини жадал қуриш билан бирга, 1990 йилда хонадонларда 100 минг ўринли болалар боғчалари барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Туғишдан кейинги отпуска кўпайтирилгани, шунингдек мактабларда болалар олти ёшдан ўқитилиши ҳисобга олиниб, келгуси беш йилликнинг охирига борганда болалар муассасалари билан таъминлаш 50 процентдан ортиб кетади.

Ўзбекистон Компартияси **қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини** тубдан ўзгартириб юборишни режалаштирмоқда. Биз деҳқонлар олдида катта қарздормиз. Кўпгина аҳоли пунктларида водопровод, канализация ҳамда табиий газ йўқ. Кўп қишлоқларда мактаблар, мактабгача болалар тарбия муассасалари ва медицина муассасалари, савдо ва маиший хизмат объектлари йўқ.

Ўзбекистон Компартияси қишлоқдаги ана шу ва бошқа долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади. Ўзбекистон Компартиясининг ташаббуси билан барча қишлоқ аҳлини томорқа билан таъминлаш, томорқа майдонини кенгайтириш юзасидан катта тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Натижада Уй-жой программасини ҳал қилиш, оилаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзларини таъмилашларини яхшилаш, бозорларни тўлдириш, аҳолини иш билан таъминлашни кучайтириш каби бир қанча ҳаётий муҳим ижтимоий вазифалар бир-бирига боғлиқ ҳолда ҳал этилмоқда. Қишлоқларда яшовчи аёлларнинг ижтимоий кафолатлари таъминланиши ҳам айниқса муҳимдир. Улар оила ташвишларини, болалар тарбиясини ўз зиммаларига олиб, давлат аҳамиятига молик жуда катта ишларни бажармоқдалар. Бироқ сўнгги вақтгача уларнинг талайгина қисми пенсия, касаллиги учун нафақа олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб қўйилган эди. Энди эса улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ортиқча қисмини етказиб бериш тўғрисида шартнома тузиб, меҳнат дафтарчаси оладилар, барча ижтимоий неъматлардан фойдаланадилар.

Вазифа — режалаштирилган барча тадбирларни сансалорликсиз, тез амалга оширишдан иборат. Маҳаллий Советлар, колхозлар, совхозлар ёрдамчи хўжаликни ташкил этиш ва кенгайтириш учун қарз беришда, қишлоқлардаги хонадонларни наслдор моллар ва парранда билан таъминлашда қишлоқ меҳнаткашларига кенг миқёсда ёрдам беришлари шарт.

Шахсий хўжаликларда боқиладиган моллар сони сунъий равишда чекланмайдиган бўлади, уларни омухта ем, пичан ва ширали озуқа билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш вазифаси қўйилмоқда. Деҳқон хўжаликларини кичик механизация воситалари билан таъминлаш чора-

Давоми кинчи бетда

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

Боши биринчи бетда

ри кўрилади. Партия комитетлари ва ташкилотлари ер участкалари ажратиш ҳамда одамларни ссудалар ва якка тартибда уй қуриш учун бинокорлик материаллари билан таъминлаш чоғида ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилиш масаласини қаттиқ назорат остига оладилар.

Қўрилган чора-тадбирлар қишлоқда якка тартибдаги уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга кўмаклашади. Келаси йили қишлоқ жойларда 5,3 миллион квадрат метр уй-жойларни қуриш назарда тутилади. Бу 1989 йилдагидан 800 минг квадрат метр ёки қарийб 20 процент кўпдир. Бўлажак беш йилликда қишлоқ жойларда барча манбалар ҳисобидан салкам 35 миллион квадрат метр уй-жой қурилади. Водопровод ва канализация тармоқларини, газ қувурларини жадал ривожлантириш, барча хўжаликларда қишлоқ врачлик-амбулатория ёки фельдшерлик-акушерлик пунктларини ташкил этиш, савдо ва маиший хизмат корхоналари сонини кескин кўпайтириш режалаштирилган. Аҳолини, биринчи навбатда Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области, шунингдек Андижон, Қашқадарё, Бухоро ва бошқа областлар аҳолисини сифатли сув билан таъминлашга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун қўшимча маблағ ажратилади, республика корхоналарида ускуналар ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Республиканинг келажаги **ёшларга**, ёшлар учун ўқиш, меҳнат қилиш, турмуш ва дам олиш шароитларини яратишга боғлиқ. Компартия Марказий Комитети маҳаллий миллат вакилларидан ишчилар синфи кадрлари, инженер-техник ходимлар тайёрлашга доир республика программасини амалга оширишни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблайди. Бу программа халқ таълимининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва янгилашни кўзда тутади. Энг аввало авария ҳолатидаги 1132 та мактабнинг ҳаммасини тугатиш ёки капитал ремонт қилиш вазифаси қўйилмоқда. Шаҳарлар ва посёлкаларда бу вазифа 1992 йилгача, қишлоқ жойларда эса 1993 йилгача ҳал қилинади. Ҳар йили бир ярим баравар кўп янги мактаблар фойдаланишга топширилмоқда.

Асосан саноат йўналишидаги ҳунар-техника билим юртлари тармоғи кенгайтирилмоқда.

Россия Федерацияси, **Украина ва Белоруссия** ўқув юртлари билан бевосита шартнома асосида ҳар йили республиканинг ёшлари орасидан бир неча минг ишчи тайёрланади.

Олий ва ўрта махсус таълим ислоҳоти амалга оширилмоқда. Билимларнинг фан-техника тараққиёти билан боғлиқ тармоқлари бўйича мутахассислар тайёрлаш кўпайтирилади ва яхшиланади. Мамлакатнинг марказий олий ўқув юртлари билан алоқаси кенгайтирилади, бу ўқув юртларига ҳар йили республикадан 3 мингдан зиёд йигит ва қиз юборилади. Ўрта Осиё республикаларининг олий ўқув юртлари билан кооперация янада ривожлантирилади, уларда 1,5 мингга яқин студентларимиз таълим олмоқдалар. Бу эса Ўзбекистонда яшовчи тожик, туркман, қозоқ, қирғиз миллатига мансуб ёшларнинг ўз она тилларида олий маълумот олишларига имкон беради. Машҳур кишилар номида стипендия тайинлаш, истеъдодли ёшларни таълим олиш ва стажировка учун мамлакатимиздаги ва чет эллардаги энг яхши олий ўқув юртларига юбориш анча кенгайтирилади.

Студентларнинг ижтимоий муаммолари жадал суръатлар билан ҳал қилинади. Келгуси йилдан бошлаб олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг шахсий квартираларда яшовчи 78 минг студентига ҳар ойда квартира ҳақининг бир қисми тўланади. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот соҳасидаги ёш мутахассис-ходимларга нисбатан ҳам ана шундай тадбирлар қўлланилади. Келгуси беш йилликда олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ётоқхоналарида уй-жой фонди 220 минг квадрат метр кенгаяди.

Лабораториялар, ётоқхоналарни жиҳозлашга анча маблағ ажратилмоқда, спорт базалари, студентлар клублари тармоқлари кенгаяди. Корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар ўқув юртлари билан бевосита алоқа ўрнатиб, уларга маблағ ва ускуналар ажратиб берадилар.

Ёш оилаларнинг оёққа туриши ва мустаҳкамланиши учун шарт-шароит яратишга катта эътибор берилмоқда. Болалсизлик солиғини олишдан воз кечиш, биринчи ва иккинчи фарзанд туғилганда бериладиган имтиёзларни кенгайтириш, бир йўла бериладиган нафақа миқдорини кўпайтириш, квартира, оилавий ётоқхоналардан жойни биринчи навбатда келин ва куёвларга ажратишда кўмаклашиш, ёшларнинг уй-жой-қурилиш комплексларини ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Ёш оилаларга айниқса янги кўчиб борган жойларида рўзғорни тиклаб олишлари учун узоқ муддатли қарз ва ссуда бериш практикаси кенгроқ қўлланилади.

Экология вазиятини тубдан яхшилаш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолардан биридир. Бу соҳадаги аҳвол жуда ташвишли. Республиканинг асосий сув манбалари, кўпгина шаҳарларнинг ҳавоси заҳарли химикатлар, ишлаб чиқариш чиқитлари билан йўл қўйиб бўлмайдиган даражада булғатилган. Республика бутун аҳолиси фаровонлигининг асосий манбаи — ер пестицидлар билан заҳарланган ва шўрланган. Оролбўйи экология фалокати зонасига айланди.

Компартия ҳаёт муҳитини соғломлаштириш юзасидан шошилинч чоралар кўришни ўзининг ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги бурчи деб ҳисоблайди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини қамраб оладиган комплекс экология программаси амалга оширилади. Табиатни муҳофаза қилиш идоралари, санитария хизмати, депутатлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида барча корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар ва участкаларни экология жиҳатидан паспортлаштириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг ҳар бири юзасидан экология жиҳатидан соғломлаштиришнинг конкрет тадбирлари белгиланиб, бу тадбирларни амалга ошириш муддатлари кўрсатиб берилади. Белгиланган шартлар бузилган тақдирда корхоналарнинг ишини тўхтатиб қўйиш, ёпиб қўйиш ва ҳатто бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказишгача қатъий чоралар кўрилади. Экология жиҳатидан зарарли корхоналарни фойдаланишга топшириш таъқиқлаб қўйилади. Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ, Фарғона, Навоий ва республиканинг бошқа шаҳарларида экологик софликни таъминлаш чора-тадбирлари биринчи навбатда амалга оширилади.

Ўзбекистон Компартияси бутун мамлакат ёрдамида, Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар билан мустаҳкам алоқада иш олиб бориб, Оролни сақлаб қолиш, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Орол бўйида экология ва санитария муҳитини соғломлаштириш тўғрисидаги қарорини бажариш учун курашга бутун кучини сарфлайди. Бу ишларни мувофиқлаштириш учун Иттифоқ даражасида махсус идоралар ташкил этилмоқда. Барча белгиланган кенг миқёсли ишлар ҳажмини бажариш учун анча маблағ қидириб топилмоқда, дастлабки маълумотларга қараганда, бу маблағлар 25 миллиард сўмни ташкил этади. Маблағлар ва моддий-техника ресурсларини ана шу мақсадларга сарфлаш алоҳида планлаштирилмоқда. Республика Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати ана шу ишларни алоҳида назорат остига олади.

Компартия **одамларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш** ишини тубдан яхшилаш вазифасини тағин ҳам кенгроқ қилиб қўймоқда. Даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлаш режалаштирилмоқда. 1990 йилдан бошлаб бу соҳада капитал қурилиш ҳажми кескин даражада ошади. Янги туғилган чақалоқларни соғлом ўстириш, ҳомиладор аёлларга ёрдам бериш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир патронаж хизмати кўрсатиш учун ихтисослаштирилган марказларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш сезиларли даражада яхшиланади. «Совпластитал» қўшма корхонасида бир марта фойдаланиладиган шприцлар ишлаб чиқариш йўлга қўйила

Врачлар тайёрлашни ях мақсадида мамлакатнинг энг яхши медицина инсти

ҳар бир киши ҳисобига уй-жой майдони беш йиллик топшириғида кўзда тутилганига нисбатан 0,6 квадрат метр кўпайиб, 11,55 квадрат метрга етади.

XIII беш йилликда уй-жой қурилиши тубдан тезлашади. 67-68 миллион квадрат метр ҳажмдаги уй-жойни қуриб битказиш, 6 миллиондан ортиқ кишининг уй-жой шароитини яхшилаш мўлжалланган, бу эса ҳозирги беш йилликдагидан бир ярим баравар кўпдир. Бунда ҳар бир кишининг уй-жой билан таъминланиши 13 квадрат метрга етказилади. Уй-жой қурилишининг белгиланаётган ҳажмлари 1994 йилдаёқ квартира олиш учун 1989 йилнинг бошларигача навбатда турганларни квартира билан таъминлашга имкон беради.

Навбатга қўйилгандан кейин бир йил давомида қаҳрамон оналарга, уруш ва меҳнат ногиронларига якка тартибда уй қуриш учун ер ажратиб бериш вазифаси қўйилмоқда. Давлат уй-жой қурилиши ҳисобидан эса ана шу тоифадаги шахсларга улар навбатга олингандан кейин уч йилдан кечиктирмай уй-жой ажратилишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш Компартия, барча партия, совет, хўжалик идоралари алоҳида ғамхўрлик қиладиган ишдир. Колхоз ва совхоз фермаларида ҳам, қишлоқ меҳнатчиларининг шахсий хўжаликларида ҳам чорва моллар сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Кўпгина областлар умумиттифоқ фондларидан чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш кўпайтирилганлиги ҳисобига етиштирилган гўштнинг ҳаммасини ўзлари истеъмол қилиш учун қолдириш ҳуқуқини олдилар. Хуллас, эндиликда кўп нарса маҳаллий ташаббусларга ва хўжалик соҳасидаги омилкорликка боғлиқ.

Бу ва бошқа имкониятлар олдинги йилларда йўл қўйилган аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш камайиб кетганлигини бартараф этишнигина эмас, шу билан бирга гўшт истеъмол қилишни муайян даражада кўпайтиришга имкон беради. Агар 1985 йилда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 31 килограммни ташкил этган, шундан кейинги йилларда янада камайиб, 29-30 килограммга тушиб қолган бўлса, 1990 йилда гўшт истеъмол қилиш даражасини 33,0 килограммга етказиш кўзда тутилмоқда. Жон бошига сут истеъмол қилиш келаси йили 27 килограмм кўпайиб, 205 килограммни ташкил этади. Аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш анча яхшиланади.

Ўзбекистон Компартияси кўзга ташланиб қолган ўзгаришлар янада мустаҳкамланиши учун курашаверади. 1995 йилда жон бошига гўшт истеъмол қилишни 43-45 килограммга, сут истеъмол қилишни 235-250 килограммга етказиш кўзда тутилган.

Пахта яккаҳокимлигини тугатиш республикада мева-сабзавот комплексини жадал ривожлантириш учун шароит яратади. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, сабзавот-полиз экинлари маҳсулотларига эҳтиёжларни 1990 йилда, мева ва узумга бўлган эҳтиёжларни беш йил мобайнида тўла қондириш кўзда тутилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш базаси икки баравар кенгайтирилади, натижада маҳсулотлар анча кам нобуд бўлади.

Мудофаа корхоналари ва бошқа тармоқлар аҳоли эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказилаётганлиги муносабати билан шу корхоналар ва бошқа тармоқлар мазкур муаммони ҳал этишга жалб қилинади. Улар XIII беш йилликда бевосита колхозлар ва совхозларда ишлайдиган консерва заводлари учун 120 комплект машина-ускуналарни тайёрлаб берадилар.

Меҳнаткашларнинг кўпайиб бораётган пул даромадларини **хилма-хил халқ истеъмоли моллари ва пулли хизмат** билан ишончли равишда таъминлаш — яқин йиллардаги асосий вазифалардан биридир. Ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига йилига ўрта ҳисобда 517 сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётган, 95 сўмлик пулли хизмат кўрсатилаётган, 802 сўмлик моллар сотилаётган экан, кейинги беш йиллик охирида эса ана шу кўрсаткичларни тегишли равишда 650, 140 ва 950 сўмгача етказиш вазифаси қўйилмоқда. Шундай қилиб, ўсиш 1,2 дан 1,5 бараварга етказилади. Болалар учун кийим-кечаклар, пойабзал ва бошқа моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади. «А» группаси корхоналарида истеъмол моллари ишлаб чиқариш уч баравар кўпаяди. Аҳолига сотиш учун тикувчилик, трикотаж буюмлари, пайпоқлар, пойабзал, телевизорлар, кир ювиш машиналари, электр чанг ютгичлар, холодильниклар ва ноозиқ-овқат моллари ресурслари анча кўпаяди.

Республика иқтисодиётини аҳоли турмушини таъминлаш масалаларини ҳал қилишга кескин буриб юбориш келгуси йилдаёқ ресурслар билан анча мустаҳкамлашни талаб қилади. Шу мақсадда 1990 йилда ижтимоий соҳа базаларини ривожлантиришга 3,9 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Бу эса беш йиллик планда 1990 йил учун кўзда тутилганидан 1,3 миллиард сўм ёки 53 процент кўпдир.

Бундай ёндашув кейинги йилларда Ўзбекистон ССР ва маҳаллий Советлар халқ депутатларининг янги составн ваколатлари даврида мустаҳкамланади ва ҳар томонлама ривожлантирилади.

III.

Аҳолининг фаровонлигини ошириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш **республиканинг ишлаб чиқариш, фан-техника, табиий-иқтисодий имкониятларидан** самарали фойдаланишга, ишимизнинг сифатига боғлиқ.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР миллий даромад, меҳнат унумдорлиги даражаси жиҳатидан Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан анча орқада қолмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун конкрет равишда қандай ишлар қилиш керак?

Ўзбекистон Компартияси бутун хўжалик сиёсати қуйидаги принципиал қоидалар асосида қурилиши керак, деб ҳисоблайди:

— **халқ хўжалиги ва унинг энг муҳим тармоғи — қишлоқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартириш.** Барча хом ашё ресурслари асосан республика территориясида қайта ишланадиган бўлишига эришиш керак, бу эса миллий даромадни ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни кўпайтириш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтиради;

— **бутун иқтисодиётга ижтимоий йўналиш бағишлаб, уни инсонга, инсоннинг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондиришга қаратиш.** Янги беш йилликда фойдаланиладиган миллий даромаднинг асосий қисмини ижтимоий муаммолар комплексини ҳал қилишга, жорий қурилишларга ва ноишлаб чиқариш соҳаси қурилишига сарфлаш;

— **замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш, кўп меҳнат талаб қиладиган ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқаришларни ўзлаштиришга ўтиш.** Машинасозлик, рўзғор техникаси, телевизион ва радиоаппаратларнинг техник жиҳатдан мураккаб маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи республика базасини вужудга келтириш ҳамда ривожлантириш;

— ишлаб чиқарувчи кучларни территорияларга янада оқилона жойлаштириш чораларини кўриш. Тошкент области ва Тошкент шаҳрида саноатнинг бундан буёнги тараққиётини

Шу мақсадда сувни тежайдиган технологияларни, суғоришнинг илғор техникасини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг сувни кам талаб қиладиган янги навларини яратиш ҳамда уларни экишга алоқадор чора-тадбирлар комплексини изчиллик билан амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Сув ресурслари тобора камайиб бораётганлиги ҳамда демографик вазият муносабати билан қўшимча сув манбаларини ва уларни бошқа территориялардан тўлдириш ҳисобига регионни сув билан таъминлаш имкониятларини қидириб топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барча ижтимоий, иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилиши **қурилиш комплексидаги** ишларнинг аҳволини тубдан яхшилаш билан боғлиқ. Қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Беш йиллик ичида цемент, шифер, ғишт ишлаб чиқариш 1,5-1,7 баравар, линолеум, пардозлаш плиткалари ишлаб чиқариш 3-4 баравар кўпаяди. Хўжаликларда маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш кенг ривожлантирилади. Бу эса келгуси беш йилликда қурилиш бўлинмаларининг ҳам, якка тартибда уй қурувчиларнинг ҳам моддий ресурсларга эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини жўшқин ва муқим ривожлантириш, унинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш бошқа иттифоқдош республикалар билан Ўзбекистоннинг алоқаларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни, ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришни талаб қилади. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон билан ҳамкорликни анча мустаҳкамлаш лозим бўлади. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари кенгайтирилади. Бунинг учун СССР ташқи иқтисодий банкининг республика банки ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси **илм-фан тобора кўпроқ даражада бевосита ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолаётганлигига** асосланади. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш кучайтирилади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг, бошқа илмий-тадқиқот, конструкторлик ташкилотларининг, олий ўқув юртларининг интеллектуал имкониятлари республикани ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришнинг асосий муаммоларини, экология, одамлар соғлигини сақлаш муаммоларини ҳал этишга қаратилади. Олимларимизнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги энг катта илмий марказларда стажировкадан ўтишлари кенгайтирилади. Илм-фаннинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республикада ҳам **экономикани бошқаришнинг туб ислоҳоти** амалга оширилмоқда. Асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлган корхона ва хўжалик ислоҳотнинг бошланғич таянчидир. Уларнинг мустақиллигини ва масъулиятини ошириш, хўжалик ҳисоби принципларини ишлаб чиқариш ичидаги барча бўлинмаларга, ҳар бир иш жойига етказиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси жойларда Советларнинг амалдаги тўла ҳокимияти қарор топишига, территорияларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барча масалаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг кенг кўламдаги иштирокига ҳар жиҳатдан ёрдам беради. Маҳаллий хўжалик составини кенгайтириш, республика, область, шаҳар ва район ўзини ўзи бошқарувининг молиявий базасини мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар амалга оширилади. Қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, барча корхоналар маҳаллий бюджетни вужудга келтиришда иштирок этиши лозим.

Аҳоли истиқомат жойларида ўзини ўзи бошқарувнинг муҳим бўғини сифатида маҳалла комитетларининг ҳуқуқлари ва ваколатлари кенгайтирилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан маҳалла комитетларига ходимлар ва иш ҳақи фонди ажратиш масалалари ҳал этилди. Уларнинг мустақиллиги анча оширилмоқда. Кам таъминланган оилаларга, пенсионерларга ва ёлғиз қарияларга ёрдам беришда маҳалла комитетларининг моддий имкониятлари мустаҳкамланмоқда. Оилавий ва қўшнилар ўртасидаги жанжалларнинг, жиноятчиликнинг олдини олишда, ёшларни халқ анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашда уларнинг мавқеи кўтарилмоқда. Территорияларни ободонлаштириш, янги объектлар қуриш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни маҳаллий Советлар маҳалла комитетларининг иштироки ва розилиги билан ҳал этадилар.

IV.

КПСС ҳаракат дастури асосида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришни, Ўзбекистоннинг, республикада яшаётган барча миллатлар ва элатлар тараққиётининг етилган муаммоларини ҳал этишни таъминлайдиган миллий сиёсатни амалга оширишни Компартия ўзининг энг муҳим сиёсий вазифаси, деб ҳисоблайди.

Компартия ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида **республиканинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш** йўлини собитқадамлик билан ўтказаверади, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР ихтиёрида бўлган масалаларни ҳал этишда уларнинг кенг кўламдаги мустақиллигига эришиш учун ҳаракат қилаверади.

Миллий-маданий эҳтиёжларни тўла-тўкис қондириш учун аниқ-равшан тадбирлар кўрилади. Ўзбекистон Компартияси ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган Қонунни қатъият билан ва оғишмай амалга оширади. Республика Министрлар Совети ана шу Қонунни белгиланган муддатларда рўёбга чиқариш учун тадбирлар комплексини амалга оширмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма ерда ўзбек тилини пухта ўрганиш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Айни вақтда миллатлараро муомала тили бўлган рус тилини барча аҳоли яхшироқ билиб олиши, республикада яшаётган ҳамма халқлар тилларининг эркин равнақи таъминланмоқда.

Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг айрим даврларини ўрганиш ва уларга холис баҳо бериш юзасидан изчиллик билан иш олиб борилмоқда. Халқ анъаналари, урф-одат ва маросимлари, масалан, «Наврўз» баҳор байрамини ўтказиш ва шу сингарилар тикланмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз ва бошқа маданий марказларда тарихий ёдгорликларни таъмирлаш учун қўшимча маблағлар ажратилмоқда. Ўқув юртларида Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданияти ва турмушини ўрганиш юзасидан махсус курслар очилмоқда. Ихтиёрийлик асосида араб ёзувини ўрганиш ташкил қилинаётир. Шу билан бир қаторда оммани жаҳон ва Ватанимиз маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этиляпти.

Ўзбек тилида, республикадаги бошқа миллатларнинг тилларида китоб чиқариш кўпаяди, миллий маданият марказлари ва жамиятлари ташкил этилади. Тожик, қозоқ, қирғиз, татар, корейс тилларида газеталар нашр этиш кўпаяди. Республикадаги миллатларнинг тилларида радиоэшиттиришлар ҳажми ортади.

Партия ташкилоти бундан буён ҳам Ўзбекистонда яшаётган барча миллатларнинг партия, совет ва давлат идораларида, жамоат ташкилотларида зарур даражадаги ваколатлилигини таъминлаш йўлини изчиллик билан ўтказаверади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни, чет эл мамлакатлари билан илмий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро фойдали асосда қўшма корхоналар барпо этиш масалаларида республиканинг ҳуқуқлари анча кенгаяди.

Ўзбекистон Компартиясининг принципиал позицияси шундан иборатки, республика фақат Совет Федерацияси

V.

Ўзбекистон Компартияси омманинг меҳнатдаги ва ижтимоий фаоллигини оширишни, унинг сиёсий ва маънавий маданиятини юксалтиришни, халқ оммаси қайта қуришнинг мақсадларини уқиб олишини ўзининг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Бу **демократиялаш ва ошкоралик принципларидаги мафкуравий ишнинг янги мазмун ва усулларини** тақозо этади. Партия фаолларининг, депутатларнинг меҳнат ва ўқув коллективларидаги, аҳоли истиқомат жойларидаги учрашувлари, барча даражадаги раҳбарларнинг меҳнаткашлар билан бевосита алоқалари кундалик одат тусини олмоқда.

Партиянинг халқ билан мулоқоти **оммавий ахборот воситалари** ёрдамида ҳам кучайтирилмоқда. **Ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, партия комитетлари билан редакциялар ўртасидаги ўзаро ишонч ва масъулиятга, ҳурмат-эҳтиромга асосланган муносабатлар** мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг амалий йўлларини қидиришга ёрдам бериши керак.

Оммавий ахборот воситаларининг моддий базасини янада ривожлантириш ҳам шунга хизмат қилади. 1995 йилгача республика территориясидаги жуда кўп аҳоли телевидение кўрсатувларини кўришга муваффақ бўлади. Термизда радио-телестудия, Андижон ва Самарқандда телемарказлар, Урганч ва Нукусда радио уйлари фойдаланишга топширилади. Самарқанд шаҳрида Ғафур Ғулом номли бадиий адабиёт нашриётининг филиали очилади.

Маданий-маърифий ишни ва дам олишни уюштиришни янги босқичга кўтариш лозим бўлади. Келгуси беш йилликда Ҳамза театри ва А. Қаҳҳор номли сатира театри, консерваториянинг янги биноларини қуриш, Ўзбек ёш томошабинлар театри, Свердлов номли концерт зали биноларини реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Самарқанд шаҳрида янги концерт-филармония зали томошабинларни қабул қилиб олади. Тошкентдаги Горький номли театр биноси қуриб битказилади. Клублар, кутубхоналар, маданият уйларини қуриш ва жиҳозлашга кўп маблағ ажратилади.

Ўзбекистон Компартияси **ижодкор зиёлиларнинг** барча соғлом кучларини жипслаштириш, бирлаштириш, яқин ўтмишда зиёлилар билан узилиб қолган мулоқотни тиклаш, ҳурмат-эҳтиром муносабатларини йўлга қўйиш, кўп қиррали ўзбек маданияти ва санъати барча йўналишларининг фаоллиги ўсиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида ҳамма керакли ишларни қилади.

Компартия Марказий Комитети шунга аминки, маданият ўчоқлари ва марказларини ҳар томонлама ва уйғун ривожлантирмай, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирмай, зиёлиларнинг, аввало, омма ўртасида ҳамиша ана шу маданиятнинг дарғаси бўлиб келган ва бундан буён ҳам дарғаси бўладиган истеъдодли ёшларнинг қўллаб-қувватлашисиз халқимизнинг маънавий маданиятини, гражданлик фаоллигини ва сиёсий онгини ошириб бўлмайди.

Кўҳна тарих ва маданият соҳиби Беруний, ал-Хоразмий, Фаробий, Улуғбек, Алишер Навоий, Фурқат, Муқимий ва ўтмишдаги бошқа буюк мутафаккирлар ва халқ маърифатпарварларининг бебаҳо мероси эгаси бўлган Ўзбекистон кўп асрлик маданий бойликлар ва анъаналар мантиқан давом этиши ва ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитларни бугунги кунда яратиши керак.

Республика партия ташкилоти ўтмишда динга нисбатан волюнтаристик хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганлигидан юз ўгириб, **виждон эркинлигини, диндорларнинг қонуний ҳуқуқларини** таъминлаш, диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тарафдори бўлиб чиқмоқда. Йил бошидан буён 90 га яқин янги ибодатхоналар рўйхатга олинди, меъморчилик ёдгорликлари бўлган 25 та илгариги ибодатхоналар диндорларга қайтариб берилди ва улар тикланади. Диндорларга республиканинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида, тинчликпарварлик ва хайрия фаолиятида иштирок этиш, инсонпарварлик, миллатлараро муносабатларда иззат-эҳтиром ва яхши қўшничиликни қарор топтириш учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Айни вақтда партия ташвиқот, ишонтириш усуллари билан меҳнаткашларда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантиради, динга бетоқатлик ва мутаассиблик позицияларидан туриб чиқиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни қатъиян қоралайди.

Жипслашиш, бирлик, қайта қуриш ва республика ҳаётининг барча соҳаларини янгилаш тарафдорлари бўлган ҳамма кучлар билан ҳамкорлик қилиш — бўлажак давр ва тарихий истиқбол учун Ўзбекистон Компартияси ўз олдига қўяётган вазифадир.

Ўзбекистон Компартияси **қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш** юзасидан туб чора-тадбирларни амалга оширишни партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари, республика жамоатчилиги ишининг энг муҳим йўналишларидан бири, деб ҳисоблайди. Халқ мулки, граждонларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳар қандай жиноий тажовузлар, чайқовчилик ва суиистеъмоллардан ишончли тарзда ҳимоя қилиниши керак.

Компартия **жиноятчиликка қарши муросасиз кураш республика давлат программасини** амалга оширишни ўзининг қатъий назоратига олади. Мазкур программада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий-техникавий жиҳатдан таъминланишини анча яхшилаш, бу органларни малакали кадрлар билан янада мустаҳкамлаш, тартибни муҳофаза этишга меҳнат коллективлари, давлат, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларини фаол жалб этиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети миллий негизда, тил боисидан ёки ижтимоий негизда **оммавий ёхуд гуруҳ-гуруҳ бўлиб тартибсизликлар чиқаришнинг** ҳар қандай кўринишларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Ана шундай хатти-ҳаракатлар қилишга уринилса, қатъият билан уларнинг пайи қирқилади, бундай хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчилари ва иштирокчилари эса жавобгарликка тортилади.

Компартия **социалистик қонунчиликка қатъий риоя этиш ва** совет жиноят ҳуқуқини инсонпарварлаштиришнинг астойдил тарафдоридир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ижтимоий адолат принципларига, ўз вақтида «пахта ишлари» деб аталмиш ишларни кўриб чиқишга холис баҳо бериш ва бу борада содир бўлган айрим хатоларни тузатиш зарурлигига асосланиб, ҳозир судларнинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган шахсларга нисбатан мазкур ишларни қайтадан кўриб чиқиш хусусида меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп мурожаатларини қўллаб-қувватлаш зарур, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг комиссияси тузилди, комиссия яқин орада бу ишни ниҳоясига етказиши керак.

Компартия **ишлаб чиқариш, меҳнат, ижтимоий интизомни ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш** тарафдоридир. Демократия — анархия ва ўзбошимчалик эмас. Интизом, уюшқоқлик, масъулиятгина барчанинг ва ҳар бир кишининг турмуши амалда яхшиланишини таъминлаши мумкин.

* * *

Ўзбекистон Компартияси шуни маълум қиладики, партия комитетлари ва ташкилотларининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий иши партияга мансублигидан қатъи назар, қайта қуришнинг фаол тарафдорлари, жамият барча қатламларининг энг яхши вакиллари — ишчилар, колхозчилар, ақлий меҳнат ходимлари, ветеранлар ва ёшлар, республикамизда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг ўғил-қизлари депутатлар этиб сайланишига қаратилади.

Шу мақсадда касаба со комсомол ташкилотлари ва

ЁЗУВЧИЛАР ҚУРУЛТОЙИ ОЛДИДАН: ТАҲЛИЛЛАР, МУҲОКАМАЛАР

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ШАРОФАТИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ҲАММАНИНГ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИ ижтимоий-сиёсий масалалар билан банд; телеэкран қаршисига чўкиб съезду сессия мажлисларидаги мунозаралар, даҳанаки олишувлар, намойишу ҳар хил можаролар ҳақидаги кўрсатувларни томоша қилиш билан овoрамиз. Газета ва журналлар ҳам шу хил материалларга кенг ўрин бераяпти. Бунинг устига бир вақтлар унутилган, топталган маънавий-маданий, адабий хазинамизни халққа қайтариш, бой тарихий меросимизни қайта идрок этиш, бирёқлама талқинларни бартараф қилиб, адолатни, тарихий ҳақиқатни тиклаш йўлида қудратли ҳаракат бошланди. Етмиш йил давомида сохта ақидалар, улар асосида шаклланган маданиятимиз, адабиётимиз хусусидаги бирёқлама тасаввурлар остин-устин бўлиб кетди; мусулмон дунёсининг бош китоби — Қуръони карим, пайғамбар ҳадислари, тасаввуф адабиёти, унинг Яссавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Боқирғоний каби намояндалари тўғрисидаги қарашларимиз тубдан ўзгармоқда; Н. Комилов, Ё. Исоқов, И. Ҳаққулов, С. Олимов, Н. Жумаев каби зукко тадқиқотчиларнинг теран тадқиқотлари туфайли Навоий, Машраб сингари буюк санъаткорлар бадиий оламини янгидан кашф этиш бошланди; Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Вадуд Маҳмуд, Қодирийнинг матбуотда қайта босилаётган ҳар бир асари ҳозирги авлод учун янгиликдир; бу алломаларнинг фожеий қисмати тўғрисидаги маълумотлар одамларни ҳаяжонга солмоқда, улар ижодининг янгича таҳлил ва талқинлари катта қизиқиш уйғотмоқда... Шунингдек, кўп йиллар ардоқланиб келинган Ҳамза, Айний, Ойбек, Ғ. Ғулом, Олимжон, А. Қаҳҳор, Уйғун сингари адиблар ҳаёти, фаолияти, уларнинг ўз даврида довруғ қозонган асарлари хусусида илгари сурилган янгича қарашлар, билдирилаётган танқидий мулоҳазалар кўпчиликни лол қолдирмоқда.

Хуласа, адабий жамоатчиликнинг фикр-хаёли кўпроқ шу хил муаммо, баҳслар билан банд бўлиб кетиб ҳозирги адабий жараёнда юз бераётган баъзи муҳим тенденциялар эътибордан четда қолаётир. Ҳолбуки, ҳозирги кунда адабиётимиз ривожида, бадиий тафакур равнақида чинакам инқилобий ўзгаришлар рўй бераётир. Кечаги ақидалар, адабий мезонларга таяниб бугун бадиий кашфиётлар яратиш, ҳушёр, дидли китобхон дилини мафтун этиш, унга маънавий-руҳий озиқ бериш асло мумкин эмаслиги тобора аён бўлиб бораяпти. Бадиий тафаккурдаги ўзгариш, янгиланиш аввало шеъриятда намоён бўлмоқда. Афсус, мана шу жараёнлар ҳозирги танқидчиликда, адабиётшуносликда ҳали тўла пайқаб олингани, уларни чинакамига ўрганишга киришилгани [illegible] йўқ.

Ҳозирги [illegible] шеърият ривожидаги энг характерли [illegible] — у[illegible]тўла маънода руҳий эркинлик[illegible]нг намоён[illegible]ётганлигидир. Бу ниҳоятда му[illegible]м хусусият. [illegible]из чинакам бадиий кашфиётнинг пайдо бўлиши [illegible]мкин эмас; новаторлик деймизми, ижодий [illegible]гиналлик дейсизми, услубнинг [illegible]зига хослиги[illegible]шаклий топилмалар дейсизми — [illegible]аммасининг [illegible]идоси шу руҳий эркинликдан бошланади. [illegible]ш йил давомида шеъриятимиз, ижодкорлар[illegible] ҳукмрон мафкура, сиёсат тазйиқида бўл[illegible]лди. Бу тазйиқдан четда туриш[illegible]а, мустаби[illegible]зум адабий ақидалари қобиғини [illegible]риб чиқиш[illegible] уринишлар ҳам бўлди. Чунончи, Чўлпоннинг [illegible] йиллар бошларида чиққан иккита шеърий тў[illegible]да, қолаверса, «Тонг сирлари»даги шеър[illegible]да биз ҳеч қанақа ташқи тазйиқлар таъсир[illegible] зуғумини кўрмаймиз. Ҳур фикрли шоир [illegible] қалби буюрганини, ўзи чин дилдан ишон[illegible] ҳақиқат деб билган дил сўзларигина ай[illegible] Афсуски, кўп ўтмай аҳвол ўзгар[illegible]и, ҳатто [illegible]пондек «кишан киймаслик», «бўйин эгма[illegible]ка, ҳурликка даъват этган жасур шоирнинг[illegible] ҳам замон зўравонлиги тазйиқи остида қ[illegible] гоҳо «кишанлар билан дўстлашиш»га [illegible]бур бўлди. Кўплаб жасур, ҳақгўй шоирлар [illegible]қ йиллар ҳар қанча уринмасинлар, барибир, [illegible]рнинг қонида сусткашлик давом этди, ту[illegible]ик зуғуми асарларида қандайдир кўриниш[illegible] изи-муҳрини қолдирди...

Ҳозир[illegible] шеъриятга, хусусан истеъдодли ёшлар шеърлар[illegible] қаранг, уларда чекланиш, ўзликдан чекиниш аломатларини кўрмайсиз; улар яратаётган а[illegible]рда руҳий эркинлик тўла намоён! Бир ва[illegible] «кишан»ланган шоирлар, ҳаттоки ҳукмро[illegible] мафкуранинг оташин тарғиботчилари саналга[illegible] «оз» қаламкашлар ҳам ҳозир ўзларини бош[illegible] сезмоқда. Айниқса кейинги 25—30 йил давомида шеъриятимизнинг пешқадам вакиллари, [illegible]ор шеъриятнинг карвонбошиси санал[illegible]кин, аммо, барибир, ҳукмрон мафкура сиртидан бутунлай чиқиб кета олмаган Эркин Во[illegible]ов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳали[illegible] Худойбердиева сингари жасур, ҳақиқатгўй [illegible]лар ижодидаги янгича тамойилларни куз[illegible] ғоят мароқлидир.

Шу йил [illegible]ябрь ойида Тошкентда «Эл» халқаро уюшм[illegible] ташаббуси билан чақирилган ўзбеклар (т[illegible]тонликлар)нинг биринчи халқаро учрашувида шоир Эркин Воҳидов «Ватан умиди» деган янги шеърини ўқиб берди. Шеърда, жумладан, шундай сатрлар бор:

> **Агарчи исмим Эркин,**
> **Эрки йўқ, банди кишан бўлдим,**
> **Кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ,**
> **Тилим йўқ, бесухан бўлдим...**
> **Чекибдур Бобуру Фурқат**
> **Ватан ҳажрида афғонлар,**
> **Мен эрсам, вах, не ғурбатким,**
> **Ватанда беватан бўлдим.**
> **Олисда, оҳ диёрим, деб**
> **Соғинган, эй ватандошим,**
> **Дема сен ўзни бебахт,**
> **Бахти йўқ аслида ман бўлдим.**

Бундай сатрларни тинглаган ҳамкасб дўстларимдан бири: «Эркин ака аввалги шеърларида Ватан, бахт ҳақида бошқача ёзган эди-ку!», деб қолди. Дарҳақиқат, Э. Воҳидовнинг талай шеърларида, хусусан, Ватан, жонажон Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳақидаги қасидаларида юртга эгалик, эл-юрт, ўз бахти билан фахрланиш, ифтихор туйғуси уфуриб туради. Чунончи, ўн беш йил бурунги «Ифтихор туйғуси» шеърида она Ватани толеи осмонида «ой бўлиб, офтоб бўлиб кулиб» тургани, шу Ватан боис қалби «ғурур, сўнгсиз ифтихор»га тўла экани ҳақида гапириб шуларни ёзади:

> **Мушкул, аммо шарафли тақдирингга қарайман,**
> **Юртим, яна ифтихор туйғусидан яйрайман.**
> **Одамлар бор оламда, бу туйғудан бенасиб,**
> **Ҳеч кимсанинг бошига тушмасин бу кўргилик.**
> **Дунёда туғилибсан, ватанингда бўл соҳиб,**
> **Юртинг бўлсин, заминнинг, дадил босиб юргулик.**
> **Минг-минг карра шукурким, менинг шундай юртим бор,**
> **Менинг шундай юртимдан бағрим тўла ифтихор.**

ҲОЗИРГА КЕЛИБ ШОИРДА ВАТАН, эл-юртга эгалик, бахтиёрлик ҳақидаги қарашларнинг бу қадар кескин ўзгариб кетганлигига ажабланмаса бўлади. Чунки бундан беш-ўн йил бурун эл-юртда «Ифтихор туйғуси» шеъридаги каби тасаввур ҳукмрон эди.

Шу ўринда латифанамо бир воқеа ёдга тушиб қолди. 1989 йилги Қўқон воқеаларидан сал бурун у ерда бўлганимда қўқонлик дўстлардан эшитиб эдим: эмишки, хориждан келган меҳмонлардан қўқонликлар, умуман республикамиз халқи турмуши ҳақидаги таассуротларини сўрашибди. Меҳмонлар: «Сизлар дунёда энг бахтли одамлар экансиз», дея жавоб беришибди. «Бизнинг бахтимиз нимада?» деб сўраганларида улар: «Чунки сизлар бахтсиз эканликларингизни билмайсизлар» деган эканлар.

Шундай савол-жавоб аслида бўлганми ёки йўқми, аниқ айтолмайман. Аммо шу латифанамо воқеа замирида катта ҳақиқат ётибди. Бу хил аччиқ ҳақиқатларни эшитганда авваллари шунчаки кулиб қўя қолар эдик. Ўша кезлари шеъриятда ниш бера бошлаган янгича тамойилларга, чунончи, Р. Парфи, М. Солиҳ, Ш. Раҳмон шеърларидаги Ватан, бахт, ифтихор туйғуси хусусидаги мавжуд расмий қарашларга киноя тарзида битилган сатрларга бепарво қарардик. Муҳаммад Солиҳ ёзганидек:

> **«Шу ер — меники», деб ёзаркан шеърни,**
> **Шубҳага бормайсиз ҳеч қачон мендай.**
> **«Бу ватан — меники», десангиз, бирор**
> **Одам туриб демас сизга: «Бу — ёлғон!»**

Ниҳоят, бугунга келиб ҳушёр одамлар бундай савол устида бош қотирмоқда, шу аччиқ ҳақиқатнинг тагига етмоқда, шу аччиқ ҳақиқат кўпчилик шоирларимиз, хусусан Эркин Воҳидов ижодида зўр дард-аламга айланиб, фожеий пафос даражасига кўтарилмоқда.

Навоийнинг 550 йиллик тўйи арафасида улуғ шоирнинг **«Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топмамон»** мисраси кўп марта тилга олинди. Бу сатрда Навоий ижодининг бош мақсади жуда яхши ифодаланган. Дарҳақиқат, буюк шоир жамики асарларида аввало ўзини топиш, ўзлигини англашга интилади, қон ютиб, мажнун бўлиб ўзлигини, ҳақиқатни излайди, шафқатсизларча ўз бисотини тафтиш этиб кўнглидаги бор сиру асрорини, дарду аламларини ошкор этади; ўзини тафтиш этиш, ўзлигини англаш орқали ер у осмон, ҳаёт ва коинот, ўн саккиз минг олам ҳақиқати сари боради... У ёғини суриштирсангиз, ўзлигини қидириш, тафтиш этиш, топишга интилиш жамики улуғ шоирларимизга — Яссавий, Бобур, Машраб, Чўлпон ижодига хос бош хусусият! Қарангки, адабиёт таназзулга юз тутган пайтларда ижодкорларда айни шу хусусият хира тортиб қоларкан. Тоталитар тузум, мустабид адабий сиёсатнинг сўз санъатига, биринчи галда шеъриятга келтирган энг мудҳиш зарари шу бўлдики, бу сиёсат чинакам истеъдодлардаги «мен»ни маҳв этди, ўзлигини англаш, топиш, намоён этиш майлини топтади, сўндирди; адабиётимизнинг бутун бир авлодида кўп асрлик шеъриятимизга хос изтиробу машаққатлар, шубҳа-гумонлар ичида мардона туриб ўзлигини қидириш, тафтиш қилиш, шу орқали ҳақиқатни англаш, излаш анъанаси деярли сўниб қолди. Кўп шоирларимиз осонгина йўлдан бориб ҳақиқат ҳақидаги тайёр, расмий қараш, тасаввурларни «ўзига хос» тарзда «маҳорат билан» сатрларга тизиш билан банд бўлдилар.

Мана энди билаяпмиз, кўраяпмиз, худди ана шу «мен»ликдан жудолик туфайли халқ бошига мислсиз кулфатлар келтирган сиёсатни олқишлаган шеърлар, достонлар яратилди; истибдод авжига минган, халқнинг асл ўғлонлари, чин ҳақгўй адиблари таъқиб остига олинган, қатағон қилинган, уларнинг нолаю фиғонлари қамоқхоналарнинг қалин деворлари ичида қолиб кетган кезларда «шодлик ва бахтиёрлик» нашидаси билан йўғрилган асарлар ёзилди; ўзини озод, бахтли санаган, аслида мўте, тобе, қул ҳолидаги қаламкашлар «Ватани, бахти, ифтихори» ҳақида тўлиб-тошиб куйлайверди... Чўлпондан кейин то 60-йилларга қадар бирорта ҳам ўзини — қалбини, босиб ўтган йўлини чинакамига мардона тафтиш қилган, йўл қўйган хатолари учун афсус-надоматлар чеккан, гуноҳлари учун тавба-тазарру қилган, салгина бўлсин ўзи айтган гапларига шубҳа-гумон билан қараган шоирни билмайман! Чунки кўнглида Оллоҳ, имон-эътиқод, муқаддас илоҳий ҳақиқат йўқ бўлгандан кейин ўзликни тафтиш қилиш, ҳисоб бериш, шубҳа-гумонларга бориш, тавба-тазарру қилиш учун ўрин ҳам, ҳожат ҳам қолмайди. Шу тариқа тоталитар адабий сиёсат, моддиюнча сўқир адабий ақидалар сўз санъатининг, шеъриятнинг, шеърий истеъдоднинг, қолаверса, оддий инсоний қадриятларнинг кушандаси эканини бизнинг етмиш йиллик кулфатларимиз ҳам тўла исботлаб турибди.

Хайриятки, кечикиб бўлса-да, ўзбек шеърияти азалий анъаналарига қайтмоқда. Эркин Воҳидовнинг кейинги туркум шеърлари бунинг учун ёрқин далил.

> **Кечир, янглишмаган ким бор,**
> **Менинг ҳам кўп гуноҳим бор,**
> **Одамзод асли нокомил,**
> **Кечир, ё раб, кечир, ё раб!**
> **[«Кечир, ё раб!»]**

Навоий муножотларига ҳамоҳанг бунақа сатрларни етмиш йил давомида бирорта ҳам «таниқли ўзбек совет шоири» битмаган эди.

> **Қилурман тавбалар, гарчи**
> **Тазарруклик гуноҳим йўқ,**
> **Гуноҳим йўқлигига лек**
> **Нетай, исбот, гувоҳим йўқ.**
> **[«Қилурман тавбалар...»]**

Бундай мажҳул кайфият — гуноҳ туфайли тавба-тазаррулар, кўнгилдаги шубҳа-гумонларни ошкора изҳор этиш ҳам бизда айтарли таомилдан чиқиб кетган эди.

> **Дилим чарчаб хатолардан,**
> **Эл ичра можаролардан,**
> **Қочар бўлсам низолардан,**
> **Яна сен ошино менга.**
> **[«Шеърият»]**

Бунақа танг, маҳзун ҳолда, ночор ҳолатда шеъриятни, ижодни қўмсаш яқин-яқинларда ҳам «жанговар совет поэзияси» анъана ва принципларига ёт хусусият саналарди.

> **Билмам қандоқ, не сабаб, қачон**
> **Ҳаётингга ошно бўлган ул —**
> **Боши эгик, бесўз, бейсён**
> **Юрагингда макон тутган қул...**
> **Бургут эдинг, парвози баланд,**
> **Сенга ҳам ёр зулфиқор дулдул.**
> **Нечун увол мусича монанд**
> **Юрагингда макон тутган қул!**
> **Умр — қошу киприк ораси,**
> **Гадоликдан адолик маъқул.**
> **Қуллар ичра энг бечораси**
> **Юрагингда макон тутган қул.**
> **[«Юрагингда макон тутган қул»]**

Чўлпоннинг «Кўнгил» шеъридан кейин бу хилдаги ошкора, мутеликка исён тўла ёниқ, аламли сатрлар, янглишмасам, бизда ҳали битилмаган эди.

> **Бас, етар ёлғон Саодат,**
> **Ёлғон Эрк, ёлғон Ватан!**
> **[«Ватан истаги»]**

Бор овоз билан шу ҳақиқатни айтиш учун адабиётимизга 70 йил, шоир Эркин Воҳидовга эса 30 йил керак бўлди! Фақат ўзлигини англаб етган, юраги қулликдан ҳоли, исёнга мойил, имони бутун, эътиқодли шоиргина ҳақиқатни, Ватан, халқ, бахт, реал турмуш ҳақидаги бор гапни бор овоз билан айта олишига энди-энди тушуниб етаяпмиз.

БИЗ УЗОҚ ЙИЛЛАР ХАЛҚИМИЗ ШАЪНИ, иродаси, ақл-заковати, унинг куч-қудрати ҳақида бирёқлама, юзаки тасаввур берадиган асарларни ўқиб келдик, уларни ардоқлаб, зўр бериб тарғиб-ташвиқ этдик. Ҳолбуки, Бобур, Турди, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Қодирий каби элнинг асл ўғлонлари она юрти, халқимизнинг шаънини ҳар қанча улуғламасинлар унинг ожиз томонларини ҳам кўра олганлар, кўп афсус-надоматлар билан халқнинг ўзини бу аччиқ ҳақиқатдан огоҳ этганлар. Биз эса халқимизнинг ожиз жиҳатлари ҳақида ҳалол, ростгўйлик билан битилган сатрлар ва лавҳаларни гоҳо кўриб кўрмасликка олар эдик, гоҳо эса шу аччиқ ҳақиқатни эътироф этишга «ғурур»имиз йўл қўймасди.

Шуниси муҳимки, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиевадек халқ шаънининг қатъий ҳимоячиси, оташин куйчиси бўлиб танилган шоирлар биринчилардан бўлиб халқ табиатидаги ожизликлардан сўз оча бошлади. Дастлаб Абдулланинг «Маломат тошлари», «Оломонга», Омоннинг «Шукур Бурҳон...», Эркиннинг «Руҳлар исёни» асарларида бу ҳол уч берган эди, кейинги пайтларда бу хусусият шеъриятимизда сезиларли томойил тусини ола бошлади. Зотан, ҳозирга келиб халқ табиатидаги ожизликлар шу халқнинг ўзига, аниқроғи, унинг пешқадам вакилларига тобора аёнроқ кўринаяпти.

Бизда сиёсий онг, она юртга эгалик туйғуси ҳали тўла шаклланиб улгургани йўқ. Узоқ йиллар бахтли, эркин ҳаёт ҳақидаги афсоналарга, ёлғон ваъдаларга ишониб, алданиб келган, нуқул меҳнат қилиш, меҳнати, «оқ олтин»и бутун мамлакатни, қолаверса, жаҳонни кийинтираётгани билан фахрланиб, пахтасини миллий ифтихори деб билиш руҳида тарбия топиб, охирида ўзи кафанликка зор бўлиб қолганида, боз устига текинтомоқ халқ деб ҳақоратланганида ҳам пинагини бузмайдиганлар озми бу ўлкада? Йиллар бўйи ўзи емай, киймай йиғиб, йиққанини тўй қилиб, меҳмон олдига ёзиб келадиган, даста-даста пулларни донгдор дайди отарчилар бошидан сочадиган, аммо ўз элининг истеъдодли фарзандларини хорижий мамлакатларда ўқитиш учун мўлжалланган хайрия жамғармаларига ўн сўм пул ўтказишга қизғанадиган одамлар, афсус, ҳали сон-саноқсиз.

Эл-юрт тақдирига оид кескин муаммолар ҳал этиладиган анжуманлардан ёки катта маънавий озиқ олиш мумкин бўлган мушоара, амримаъруфлардан, шоир айтмоқчи, чойхонадаги с ликни бахт деб биладиган ғафлат бандалар қидаги дардингизни кимга айтасиз! Мамла ҳаёт-мамот масаласи кетаётган, бизда эса оламда ҳеч гап бўлмагандек ҳамма бепарво ган август кунларида куюнчак шоиримиз Ю Жумаев мамлакат тақдири деб кўчага чиқ курашга отланган, бошини дорга тутиб бирга москвалик, ленинградлик биродарларимизга, ру демократларига хитобан:

> **Кўзи юмуқларнинг ўлкаси ўлкам,**
> **Ёлғондан тўқларнинг ўлкаси ўлкам,**
> **Халқсиз улуғларнинг ўлкаси ўлкам,**
> **Менинг ҳам сиз каби халқим бўлсайди —**

деб нола чекканида, шоирнинг алам-ўкинчларга маломатларга тўла сўзларини ўқиганда, эшитганда бутун эл бир қалқиб тушар, ҳушёр торти олди-ортига қараб олар-ов деб ўйлаган эдим Йўқ, мен кутган ҳол рўй бермади, ҳаётимиз илгаригидек ўз ўзанида осойишта давом этаверди.

Яна Эркин Воҳидовга қайтайлик. Хўш, бу ҳодиса-ҳолатларга у қандай қараяпти? Я яқинларда халқини «Ўзбегим» деб бошига кў ган шоир бугун эл-юрт иши, ҳолидан чуқур хаёллар, изтироблар оғушида.

> **Эшитмас эл фиғонимни,**
> **Келар олмоққа жонимни,**
> **Олурга лек ёнимни**
> **Менинг бир хайриҳоҳим йўқ.**
> **[«Қилурман тавбалар...»]**

Бундай фиғону нолаларни эл ноиби сиф эл бахти, эрки учун мардона курашаётган латпарвар шоир оғзидан эшитиш нақадар

> **Ошнолар қочди мендан,**
> **Юз ўгирди ғофил эл,**
> **Не эди, айтинг, гуноҳим,**
> **Мен уни такрор этай.**
> **Тўғри сўз туққанга ёқмас,**
> **Ҳақ экан, э воҳ, нетай,**
> **Дўстни душман қилдим, энди**
> **Душманимни ёр этай.**
> **[«Йўқни қандоқ бор этай!»]**

Бу хил аламли сатрлар шунчаки ижодий изл нишлар меваси, қоғоз устида топилган ташбеҳла эмас, балки қайноқ ҳаёт гирдобида кўнгилда т ғилиб, тўлиб-тошиб вулқондек отилиб чиққ юрак дардларининг учқунларидир.

ШОИРНИНГ «УМР — ҚОШУ КИПРИК ОРАСИ» туркумида «Туш» деган мўъжазгина воқеа банд шеър бор. Унда туш билан ўнг — одамнинг аросатдаги мудроқ, ланж ҳолати устида гап бо ради. Шоир такрор-такрор бир хил туш кўради тушида мудраб юрган эл ичида юради, улар билан бирга ўзи ҳам мудраб аста оёқ судрайди:

> **Бу — туш, дейман,**
> **Уйғон, дейман,**
> **Уйғонолмай мудрайман.**

Сиз ҳам, эҳтимол, бунақа ҳолатга тушгансиз. Инсон боласи учун бу оғир руҳий ҳолат. Кошкийди бу шунчаки туш, биргина одамнинг аросатдаги қийноқлари бўлса! Бу бутун халқ бошига тушган кулфат, фалак берган бало, қийноқ Бу ғафлат босган бандалар орасида ғаф дучор бўлган шахснинг мусибати, фож Шоир яратганга илтижо этиб бундай мудҳи чанинг, оғир қийноқнинг охири тезроқ кел илтижо қилади.

«Туш» шеъридан кейин берилган «О саволлар» кишини чуқур ўйга толдиради. Б ки, халқ эрки йўлида жонини тиккан фид элни ўз ортидан бошлаши, уни қўзғатиши бага эришиши ҳам мумкин. Хўш, кейин-

> **Мудом кураш азобини фидойилар кўрг**
> **Инқилоблар ҳосилини муттаҳамлар ўрг**
> **Сиз ҳам бугун панадасиз, жангга бизни қайр**
> **Биз бу жангда шаҳид бўлсак, аввало Сиз яйрайсиз.**

Шоирни қийнаган ери шун[illegible] куйганида, элни курашга чор[illegible] ҳуррият тилаганида, юртига [illegible] да — шу муттаҳамларни ў[illegible] охиридаги шоирнинг:

> **Ғофил халқим! Тинглармана наъра-унингни,**
> **Кўрарманми зулуклардан оз бўлган кунингни**

деган нидолари қалбларни ти[illegible] Аввалги Эркин Воҳидов бў[illegible] тўйну ҳозирги истиқлол кунларида ўз[illegible] қиллиги, бахти, шаънига атаб шо[illegible] тўла қасидалар битармиди. Ўзин[illegible] гини таниш сари интилаётган виж[illegible] бундай қилмайди, қилолмайди. Эрки[illegible] нинг кейинги шеърлари ўзлигини тани[illegible] шаққатли йўл ғоят шарафли эканини ян[illegible] тасдиқлайди.

Умарали НОРМАТОВ

ЭРГА ҚУЁШ ЧИҚАДИМИ?

ЁХУД ЧОРАСИЗНИНГ ИҚРОРИ

> нечаким узоттим охир,
> ай-йиғлай тугаттим охир.
> Алишер НАВОИЙ

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

МЕНИНГ ЮЗИМДА НЕЧТА НИҚОБ БОР — биттами[illegible]тами, ўнтами... юзтами? Мен буни аниқ билгим[illegible]ди.

Ҳозирча [illegible]арса аён — ниқоб бор! [illegible] МЕН билан МУНО[illegible]ИК ораси[illegible] масофа [illegible]майди. Тағин битта [illegible]ю шуки, МЕНнинг юз[illegible]и ниқобнинг тагига [illegible]ган ким?

Адабиёт с[illegible] бўлмаганида деҳқон[illegible]дан ҳеч фарқи қолмас[illegible], бироқ ҳар иккаласи ҳам [illegible]ириклик. Асло тирикчи[illegible]ас, шунчаки оддий ти[illegible]лик. Бири экмаса очид[illegible], бири ёзмаса юраги [illegible]и. Дон учун эмас ва [illegible] шуҳрат учун эмас, ти[illegible] учун. Ҳар иккаласи [illegible]рагида юрадиганлар б[illegible] хавфдан муҳофазала[illegible] яъни ниқобланган.

Чеховнинг б[illegible]оясидаги қаҳрамон [illegible] баҳонасида жуда кат[illegible]у қозонади. Жуда о[illegible]оқеа: тиши оғрийди. [illegible]айли оғзини очолмай[illegible]иний, у гурунгларда [illegible] ушлаб, қовоғини у[illegible]кут сақлаб ўтиради, [illegible]ани тинглайди, бироқ [illegible] этмайди. Одамлар у[illegible]доно»лигидан ийман[illegible]ат ҳурматини жойиг[illegible]ди: ахир, суқротона б[illegible]иёфа, ғайритабиий ва[illegible]к, сукут... мундайро[illegible]ни довдиратиши тайин! [illegible]з тарихимизнинг Тиш[illegible] ганлар Замонида яш[illegible]. Ҳар учтадан иккитас[illegible] рот»!

«Суқрот»ни тирно[illegible]дим, бироқ бу аслида эмас, ниқоб. МЕНинг ниқобим! Ниқобнинг моҳияти тахминан шундай: МЕН президентни кескин танқид қилиб гапираман ва ҳаял ўтмай унинг девонига хизматга жойлашиб оламан. Энди бироз уним ўчади. Гурунгталаб ёшларга суқротона қиёфада дейман: йўқ, бу дунёда ҳеч нимани ўзгартириб бўлмайди! Курашиш бефойда! Гап орасида эса қўшиб кетаман: мен шахсан президентнинг сиёсатини қўллаб-қувватлайман. Шундай дейман, МЕНда юз борми! Йўқ, юз йўқ, лекин ниқоб бор. Бу аниқ.

Ўлганингдан кейин биров шеърингни ўқийдими, ўқимайдими... Нима қизиғи бор МЕНга. Бироқ тириклигингда ўқишсин! Ўқимасалар ҳам ўқигандек бўлиб юришсин. Хрестоматияга кириш керак! Бу қийин, бироқ мумкин. Мукофотлар, юбилейлар... карнай-сурнай, қадаҳлар жаранги... Халқ танийди, демак, тан олгани шу. Магар бовужудсан, шундай бўлмоғинг керак. Ўлдинг — ўчдинг, на совуқ, на иссиқ.

Мана, жуда янги, шу бугуннинг гапи: атоқли шоирнинг саксон йиллиги. Адабиёт ҳафталиги бир амаллаб у ҳақда мақола топиб эълон қилади. Ходимларнинг боши етмишга тўлаётган бошқа бир таниқли шоир ҳақида ёғилиб келаётган тўёна мақолаларни танлаш билан банд. Ҳар иккала шоирнинг адабиётда хизмати, ўрни бор. Ўз имкониятлари даражасида ёзган асарлари бор. Бироқ бири марҳум, иккинчиси эътиборда. Гап уларда эмас, гап юбилейда. Бу ўзи бир дунё бизда — юбилей деганлари. Мукофотдан-да мушкул савдо бу. Баъзан ақлинг шошади, бу адабиётда қойилмақом асар яратадиган ёзувчи, шоирнинг сонидан адабий мукофотлар сони салкам ўн ҳисса ортиқ, яъни тақага муносиб учқур туёқли тулпор йўғу тақалар сонсиз. Борига шукур ҳарқалай, «қурр» этган қурбақа ҳам қуруқ қолмайди.

Бир шоирнинг шундай сатри бор: «Тилга кўчган ҳар фикр ёлғон». Пахта ҳақида ёзмай қўйишди. Энди нуқул ҳақиқатни ёзишаяптими? Нуқул ҳақиқатни ёзиш, нуқул ҳақиқатни гапириш ҳақиқатми? Адабиётми ҳақиқатни ўрнатадиган? Ахир, сиқилган, эзилган, завқ-шавққа тўлган кўнгилнинг мулки эмасми, адабиёт! Эртага тонгда қуёш чиқади, деган шоир сийқа гапни айтган бўлмайди-ку! У ҳамма билган ва ҳеч кимда шубҳа уйғотмайдиган оддий ҳодисани айтади. Бу унинг эрмаги, у эътибордан қолган ҳодисани айтган бўлади, калака бўлади, бироқ у — шоир, у шунақа гапиради. У кулги бўлишдан чўчимайди, чунки юзи очиқ, ёруғ, ниқобсиз. Унинг ҳаракати ариқдан оққан сувдек оддий ва шундай завқли. Унинг турмуши тўрт фасл измидаги дарахтдек оддий, ҳам гўзал, ҳам маҳзун, ҳам самарали, ҳам азобли. Унинг ёши билан биров қизиқмайди, четда туради, гоҳ сархуш, гоҳ ночор, гоҳ шоҳ, гоҳ гадо. Бу дарахт Рауф Парфига ҳам ўхшаб кетади, Ёдгор Обидни ҳам эсга солади, олазарак Чўлпон Эргаш ҳам уни ёдга туширади, Азиз Абдураззоқ ҳам, Тилак Жўра ҳам...

ФАРАНГИ АДАБИЁТИДА «лаънатланган шоирлар» деган ибора бор. Артур Рембони ўқиган бўлсангиз, бу иборанинг беҳуда пайдо бўлмаганини эсларсиз. У ҳам шу «тамға»га сазовор бўлганлардан. Уларни аслида лаънатга учраган замон «оқ қилган». Уларга лаънат ўқиган замонда яшаган кишиларнинг авлодлари «қарғиш текканлар»ни кўзига суртиб ўқишади. Чунки эрмаги шеър ёзиш ва йиғлаш бўлган Ремболар президент девонига талпинишмаган, Ёзувчилар уюшмасининг узун ва жуда юмшоқ қора оромкурсисини қўмсашмаган. Хайрият, бизда йиғлоқи бўлмаса-да, бундайин одам боласининг сўқир кўнгил майлларига асир бўлмаган дарвеш шоирлар бор экан. Ҳеч қачон улар сукут сақламайди, суқротона қиёфага кирмайди, чунки уларнинг сира тиши оғримайди. Чунки уларнинг чайнайдиган, ғажийдиган, узиб оладиган тиши йўқ, улар қизилияк шоирлар! Улар зерикканда шеър ёзади, бекор қолганда шеър ёзади, бошқа вақт тураверади четда дарахтга ўхшаб — гоҳ ночор, гоҳ шоҳ, гоҳ гадо. Фаол эмас, актуалликни тушунмайди, фикр жўн: эртага албатта қуёш чиқади, дейди. Шавққа тўлса — чидаёлмайди: «Ассалом, қуёш!», дея ҳайқирган бўлади. Куласиз. Қўшилиб кулади. Калака бўлишдан чўчимайди. Чунки юзида ниқоби йўқ йиртилиб кетадиган, юзи очиқ, юзи ёруғ...

Дарвоқе, Улар бугун Қурултойга боришармикан? Сархуш бўлиб бир жойда туриб қолишмаса боришади. Кимга овоз беришаркан?

Ҳа, бу МЕНга боғлиқ. Гап таъсирда, болакўнгил улар, фақат эртага қуёш чиқмайди, десанг ранжиши мумкин, бошқасига рози бўлади. Ахир, эртага қуёш чиқадиган бўлгандан сўнг кимга овоз беришнинг нима фарқи бор. Ҳарқалай, МЕН ниқобни юзимга тортиб олай, айтиб бўладими. Ким билади дейсиз, эртага қуёш чиқмай қоладими.

(Нетай, менинг жуда билгим келади — ўзимни, ўзлигимни, ўзбеклигимни. Кимман, ахир!?).

Аҳмад ОТАБОЕВ

Содиқжон МАҲКАМОВ ол[illegible]

ШУКРУЛЛОНИНГ КЎНГИЛ ЧИРОҒИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ШУКРУЛЛО 70 ЁШДА

Одил ЁҚУБОВ

ҚАРЗДОРМАН

Мен Шукрулло ака тўғрисида кўпдан бери бир гап айтишни ният қилиб юрардим. Бу ниятим сурилиб-сурилиб, пировардида қурултой кунларига тўғри келиб қолди-ю, мақола ёзишнинг иложи бўлмади. Чунки мен Шукрулло аканинг деярли ҳамма достонларини, кўплаб шеърий китобларини, драмаларини, хусусан, «Жавоҳлар сандиғи», «Кафансиз кўмилганлар» деган насй асарларини жуда яхши ман. Нафақат, биламан, и юксак баҳолайман. и келиб, ниятимга етар- яъни Шукрулло ака ида ўйлаб қўйган мақони ёзарман. Ҳозирча эса қли шоиримиз билан боғ- ибратли бир воқеани ҳи- қилиб бераман.

Ўзбекистон адабиёти ва ати» ҳафталигига муҳаррирман. Бир куни Шук- ло ака телефон қилиб дилар: «Одил, Тошкентга ингиз Айтматов келган. У укумат меҳмонхонасига ушган. Мен Чингизни меҳ- онга чақирдим. Машинангда уни олиб келсанг. Бир мириқиб отамлашсак».

Чингиз Айтматовни унинг уйига олиб бордим. Ҳали меҳмонлар йиғилмаган эди. Чингиз Шукрулло акага «Бир нима ёздингизми, янгилик борми, бўлса ўқийлик», деди. Шукрулло ака «Янги бир достон устида ишлаяпман, қоралаб қўйдим, номи «Аср баҳси», деб жавоб берди. Чингиз «Бир бобини бўлса-да ўқиб беринг, оқсоқол», деб илтимос қилди. Шукрулло ака янги асарининг бир бобини ўқиб берди. Бу бобда инсоннинг табиатга беписанд муносабати, гўзал боғларимиз, гулзорларимиз, пахтазорларимиз устига сепилаётган заҳарли дорилар ва бунинг оқибатида бир маҳаллар оқизоқ ўйнаган ариқларимизнинг сувлари оғуга айланганлиги, инсонлар насли бузилаётганлиги, болаларимиз майиб бўлиб туғилаётганлиги, бу ҳам етмагандек, ер курраси узра атом уруши хавфи чархпалак қилиб юргани ҳақида шоирнинг нотинч, безовта ўйлари бадиий тиниқ сатрларда ифода этилган эди. Достон, тўғрироғи, унинг ўқилган қисми Чингиз Айтматовга жуда маъқул бўлди.

— Оқсоқол, — деди Чингиз жуда ҳаяжонланиб, — сиз бутун инсониятни ташвишга солаётган фалсафий теран асар ёзибсиз. Чин юракдан табриклайман. Келинг, Сизни бир қучоқлаб ўпай.

Достон менда ҳам яхши таассурот қолдирди. Ўша давр учун уни анча дадил, ўткир асар дейиш мумкин эди. Биз уни ҳафталикда чоп этишга қарор қилдик. Муҳаррирларга юққан эҳтиёткорлик сабаб мен ўз сўзбошимда «Аср баҳси» ҳақида Чингиз Айтматов берган баҳони тўла келтирдим ва унга суянган ҳолда достонни эълон қилдик. Эълон қилдигу, ўша пайтлардаги жумҳуриятимизнинг идеология раҳбаридан балога қолдик. Кутганимга қарши, ҳатто Чингиз Айтматов берган юксак баҳо ҳам на асарга, на менга қалқон бўла олди. Бир ойгача шоирнинг ҳам, менинг ҳам қулоғимиз тинчимади. Ҳар куни чақир-чақир, ҳар куни дашном. Бугун бу гаплар кулгили туюлади. Лекин у кунларда куладиган аҳволда эмас эдик. Масала шу даражага бориб етдики, достон Ёзувчилар уюшмаси секретариатида муҳокама қилинди. Энг ачинарлиси, секретариатда муҳокамада қатнашган ижодкорларнинг аксарияти достонни ғоявий хато, шоир порлоқ ҳаётимизни қоралаган, деб топишди. Баъзилари ҳатто Чингиз Айтматов асарга бундай юксак баҳо бериши мумкин эмас, Одил Ёқубов бу гапларни ўзи ўйлаб топган, деган фикргача боришди.

Маълумки, бундай ҳодисалар адабиётда кўп бўлган. Сабаби халқ ҳаётининг чуқур томонларини, даврнинг катта дардларини кўтариб чиққан ҳар бир асар мунозарасиз, «тинч» ўтиб кетмайди. У ҳамиша катта баҳсларга сабаб бўлади. Шукрулло аканинг кўп асарлари ана шундай баҳс-мунозараларга, тортишувларга сабаб бўлган. Шукрулло аканинг энг сўнгги «Кафансиз кўмилганлар» деган насрий асари ҳам ана шундай тортишувларга сабаб бўлди. Бу нарса етмишга тўлган адибнинг ғайрати, шижоати, бадиий камолотидан далолат беради. Омон бўлинг, Шукрулло ака, сиз ана шундай асарлар ёзаверинг, биз ўқийверайлик. Қолган гапларга қарздорман.

Расул ҲАМЗАТОВ

ДЎСТЛАРИМ

Мен учун энг яхши жой — дўстларим кўп бўлган маскан. Ўзбекистон ана шундай юртлардан бири. Бу ерда мен Ғафур Ғуломникида меҳмон бўлганман. Ойбек билан яқин эдим. Шайхзода ва Миртемир шеъриятини дилдан севардим. Улкан тақдир эгаси, ажойиб хислатли, зукко Зулфияхонимни мудом эъзозлайман. Шукруллодек ажойиб ўртоғим бор. Уникига кўп марта борганман. Асарларидан шарқона фалсафий фикрлар, ҳикматлар ва ғоят нозик туйғулар уфуриб туради. Шунинг учун мен уни эркалаб «Шукур, олло!» деб чақиришни хуш кўраман. У тўла маънода ҳақиқат куйчиси. Ҳақиқатни улуғлаган шоир эса доим сафдадир.

Римма ҚАЗАҚОВА

ОНИШМАНД ИНСОН

НИНГ ИЖОДИЙ АЁТИМ Шукрулло би- бу донишманд оқсоқол, қ қалби боладай пок, ша жилмайиб, туради- жойиб шоир билан у бу даражада боғланган. Ҳақиқатан у хушчақчақ н, унинг чеҳрасидан та- вақтни эслай осилиб ига, дардли мойил лаб- ги ёйилиб табассуми а нисбатан ихоҳлик уч- учқунлар м осонгина ам яхшилик- улоҳаза юри-

шеърларини ъдан айри тасав- олмайман. У ҳақи- ва инсон сифатида тўлдиради. Айни табиат ҳам бундай арни яратиш билан ўз- и чуқурроқ англатмоқчи дек таассурот қолади.

дий, айни пайтда ам эмас, жиддийли- қандайдир ним . Мана, биз уй- атрофида ўти- ҳбат мавзуи нинг фожиали ида борарди.

— Шукрулло ака, Сизни има учун қамашган? — меҳмонларимдан бири саволга тутади.

— Елпиғич учун...

— Елпиғич учун?.. Қанақасига, қандай қилиб, елпиғич учун наҳотки қамаш мумкин?

Ҳа, 50-йиллар қатағонида Шукрулло ҳам жабрланган ва беш йил қамоқларда ўтириб чиққан. Қамоқ сўзини эшитгач, унинг юзлари бирдан тундлашади, кўзлари чарақлайди, кейин аста-секин чеҳрасига табассум ёйилиб, ғич тарихини — семиз аридан бирига туғилган а елпиғич совға қилга- бу елпиғич биринчи даёқ бузилиб қолгани- коя қила бошлайди. а шоир сотувчи олди- иб елпиғичнинг бузи- олганини айтади. Со- са ҳазиллашиб: «Хўш, бу елпиғични қандай ингизлар? Елпиғич ан юзни елпидик дейсиз- арми? Ана, ана, шу нотўғ- бўлибди. Ахир елпиғични атрофида эмас, юзни ел- ич атрофида айлантириш им эди...» дейди. Бу ҳа- Шукруллога ёқиб туша- а уни бир-икки марта ларда айтади. Ана шун- йиб қўйишади: шоир со- авдосини ҳақорат қи- латифа тўқиб юрибди. р бу гапларни кула- икоясидаги ўша хо- и бир-бир кўрсатган иб берди.

Хўш, Шукрулло ўз ҳаётининг фожиали даврини эслаб ҳазил қилаётибдими? Билмадим. Уни бирдан англаш қийин: у қўрқинчли воқеаларни ҳам кулги билан, айни пайтда дадил, ишончли қилиб, ҳатто ўзини жиндай айбдордай қилиб ҳикоя қилади. Эҳтимол, бу ўзига айб қўйган одамлар учун ҳам уялганидандир...

Тўғри, бир гал уни одатдагидан бутунлай бошқача қиёфада кўрганман. Бунга ҳам йигирма йиллардан ошди. Ўшанда уйдагилар ҳам уни танимай менга «Сени кимдир сўраяпти?» дейишган.

Пастга тушиб эшик олдида кўзлари киртайиб кетган, қош, киприкларига чанг гардлари илашган, қайғу ва чарчоқ туфайли оёқларида зўрға турган ардоқли дўстим Шукруллони кўрдим. У шундай қиёфада эдики, гўё уйга кирса, унинг дард ва қайғуларини бино ҳам кўтаролмай қулаб тушадигандек эди. У ўшанда Тошкент зилзиласига бағишланган достонини олиб келганди. Достонда юрт тақдири учун дард-алам сизиб, муҳаббат ва ишонч балқиб турар, айни пайтда авторнинг руҳий ҳолати ҳам буни тўла намоён қиларди. Уни жуда тез таржима қилдим. Дарров «Огонёк» саҳифаларида эълон қилинди. Бу бизнинг ўзбек халқи бошига тушган ташвишларга ҳамдардлигимиздан бир нишона бўлди...

Мен Шукруллонинг кўп асарларини ўгирганман ва ҳар гал уларни ички бир ҳаяжон билан таржима қилганман. Чунки мен бу асарларда ўзимни қизиқтирган жуда кўп саволларга жавоб топганман, ижодий рағбат олганман.

Биз ҳаётда ҳам, ижодда ҳам шунчаки дўст эмасмиз, шоир Михаил Луконин айтмоқчи, ғоят қадрдон дўстмиз, бир-биримизни ардоқлайдиган ижодкорлармиз. Шукрулло ўзининг майин табассуми ва дўстларча куюнчаклиги билан турли йилларда, ҳар хил давраларда, турли ҳолатларда менинг ҳаётимда муҳрланиб қолган.

Шукруллонинг ҳаётда бўлганидек, асарларида ҳам донишмандлиги яққол сезилиб туради. Шеърлари ўқувчини ўйлатади, фикрлатади, баҳсга чорлайди. У шоир сифатида ҳеч вақт даврдан орқада қолган эмас, шунинг учун шеърларидаги фалсафа ҳам инсон учун доимо хизматда. У бир нарсага — кўҳна дунёни яхшилик ва муҳаббат билан, гўзаллик ва садоқат билан қайта қуришга қаттиқ ишонади. Ва биз ҳам бу донишманд шоирнинг умидлари бир кун амалга ошишига дилдан ишонамиз.

СУРАТДА: Шукрулло ҳамкасблари даврасида

С. МАҲКАМОВ суратга олган.

Давид ҚЎҒУЛТИНОВ

ДАВР КУЙЧИСИ

МЕН ҚАЧОН ИЖОДГА бутун вужуди билан берилган, шоир бўлиш учун ўзини мажбурлаб шеърлар ёзадиган эмас, балки ижод қилмаса тура олмайдиган, яратганнинг илоҳий қудратидан баҳраманд бўлган ҳақиқий шоир образи ҳақида ўйласам, кўз ўнгимга дарров ажойиб дўстим Шукрулло келаверади. У, шубҳасиз, ҳақиқий шоир. Бундай шоирлар ҳамма замонларда ҳам яшаб ўтган ва ўз даврининг куйчилари бўлишган. Айтайлик, XVIII асрда ҳам Шукруллодек шоирлар бор эди ва улар ўз замонига сидқидилдан хизмат қилган. Бизнинг давримизда эса замондошимиз Шукрулло ана шундайлардан биридир. У ҳақиқий шоир сифатида ўз елкасида асримизнинг қувонч ҳамда дардларини ортмоқлаб ўтмоқда.

Ҳар гал Тошкентга борганимда Шукрулло билан албатта учрашаман. У билан шаҳар кўчаларини кезаман, бозорларини бирга айланамиз. Бу менга ҳузур бағишлайди. Энг қувончлиси шундаки, бозордаги сотувчилар ҳам, олувчилар ҳам Шукруллони кўрганда қўлларини кўксига қўйиб, ҳурмат-иззат билан, хурсандчилик билан саломлашадилар.

Ҳа, уни ҳамма танийди, ажойиб шоир ва самимий инсон сифатида билади. Уларнинг муносабатларида, мен Шукруллога фақат инсон сифатидаги хайрихоҳликни эмас, балки қалбларидаги дардларни англаб етган ва бу дардларни шеърий сатрларга жойлай олган ҳақиқий шоирга нисбатан бўлган олижаноб туйғуларни ҳам кўраман.

Шукрулло ҳамиша бахтиёр инсон каби юзидан табассум аримайди, афсуски, мен шоирлар қалби ҳамиша бахт билан лиммо-лим тўла бўлмаслигини яхши биламан. Лекин, начора, шоирлик бу — дардларни ўзингга олиб бўлса-да, бошқаларга бахт улашишдир. Шукрулло ҳам ана шундай шоир, унинг шеърлари ҳам, бошқа асарлари ҳам ана шундай руҳда ёзилган. Шоирнинг ижоди, унинг шеърияти ҳақида гап кетганда, ундаги яна бир хусусиятни — табиийликни алоҳида таъкидлашни истардим. Шеърларини ўқир экансан, сўзлар, фикр, куй, оҳанг — ҳаммаси табиий равишда қуйилиб келгандек, ўз-ўзидан яралгандек таассурот қолади.

Мен уни шоир сифатида жуда ҳурмат қиламан, айни пайтда, ёмон одам шоир ҳам бўлолмайди. Ёмон одам шоир бўлишга уриниши, худди машиналар сингари оҳангларни бир-бирига қалаштириши мумкин. Аммо уларда қалб бўлмайди. Шукрулло эса қалби гўзал инсондир. Шукрулло— шоир, давримизнинг ҳақиқий шоиридир.

Шунинг учун ҳам мен у ҳақдаги дўстона қалб сўзларимни мамнуният билан изҳор этаман. Шеърлари тўғрисида тўлиб-тошиб сўзлайман. Ва ўйлайманки, менинг бу сўзларимни муштарийлар Ўзбекистонга, Тошкентга, буюк маданиятли қадимий халққа ва ҳар нарсага қодир, яратувчи қуёш ҳамиша балқиб турадиган юртга нисбатан тилакларим сифатида қабул қиладилар.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

ШОИР

БУ МАҚОЛАМГА АТАЙИН «ШОИР» дебгина ном қўя қолдим. Ҳа, атайин шундай дедим. Бўлмаса, «Катта шоир», «Атоқли шоир», «Ҳақиқий шоир» ва шу каби турли сифатлар қўшилган дабдабали сарлавҳалар қўйиш ҳам қўлимдан келарди. Бироқ, менимча, шоир деган биргина сўзда бир олам маъно бўлиб, бу калом замирида турли сифатлар табиий равишда мавжуд, балки яшириниб ётар унинг туб-тубида.

Қалби кенг ва улкан бўлмай туриб, киши шоир бўлолмайди. Демак, шоир сўзида катта, улкан деган маънолар ўз ифодасига эга.

Эларо танилмаган, атоқли бўлолмаган киши шоир деб айтилмайди. Шоир албатта эларо, мамлакатлараро танилган, кўча-куйда халойиқ «шоир фалончи кетяпти», «фалончи шоир мана шу одам» дейдиган сиймо бўлади.

Шоир ҳақиқий бўлмаса, уни шоир деб бўлмайди. Фақат ҳақиқий ижодкорларнигина шоир дейиш мумкин ва лозим. Ҳақиқий ижодкор бўлмаган кимса шоир эмас ва дунё тўққиз қайта айланиб келганида ҳам шоир бўлолмайди.

Шоир деган калом замирида мен яна сезгир ва дилгир, дилкаш ва меҳнаткаш, одамохун ва ўрни келганида, ўта ўжар, сахий ва самимий, одамшаванда ва гап келганида отасини ҳам аяб ўтирмайдиган бетга чопар, элим, юртим дея жонидан ҳам кеча оладиган ватансевар ва ватанпарвар, миллат қайғуси ҳатто тушига ҳам кириб чиқадиган, лекин бой ҳам эмас, камбағал ҳам эмас, яъни бир нави турмуш кечирадиган инсон сийрати мавжуддир. Унинг учун тақвимларда байрам сифатида белгилаб қўйилган кунларгина эмас, балки матбуотда асари, нашриётда китоби чиққан, театрда пьесаси қўйилган кун тўйдир. Мен тушунган том маънодаги шоирлар (афсуски, улар кўп эмас) ҳақида яна кўп ва хўб гапларни айтиш мумкин. Мана шундай шоирлардан бири шоир Шукруллодир.

Шоир Шукрулло! Икки сўздан иборат бу ибора бугунги кунда Ўзбекистонимиздан ташқари Ғарбу Шарқда, Санкт-Петербург, Москва, Қозон ва Уфада, Қалмоғистону Шимолий Кавказда, Кавказорти ва Туркистон жумҳуриятларида ва бошқа элларда ҳам машҳур.

Фуқаро Шукрулло Юсупов бундан ярим аср аввал шоир Шукрулло сифатида танилган экан, ҳамон шу номни шараф билан оқлаб келмоқда. Шу мақолани ёзиш асносида мен унинг ижодини яна бир бор кўздан кечириб чиқиб, шунга тўла ишонч ҳосил қилдимки, Шукрулло шеър ёзганида қанчалик шоир сифатида кўринса, мақола ёзганида ҳам, пьеса битганида ҳам, қисса ва роман яратганида ҳам шунчалик намоён бўлади. Бу ўринда жанрни кўзда тутаётганим йўқ, балки фикрни теран ва шоирона ифодалашни инобатга олмоқдаман.

Лекин барибир Шукрулло ижодида шеърият етакчи ва салмоқли ўринни эгаллайди. Шу шеърияти туфайли у элга танилди, худди шу шеърияти туфайли маломатга учради ҳам...

Нуроний оталаримиз, мушфиқ оналаримиз шундай фотиҳа ўқишганига кўп шоҳид бўлиб турамиз: «Ўт балосидан, сув балосидан; кўринар-кўринмас балолардан, қуруқ туҳматдан Яратганнинг ўзи асрасин. Омин оллоҳу акбар!».

Қуруқ туҳмат шундай балойи азимки, дунёда инсон умрини ичдан кемирадиган ва емирадиган бундан кучли ва даҳшатли оғу бўлмаса керак. Етмиш тўрт йиллик кейинги тарихимизда халқимизнинг энг сара ватанпарварларининг аксарияти қуруқ туҳматга учрагани, аниқроғи, туҳматга учратилгани энг машъум жиноятдир. Шоир Шукрулло ҳам «юртга келган ана шундай тўйдан» четда қолмаган. Уни ҳибсга олиш учун сопини ўзидан чиқарганлар, яъни унинг икки «ҳамкасабаси» туҳматдан иборат «Заключение» («Хулоса») ёзиб берганлар. Қирқ йилдан ортиқ собиқ Давлат хавфсизлиги қўмитасининг темир сандиғида яшириниб келинган бу «Хулоса» билан яқинда танишиш имкониятига эга бўлдим. Ушбу туҳматномада гап Шукруллонинг Ўзбекистон Давлат нашриётида 1949 йили (ўшанда муаллиф 28 ёшда эди) чоп этилган «Биринчи дафтар» деган шеърлар тўплами ҳақида кетади, тўғрироғи, тирноқ остидан кир қидирилади, йўқ ердан айб ахтарилади. Туҳматноманинг тутуруқсизлигини кўрсатиш учун бир қисмини айнан келтираман:

1. Фикр ноаниқ.
Мисоллар:
«Сталин бор экан, кулфат қафасин —
Ташвиш тоғин бузиб мен кўтардим бош».
(«Шу яхши» шеъридан).

«Ҳар бир қиррасида миллион кўз ёниб,
Боқади фалакка порланиб, мағрур»
(«Юлдуз» шеъридан).

Таажжублар бўлсинким, бу мисраларда фикр аниқ, у ёқ-бу ёққа тортиб кетадиган ҳеч нима йўқ.

«Хулоса»чилар шоирни севгини бузиб талқин этишда айблаб, ўз фикрларини исботлаш учун қуйидаги мисраларни мисол тариқасида келтирадилар:

Висол куни яқин, шод кутгил,
Бўсаларга лабларим чанқоқ.
Ҳижрондан сўнг тегса лаб
Ҳар галгидан бўлар тотлироқ.
Ёрин висолига етган йигитдек,
Гуллардан илк бўса олди капалак.

Шоир «колхозчилик» деган халқ иборасини ишлатгани учун ҳам танқид қилинади. Мана, ўша мисралар:

Кечирасиз, қўпол сўзладик,
«Колхозчилик», бўлмайсиз хафа.

Хуллас, «хулоса»чилар йўқ ердан кир қидириб, шоир Шукруллони ғоясизликда, совет поэзиясига бегоналикда айблайдилар. Шу «айбл[illegible]», шу қуруқ туҳмат навқирон ижодкор йигитни 25 йил озодликдан маҳрум этиш, яна 5 йил сургунда яшаши ҳақида ҳукм чиқаришларига «ас[illegible]» бўлади.

Балки мени ёруғ кунларда, юбилей [illegible] шоир бошига тушган қора кунларни бе[illegible]рид эслатишда айбловчилар ҳам топилар. Бироқ, менимча, ҳақиқатни галга солмай дарҳол айтмоқ керак.. Ҳақиқатни дарҳол айтиш ҳамиша ҳам мавридли деб биламан. Ўз ҳақиқий баҳоси берилмаган жиноят ҳам, жиноятчи ҳам (бу ўринда мен туҳматчиларни жиноятчи деб ҳисоблайман) жамият учун хавфлидир. Агар жиноятчи жазога тортилса, бошқа жиноятларнинг олди олинади. Мен шоир Шукруллога шу ҳақда сўз очиб, ўша «ҳамкасаба»ларингизга ҳозир муносабатингиз қандай, уларга жазо берилишига қандай [illegible]сиз?» десам, у бўлса: «Қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар. Мен уларни худога [illegible]б қўйибман», дея бағрикенглик [illegible] жавобиди. Бағрикенглик ҳам шоирли[illegible] хос[illegible] фаз[illegible]лардан.

Мен ўша икки «хулоса»чининг номини тилга олишни истамадим. Буни айтиш[illegible]и айтмас[illegible]к ҳуқуқ. Бироқ улар жабрдийда шоир олдида би[illegible]из кечирим сўрашлари маъқул эмасмикин, ҳеч бўлмаса ўша қилмишлари нотўғри бўлганини [illegible]ларидан б[illegible] ўтказиб қўйсалар, одамгарчилик[illegible] виждон [illegible]ларидан бўлмасмикин, деб ўйланиб қолдим. Кечирим сўраш гуноҳни озайтиради, виждон азобини енгиллаштиради, инсонни ма[illegible]ий поклатиради, дейдилар. Бу гаплар фа[illegible] виждони[illegible] кишиларгагина тегишлидир. Вижд[illegible] кишидан узр кутиш такадан сут талаб қили[illegible]лан баробардир. Бундай фикрлар менда у[illegible] «Табассум ўғрилари», «Хатарли йўл», «Унсиз ёд» деган саҳна асарларини ўқиганимда уйғо[illegible] Маълумки, ашуласини қулоққа айтадиган ва юракка айтадиган хонандалар бўладилар. [illegible]уллонинг бу пьесаларини мен юракка айтила[illegible]н, қалбга маънавий озиқ берадиган, кишини [illegible]пантириб қўядиган яхши қўшиқларга ўхшатги[illegible]келади.

ЮҚОРИДА АЙТГАНИМДЕК, Шукр[illegible] «Жавоҳирлар сандиғи», «Кафансиз к[illegible]ганлар» каби насрий асарлари бўлганида, дра[illegible]ик асар[illegible]лар ижод қилганида ҳам шоир бўл[illegible] қолади. Мен бунда жанрни кўзда тутаётганим[illegible]қ, балки унинг прозаик асарларини ўқиганингиз[illegible], пьесаларини томоша қилганингизда ёк му[illegible]аа этганингизда улардан худди шеър ў[illegible]ган [illegible]и тинглагандан кейин кишида қоладиган таассурот, кўтаринки бир руҳ пайдо бўлади, у [illegible] қалбга малҳамдек ёқади.

Тақдир тақозоси билан бир йи[illegible] бўли[illegible] қолди, бир даргоҳда хизмат қиляпмиз. У дав[illegible] ичида ўзим учун шуни кашф этдимки, Шукрулло турмушда ҳам шоир бўлиб қолм[illegible] ҳамма шароитда ҳам ўзлигини унутмай, тўғри сўзини айтишдан қайтмайди. Бунга мен[illegible] бир замондоши сифатида шоҳид бў[illegible]рман.

Шукрулло аканинг ростгўйли[illegible]н ҳам ушбу сатрларни юракдан ёздим. Бу [illegible]дошларимнинг ҳам шоир Шукруллонинг умр[illegible] ижод тўйига тўёнамиздир, деб ўйлайман.

Фрунзе ЖЎРАЕВ

ИЛЛАТГА ҚАРАТИЛГАН ТИҒ

ШУКРУЛЛО ДРАМАТУРГИЯМИЗГА олтмишинчи йилларнинг бошида кириб келди. Унинг аксарият саҳна асарлари қайта қуриш жараёни бошланганга қадар ёзилган ва томошабинларга кўрсатилган. Уларда кўтарилган асосий мавзу ҳаётимизда ҳамон учраб келаётган порахўрлик, лаганбардорлик, лоқайдлик, риёкорлик, пасткашлик, фирибгарлик каби таъвияли иллатларни аямай фош этишдир. Муаллиф бу мавзуларни ҳал этишда драма, комедия, сатира, мелодрама шаклларини қўллаган.

Яқин вақтгача бундай иллатлар жамиятимиз учун характерли эмас, улар шунчаки айрим кишиларгагина хос эди деб, асарларни тор маишийликда, ғоясизликда айблар эдик. Аммо ҳаёт бу хилдаги саҳна асарларининг, уларда кўтарилган мавзуларнинг нақадар кенг кўламлилигини, долзарблигини, зарурлигини яққол исботлади. Модомики шундай экан, айтиб ўтилган иллатлар ўткинчи, айрим шахсларда учрайдиган эмас, балки ижтимоий характерга эга, демак жамиятимиз шу «касаллик»ларга йўлиққан деган гап бу. Шукрулло драматургиясининг бадиий фазилати ҳам шунда. Муаллиф, масалан, хушомадгўйни қандайдир безарар кимса сифатида талқин этмай, унинг ижтимоий моҳиятини очишга интилади, уни бадиий умумлашмалар даражасига кўтаради ва шу орқали бундай кимсалар жамиятга қанчалик зиён келтиришини ҳаётий воқеалар мисолида ифодалайди. Агар бундай ёндашувга ҳозирги кун нуқтаи назаридан қаралса, буни дадиллик деб, изоҳлаш мумкин. Чунки Шукрулло асарлари яратилган даврда қандайдир иллатни очиқдан-очиқ саҳнага олиб чиқиш, унинг ижтимоий моҳиятини очиб бериш ғоятда мушкул эди.

Шукрулло драматургиясининг ўзига хослиги шундаки, унинг асарларида жиддийлик, чуқур фикр ҳукм суради, бирортасида енгил-елпи образ ёки воқеани учратмаймиз. Уларнинг қайси жанрда ёзилишидан қатъий назар, сатира тиғини ҳис этиб туради, киши. Шунинг учун комедиялари ҳам томошабинни кулдиришдан кўра, кўпроқ ўйлатиб қўяди. Бинобарин, саҳна тили ҳам ҳар бир образнинг табиатидан, феъл-атворидан, маънавий дунёсидан келиб чиқилган ҳолда кашф этилган.

Шукрулло ёзган саҳна асарларининг яна бир хислати — қаҳрамонларнинг инсоний ва маънавий дунёсини очиш, уларни ҳаракатга келтириш учун оддий бир жумбоқ ўртага ташланади. Масалан, «Жанжал» пьесасидаги воқеаларни вужудга келтирадиган асос қилиб шикоят хати олинган. Шоғулом, Ғани, Иса, Саид ва Қўчқорнинг ўзаро муносабати, феъл-атвори, хатти-ҳаракати, иллатлари шу хат атрофида олиб борилган можаро орқали очилади. Мактубнинг мазмуни асарнинг охиригача номаълум қолади. Аммо қаҳрамонлар ўртасида рўй берган жанжал шикоят хатининг мазмунини ифодалайди. Чунки жанжалда ҳар бирининг ярамас хатти-ҳаракати, разил қиёфаси очиқ-ойдин фош этилади. Бу ерда яна шуни айтиш кераккки, муаллиф қаҳрамонларнинг иллатини фақат бир-бирини фош этиш билан эмас, балки ўз-ўзининг қиёфасини очиш воситаси орқали ҳам ошкор этади. Масалан, Ғани Шоғуломга: «Бир товоқдан еганмиз, ҳа, тенг бўлишганмиз!.. Бошдан-оёқ дуру олтинга буркаб ташладик, авлод-авлодингизга етади!» — дейди. Биргина мана шу мисрадан Шоғулом ва унинг ҳамтовоқлари кимлигини аниқлаш қийин эмас. Ҳаромтовоқлар, юлғичлар, порахўрлар образи бирин-кетин гавдаланади. Уларнинг разил қилиқлари, қабиҳ хатти-ҳаракатлари ва олди-берди гапларидан нафратланади томошабин. «Жанжал» пьесаси мисолида келтирилган бу фикрлар Шукруллонинг деярли ҳамма саҳна асарларига тааллуқлидир.

Ҳар пьеса маълум мавзу ва мазмунга эга. Масалан, «Хатарли йўл»да номусни, виждонни тубанликларга алмаштириб, ўз нафсини ўйлаган Миржалол образи тимсолида иғвогарлик мавзуи кўтарилган. Асар замирида «иғводан, туҳматдан ўзи асрасин» — деган ғоя берилган.

«Табассум ўғрилари»да шундай мисралар бор: «Лоқайдлик бу — шундай бало! Худди товушсиз тўппончадек ўлдиради, ҳеч ким сезмайди. Лоқайдлик бу электр симига ўхшар, на яллиғи, на тутуни, на иссиғи бор. Лекин уни қирқмоқ бўлиб қайчи солдингми, аямасдан куйдиради, кўмир қилади...» Муаллиф Диёров образи мисолида лоқайд табиатли одамларнинг ҳаёт тарзи ва фалсафасини фош этади, лоқайдлик туфайли бошқа дили пок инсонларнинг аянчли, ҳатто фожиали қисматга дуч келганларини ҳаққоний кўрсатади.

Шукрулло пьесаларида иллатнинг келиб чиқиши ва ижтимоий тус олиб, жамиятни емирадиган зараркунандага айланишининг табиий омиллари асослаб берилади. Масалан, фирибгарликни фош этишга бағишланган «Ўғрини қароқчи урди» комедиясида Нурбек Зуфнунийга: «...Агар сен пок бўлсанг, энг тубан, ўз нафси йўлида ҳар қандай жиноятга ҳам тайёр, жирканч, давлат, халқ мулкини талон-торож қилувчи, ифлослик ботқоғига ботган, умри ҳаромхўрлик билан кун кўрган шундай одамлар билан ҳамтовоқ бўлармидинг? Уларнинг ёнини олишинг, жиноятларни яшириш йўлларини уларга кўрсатшинг жиноят эмасми?.. Жиноятларга қарши курашиш ўрнига, жиноятчиларга йўл очгансан...» дейди. Зуфнуний Нурбекнинг унга қўйган бу айбларига: «Агарда нафспараст, хушомад учун яшайдиган буларга ўхшаган одамлар бўлмаганда, балки мен ҳам бу йўлга кирмасмидим?.. Менинг фирибгар бўлишимга сабабчилар шулар...» деб, жавоб қайтаради.

Бу шундан далолат берадики, муаллиф асарга мавзу танлаганда, уни ҳал этишда, образларни яратишда, уларнинг маънавий ва ҳиссий дунёсини, эътиқодини, ахлоқий қарашларини очиб беришда ҳаёт ҳақиқатидан, унинг мантиқидан келиб чиққан. Шунинг учун асардаги воқеалар, қаҳрамонларнинг қиёфаси киши[illegible] танишдек, гўё бу нусхаларни куни-кеча учрат[illegible], улар билан боғлиқ ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганд[illegible] туюлади. Энг муҳими шундаки, Шукрулло, ким бўл[illegible]н, лаганбардорми, мансабпарастми, порахўрми, [illegible]бозми, товламачими — барининг психологиясин[illegible]раткаш сингари ғоят аниқ ва жонли гавдалантир[illegible] Шунинг билан бирга воқеалар жараёнида уларнинг [illegible]аси тобора яққолроқ очила боради.

Шукрулло драматургиясида инсон[illegible]иатидаги иллатларгина эмас, балки иллатларга эга[illegible]сонлар туфайли йиллар давомида жамиятимизда вуж[illegible] келган ярамас урф-одатлар ҳам қаттиқ қораланади. Масалан, «Тўйдан кейин томоша» комедиясида тўй-ҳа[illegible] қилишда қурби етса-етмаса бир-биридан ўзиб кетиш, [illegible]нг танимаган етти даҳага ош бериш, орзу-ҳавас де[illegible]арнай-сурнай қилиш одати қандай аянчли оқибатлар[illegible]либ келиши мумкинлигини яқиндагина оила қурган [illegible] ёшнинг тақдири мисолида акс эттирилган.

Табиийки, тилга олинган пьесалар[illegible] мазмуни ўзгача. Буни ҳатто уларнинг номидан ҳам англаш мумкин. Бу номлардан ҳар бир асарнинг моҳи[illegible] илғаб олиш қийин эмас. Шунинг билан бирга бу[illegible]ларни бир-бирига яқинлаштирадиган жиҳатлар ҳам [illegible]жуд. Гап уларнинг саҳнавийлигида, аксарият образл[illegible]нг бадиий мукаммаллигида, тилнинг равонлиги, ўтлиги ва тагдор маънолигида, саҳналарнинг ихчамли[illegible] ҳамда бошқа хислатлардагина эмас. Масалан, илла[illegible] фош этувчи образлар, гарчи уларнинг исми бошқа[illegible]га хос мавқеига эга, жамиятда тутган ўрни бўлак[illegible]бў ҳам, мақсади бир. Уларни юксак инсоний фазилат[illegible]бирлаштирган. Муаллиф бу образларни ишлашда ҳа[illegible] инсонга хос жозибали фазилатларни топишга, [illegible]рга жон бағишлашга ҳаракат қилган. Абдусодиқ, Ж[illegible]ек, Қосимов, Эркин, Фозилхўжа, Нурбек, Жаҳонги[illegible] каби образлар шулар жумласидан. Улар томошабинд[illegible]зига нисбатан ишонч ва меҳр уйғотади. Агар бу об[illegible]арнинг ички дунёсига чуқур назар ташласак, уларн[illegible] қалби ҳам, эътиқоди ҳам бирлигини кўрамиз. Шун[illegible] учун ҳам улар пьесаларни мазмунан эмас, руҳан [illegible]аштирган, бадиий жиҳатдан яхлитлаштирган. Аёлла[illegible]нг ижобий образи ҳам шу тариқа ҳал этилган. Гўё [illegible]бий қаҳрамонлар ҳаммаси бир тан-бир жон бўлиб ту[illegible] шароитларда порахўрларга, мансабпарастларга, ху[illegible]адгўйларга, худбинларга, риёкорларга, фирибгарла[illegible] ва жамиятимизни булғаётган шулар сингари нусха[illegible]га қарши курашаётгандек туюлади. Яъни, муалли[illegible]з қаҳрамонлари билан ҳамма виждони пок одамлар[illegible] шу курашга ундагандай бўлади. Шукрулло драма[illegible]иясининг моҳияти ҳам шунда. Энг муҳими у ярат[illegible] саҳна асарлари бугун ўз долзарблигини, таъсир кучи[illegible]йўқотгани йўқ. Аксинча, ҳозирги даврда бундай аса[illegible]нинг театрларимиз саҳнасида қайта қўйилиши айни[illegible]ддао.

„Сирли Олам" меҳмонимиз

Одам боласи табиатан мўъжизага интиқ бўлиб яшайди, кўнглида ажойиботларга, ғаройиботларга ҳамиша эҳтиёж сезади. Мана шу инсоний талаб, эҳтиёж натижаси ўлароқ юзага келган «Сирли олам» ойномаси дунё юзини кўрганига салкам бир йилча бўлди. Бу — қисқа муддат, бироқ ойнома жамоасининг астойдил саъй ҳаракати туфайли «Сирли олам» эл эътиборига тушди, ўз муштарийларига эга бўлди. Мана, улардан бири, Қарши Давлат дорулмуаллими толибаси Н. Қаюмованинг эътирофи: «Мен ойномани катта қизиқиш билан ўқиб чиқаман ва унинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман. Мана шундай масъулиятли ишга қўл урган инсонларга, саховат эгаларига катта ташаккур билдираман».

«Сирли олам» фақат ғаройиб ҳодисалар, кашфиётлар, фавқулодда мўъжизалар ҳақида хабар берадиган жарида эмас, балки бу том маънода илм-маърифатни, эътиқодни, тарихни ва асотирларни кенг оммага тарғиб-ташвиқ этадиган ойномадир.

Сиз қуйидаги мақолаларни ўқиб, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз тайин. Уларда улуғ саркарда Амир Темур ҳаётидаги мўъжизавий дақиқалар қайд этилган, Муҳаммад Ҳузарийнинг «Нур ул яқин» асаридан парча ва коинот сиру синоатлари билан боғлиқ ғоят қизиқарли кузатишлар ҳақидаги мақолалар акс эттирилган. Жаҳоншумул аҳамиятга молик ушбу муаммолар, кузатишлар, имкон қадар, «Сирли олам» ойномаси тўғрисида муайян тасаввур беради, деган умиддамиз.

Амир Темур

ВА УНИНГ ҒАРОЙИБ ТУШЛАРИ

...ТЕМУР ҲАЁТИДА ҒАРОЙИБ ҲОДИСА ва воқеалар жуда кўп бўлган. Айниқса, бундай воқеалар у олиб борган жанглар вақтида кўп юз берган. Унинг «Таржимаи ҳол»ида ғаройиб тушлари баён этилган парчаларга эътибор берайлик:

«Ҳар қандай ишни бошлашдин аввал мен ўзимни Оллоҳни иродасига топширардим ва ўшулда мен ўйлаган ишни бошлашга тўғри келиш ёхуд келмаслигини суриштириб ўтирмас эдим. Вале мунажжимлар ҳар гал мен ҳар қандай ишни бошлағон пайтим юлдузларни жойлашиши шу ишни бошлашга мувофиқ бўлғон вақтни айнан ўзиға мос келишини таъкидлар эдилар.

Мен бошлаган ҳар қандайин мушкул ишни бўлғуси натижаси менга аввалдин маълум бўлурди: мен бўлажак воқеаларни тушларимдин билиб олардим.

Масалан, хоқон Туғлуқ Темурни биринчи маротаба Мовароуннаҳрга келишини мен тушимдин билиб олдим. Тушимда қирғий учиб қўлимга қўнди: шу вақтнинг ўзида оллимга кўп сигир келди ва мен аларни соғиб олдим. Бу тушимни менга омад келишидин далолат беради, деб таъбир этишди: қўлимга келиб қўнган қуш — қудрат, кўп сигирлар эса менга келғон бойликни билдирармиш. Дарвоқе, тушим ҳақиқат бўлиб чиқди: мен хоқон Туғлуқ Темурга қўшилдим ва андин кўп кароматлар кўрдим.

Амир Қазағонни набираси амир Ҳусайн Кобулдин келиб отасига тегишли ерларни олиб қўймоқчи бўлди. Бир пайтлар мен анга катта ёрдам берган бўлсам ҳам ва у мени хотинимни оғаси бўлса ҳам, ушбуларни эътиборға олмай, у мени ўлдиришға қасд қилди. Мен у била ярашиш мақсадида уни Балхга ҳоким этиб қўйдим. Вале, мен ўйлаганни акси бўлиб чиқди: у менга душманлиғини тўхтатиш ўрнига, ўзида куч сезиб, мен била сўғишмоқчи бўлди. Мен ҳам амир Ҳусайн била жангга ҳозирлик кўра бошладим. Шу тайёргарлик асосида бир туш кўрдим: гўё амир Ҳусайн кумуш лаганда менга бир қилич келтирганмиш, аммо қилични тиғига бутунлай қопқора бўлиб пашша ёпишганча ётган эмиш. Бу тушга бундайин таъбир беришди: менга Расулуллоҳни набираси имом Ҳусайн мадад қилармиш. Тушни таъбирига кўра, амир Ҳусайнни қудрати менга ўтармиш, ани ўзини эса мен ўлдирар эмишмен. Кейинчалик шу туш рост бўлиб чиқди. Расулуллоҳнинг набираси менга қилғон ёрдамиға миннатдорчилик учун имом Ризонинг муқаддас мозорини зиёрат этдим».

Бу парчада номи эсланган амир Қазағон — мўғул хоқони номидан Мовароуннаҳрнинг бевосита ҳокими, Темурнинг биринчи хотини Ўлжай Туркон оғанинг бобоси; амир Ҳусайн — шу хотинининг акаси. Имом Ҳусайн — пайғамбарнинг набираси, ҳазрати Алининг кичик ўғли; имом Ризо — бунинг авлоди, Машҳадда дафн этилган.

ТЕМУР ЯНА АЙТАДИ:

«Бир кун Самарқанддин чекинаётганимда туш кўриб, тушимда йиғлаётган эмишмен; қора қарға келиб елкамга қўнди ва ҳар томонимдин менга тумонат пашшалар ёпишди. Пашшаларни ҳайдадимда, руҳим бузулиб уйғондим. Шу пайт Тугул Баҳодур минг кишилик отлиқ аскари ила менга ҳужум қилди. Энди мен тушимдағи йиғим била қора қарға бошимға тушадиган ғам-ғусса, мени талағон пашшалар эса енгишим керак бўлғон Тугул Баҳодурнинг аскарлари эканини тушундим. Тушим рост бўлиб чиқди: Тугул Баҳодурнинг аскарлари била жанг қилиб, уларни тор-мор келтурдим.

Балхга кетаётиб туш кўрдим: гўё менға май солинғон бир неча хум беришганмиш, мен эсам уларни бирини бирига уриб синдиравердим. Қиличимни тиғи ғадир-будир ва ўтмас бўлиб қолибдир: ушбуни ёмонликдин башорат деб билдим. Форсни ҳокими Шоҳ Мансур беш минг суворийси ила менға ҳужум қилди. Мен ани устидин тўла ғалаба қозондим ва аскарларини тарқатиб юбордим; аскарларини қолғонлари Дашти қипчоққа қочди.

Бир вақт Тўхтамишхон дўстлигимизни ва турли пайтлар мен анга қилғон яхшиликларимни унутиб, катта лашкар ила устимга бостириб келди. Мен ани инсофга чақирдим, анга мактуб битиб, менға ёмонлиғини тўхтатишини, мен анга илгарилари қилғон жамики яхшиликларимни эслашини айтдим ва магар сўзимга қирмаса, кўрнамаклиги учун андин қаттиқ қасос олажагимни айтдим. Ўшулда мен туш кўриб, гўё шарқдин қуёш нури бошимга тушганмиш, кейин у ўчиб тамоман йўқолганмиш. Таъбирчилар шарқдин тушган қуёш нури ва анинг йўқолиши Тўхтамишнинг истилоси ва мен била жангда тамоман тор-мор бўлишини англатғуси, деб талқин этдилар. Айнан шундайин бўлиб чиқди». Аслида Тўхтамишхон бир вақтлар Темурнинг хизматидаги амирларидан эди. Темур уни ўзига итоат қилиш шарти билан Олтин Ўрдага хон қилиб қўяди. Лекин Тўхтамиш Темурнинг яхшиликлари ўрнига кўрнамаклик қилиб XIV асрнинг 90-йиллари бошида Мовароуннаҳрга юриш қилади. Темур уни 1391 йили енгиб, Волганинг ўнг соҳилидаги ерларгача қувиб боради. Тўхтамиш ўзини ўнглаб олгач, 1394 йили яна Темурнинг мулкига Кавказ тарафдан таҳдид қилади. Темур Шомга юришларни вақтинча тўхтатиб, Тўхтамишни қувади ва 1395 йили уни Терек дарёси ёнида бутунлай тор-мор қилади. Темур «Таржимаи ҳол»ида яна айтади: «Бир вақтлар мен Ироққа юриш қилаётғонимда, тушимда гўё кўп арслон ва чаёнлар ҳузуримға келганмиш. Бир кундин сўнг шул мамлакатнинг амирлари ҳузуримға келиб, менға итоат этдилар ва мен бутун Ироқни қўлга киритдим.

Ҳиндустонға юришға ҳозирлик кўраётган кезларимда тушимда гўёки бир ажойиб боғда эмишман, боғда мевали дарахтлар сероб экан. Дарахтларда қушларнинг ини кўп эди. Мен гурзи олиб, ўшул инларни буздим. Таъбирчилар Ҳиндустонга юришим зафарли бўлишини айтдилар. Туш ҳақ бўлиб чиқди: мен Ҳиндустонни қўлға киритдим.

Мен Шомга юриш қилаётғонимда Шом, Миср ва туркларни лашкарлари менға қарши бирлашдилар. Ўшулдай қудратли султонларни лашкарларини енгиш амри маҳол кўринур эди. Мен намоз ўқиб, уйқуга ётдим. Тушимда баланд тоққа чиқаётганмишмен. Бошим узра қаро булут келиб, мени қуюқ туман қоплаб олди. Вале бироздин сўнг қаттиқ ёмғир ёғиб, ёмғирдин сўнгра туман ва булутлар тарқалиб кетдилар. Таъбирчилар ушбу тушим жамики душманларимни енгишимдин башорат беришини айтдилар. Алар: «Тоғ — сени мақсадинг бўлмиш Шомнинг пойтахти, булутлар ила туман — ёғийларингни аскарлари, ёмғир эса сени аскарларинг. Ёмғир ёғиб туман ва булутларни тарқатгани каби, сени аскарларинг ҳам душман лашкарларига ҳамла қилиб, аларни тарқатиб юборади», — деб айтдилар.

Бу тушим айнан шундайин тўғри чиқди. Мени қўшинларим ёвуз ғанимларни сон-саноқсиз аскарларини устидан тўла ғалаба қозониб, аларни тўзитиб юборди».

«Самарқанддин Хитой сари юришга ҳозирлик кўриб турганимда, туш кўрдим: гўё мен катта дарахтни шохларидин ерга тушибмен, бошимда бир идишда сув бор эди, у тушиб кетиб, ани суви тўкилди, шу чоғ отам амир Тарағай қўлимдин отимни жиловини олиб, мени боққа олиб кирди; мени у ерда қолдириб, ўзи қайгадир ғойиб бўлди. Таъбирчилар бул тушимни маъносини тушунтиришга ҳаракат қилдилар, вале мен аларга ишонмадим ва ўзимни бутунлай Оллоҳга топширдим».

ТЕМУРНИНГ БУ ПАРЧАДА келтирилган сўзлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, чунки у амир «Таржимаи ҳол»ининг ёзилиш вақти ҳақида анча аниқ тахминлаш имконини беради. Маълумки, Темур 1404 йилнинг ёзида, етти йиллик юришдан кейин Самарқандга қайтиб келиши биланоқ Хитойга ҳарбий сафарга ҳозирлик кўра бошлайди. У ҳолда Темур мазкур тушини ўша йили ёз охири ёки куз бошларида кўрган бўлса «Таржимаи ҳол»ини кеч кузда юриш бошланган пайтларда ёза бошлаган ёки унинг оғзаки баёни бўйича кимдир ёза бошлаган бўлиб чиқади.

Энди тушнинг таъбирига келсак, у хосиятсиз бўлса ҳам таъбирчилар Темурга лаганбардорлик нуқтаи назаридан тушни яхшиликка йўйганлар. Аммо таъбир амирнинг кўнглининг ҳиссий сезгисига мос келмагандан у таъбирчилар гапига ишонмаган, чамаси.

ЎзФА Шарқшунослик илмгоҳида тушларнинг таъбирига бағишланган китоблар бор. Уларга кўра шуни айтиш мумкинки, Темурнинг ҳаёт дарахтидан «ерга» тушиши, бошидаги об-ҳаётнинг тўкилиб сочилиши ва кейин отаси уни «боққа» бошлаши унинг яқинлашаётган қазосидан ва дорулбақо «боғига» киришидан башорат бериши мумкин.

Темурнинг «Таржимаи ҳол»ида унинг ҳаёти учун муҳим бўлган отасининг бир туши ҳам келтирилган.

«Ёшлигимда отам амир Тарағайдин у кўрғон бир ажойиб туши ҳақида ҳикоясини эшитганмен.

— Бир кун тушимда юзидин арабга ўхшатғон бир ёш кўҳлик йигит келиб, менга бир қилични берди. Мен қилични қўлимга олиб, ани ҳавода ўйната бошладим, ўшанда ани пўлат тиғини ялтирашидин буткул олам ёришди.

Мен амир Кулолдин бул тушимни таъбирини сўрдим. Амир Кулол бул тушимни ғаройиблигини, Оллоҳ менга бир ўғил ато қилишини ва у буткул дунёни забт этиб, ҳаммани исломга ўтказишини, оламни янгилаб, ғафлат зулматидин халос этишини айтди.

Туш рост бўлиб чиқди: 733 йили (милодий 1332—1333 йил — А. А.) Оллоҳ менга сени ато этди, ўғлим».

Муҳаммад Ҳузарий

НУР УЛ ЯҚИН

ҲУЖЖАТЛИ РЎМОНДАН ПАРЧА

БАЙТУЛЛОҲНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ

МАММАД АЛАЙҲИССАЛОМ ўттиз беш
га кирганида катта сел келиб, Каъба-
нинг р неча йил муқаддам юз берган ёнғин-
да ш стланган деворлари тарс-тарс ёрилиб
кетди урайш аҳли зиёратгоҳни бузиб, қай-
тадан ҳташамроқ қилиб қурмоқчи бўлди.
Олдин и одам бўйи баландликда тошдан
тиклан эди. Одамлар ҳашарга тўпландию,
бироқ имий, улуғ иншоотни бузишга ҳеч
ким бо олмади, аллақандай қўрқув бунга
монели иларди. Валид ибн Муғира йиғил-
ганларг зланиб: «Каъбани бузишдан мақсад
тузатиш ёки вайрон қилишми?» деб сўра-
ди. Ха иқ: «Тузатиш!» деб жавоб берди.
«Аллоҳ затувчиларни ҳалок қилмайди»,
деди Му ва нураган деворни буза бошла-
ди. Унин асоратидан руҳланган одамлар
юрак юти шга тушиб кетдилар. Исмоил
алайҳисса қўйган пойдеворга етганда тур-
ли ҳикмат сўзлар зарб этилган қимматбаҳо
лаганлар и. Илгари улкан иншоотларга
пойдевор лаётганда қурувчилар томони-
дан келгус лодларга мана шундай ёдгор-
лик қолдир думи бор эди.

Каъбани а қуриш бошланди. Бу хайрли
ишга фаҳш судхўрликдан топилган ҳаром
пул аралаш ҳалол мол-дунё сарфланди.
Қабила оқсо ари ҳам иморатнинг тошла-
рини ташиш маклашдилар. Тош ташувчи-
лар орасида луллоҳ ҳам бор эди. Қури-
лишга бошчил илаётган Боқум исмли рум-
лик уста Каъ нг ҳар бир бурчагига бир
гуруҳ одамни ташишга тайин этди. Аф-
суски, ҳалол й илан топилган пул бу ул-
кан иншоотни ҳолига келтиришга етмай
қолди. Шу боис нонинг шимол томонидаги
ҳижр ва ҳатим аталадиган олти газча ер
мўлжалдан чиқа ташланиб, пастаккина де-
вор тикланди ва ба шу ердан бошланажа-
гини билдирувчи нги қўйилди. Бинонинг
баландлиги ўн са газ бўлиб, илгаригиси-
дан тўққиз газ ба эди. Ичкарига махсус
зинапоялардан к илиб, салобатли эшик-
лардан кирилар э ожар ул-асвад жойига
қўйиладиган пайт шарафли ишни ким
бажариши қаттиқ су мунозарага сабаб
бўлди. Қизиққон қу оқсоқоллари сан-ман-
га бордилар, биров-б га ён бергиси келмас,
шу баҳонада ҳар к нуфузи ва насл-на-
сабини улуғлашга и рди. Талашиб-торти-
шиш тўрт кунга чўз Ниҳоят Холид ибн
Валиднинг амакиси Умайя ибн Муғира
Махзуми жанжаллаш нларга: «Эй, хало-
йиқ, бекорга тортиша дан кўра ўзларинг
яхши кўрадиган бир и танланглар. Шу
одам қандай ҳукм са, ҳаммамиз рози
бўлайлик», деди. Йиғ ар эшикдан кир-
ган биринчи кишининг ига итоат этишга
розилик бердилар. Эши биринчи бўлиб
ростгўйлиги ва аминлиг алан ҳамманинг
ҳурмат-эътиборини қозо Муҳаммад алай-
ҳиссалом кириб келди. лгашлар мамну-
ният билан биз Муҳамм нг холислигига
ишонамиз, деб юбордилар

Қурайш одамлари орасида бирон жанжал, келишмовчилик юз берса, расулуллоҳнинг олдига келар, у киши эса ҳеч кимни юзхотир қилмай, ҳеч кимнинг дилини оғритмай одил ҳукм чиқарар эди. Ҳозирги вазиятда ҳам пайғамбар алайҳиссалом ғоят тадбиркорлик билан иш тутди: чопонини ерга ёйиб, устига ҳожар ул-асвадни қўйди-да, оқсоқолларга чопоннинг чекка-чеккасидан ушлаб, баробар кўтаришни буюрди. Қанча баҳсу мунозарага сабаб бўлган тош ўз ўрнига қўйилди, биронта қабила бошлиғининг кўнгли қолмади, шарафли ишда баробар иштирок этганидан ҳамманинг боши осмонга етди. Бундай воқеалар туфайли кўпинча арабларда қонли урушлар келиб чиқар, арзимас нарсалар сабаб бўлиб, ўнлаб одамнинг ёстиғи қурир эди. Қурайш аҳлининг ўзаро муттасил қирпичоқ бўлишининг сабаби, Байтуллоҳ уларнинг қиблагоҳи, ҳаж қиладиган каъбаси бўлиб, бу муқаддас даргоҳга сарф этилган мол-дунё, меҳнат туфайли катта имтиёз, шон-шарафга эришиш мумкин эди.

Қуръони каримда уқтирилишича, ер юзида дастлаб қурилган ибодатхона Байтуллоҳ эди. «Одамларга (ибодат қилишлари учун) даставвал барпо этилган, оламларни ҳидоят қилгувчи уй чиндан ҳам Маккадаги муборак Каъбадир. Каъбада бунинг аниқ нишоналари бор, мақоми Иброҳим ана шулардан бири. Каъбага кирган киши бунга ишонч ҳосил қилади», дейилади Оли Имрон сурасининг 96—97-оятларида. Каъбага Исмоил авлодидан кейин журҳум қабиласи эгалик қилди. Улар Маккага келган кишиларга зулм ўтказишганда хузоа қабиласидагилар бирлашиб зўравонларни муқаддас даргоҳдан қувиб чиқардилар ва узоқ йилларгача Каъбага улар эга бўлдилар. Қусай ибн Килоб замонига келиб, зиёратгоҳ қурайшларнинг қўлига ўтди. Маккада осойишталик ўрнатилди, қурайшлардан бошқа араб қабилалари ҳайиқар эдилар.

ҚИБЛАНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИ

ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ Мадинада турган ўн олти ой мобайнида Каъбани қибла қилишни истасалар-да, Байтулмуқаддасга қараб намоз ўқидилар. Намозларида мусулмонларнинг қибласини ўзгартиришни ўтиниб дуо қилардилар. Бир куни намоз ўқиётганларида парвардигордан ҳозирдан эътиборан мусулмонлар учун қибла Каъбага ўзгартирилгани ҳақида ваҳий келди. Расулуллоҳ, ибодатларини бузмаган ҳолда хонаи Каъба томонга ўгирилдилар, орқада намоз ўқиётганлар ҳам у кишига эргашдилар. Айрим имони суст кимсалар шу воқеа туфайли диндан қайтиб, муртад бўлиб кетди. Кутилмаганда қибланинг ўзгартирилиши яҳудийларнинг ислом динига тош отишларига баҳона бўлди. Ваҳоланки, мағрибу машриқ Аллоҳнинг ихтиёридаги мулк. Кимни қаёққа юзлантириш, кимни тўғри йўлга бошлаш унинг измидадир.

ҒАПНИ XVIII АСРДА Сицилия оролидаги Таконн шаҳрида содир бўлган воқеадан бошласак.

Граф Зенетти ҳунарманд Альбертони ўз оиласига яқин тутарди. Шу сабабдан уни ўзига куёв қилади. Альберто қиз кўради, бироқ гўдак ногирон туғилганди. Онаси бемеҳр бўлиб, қизига қарамагани учун уни Альбертонинг ўзи тарбиялайди...

Бир куни граф Зенеттининг ҳунарманди Альберто одамларнинг кўз ўнгида дабдурустдан ғойиб бўлади. Кўзларига ишонмаган Зенетти Альберто турган жойни қаздиради. Аммо уни на ер остидан, на осмондан топишади. Орадан йиллар ўтади, бироқ Альбертодан хабар бўлмайди. Уни ўлган деб маросимларини ўтказишади...

Йигирма икки йилдан кейин Альберто ўша ғойиб бўлган жойида пайдо бўлади. Унинг афти-ангори, ташқи кўриниши ўзгармаганди. У ғойиб бўлганида қандай бўлса, шундайлигича қолганди. Бироқ уни рафиқаси ҳам, дўстлари ҳам, ҳатто қизи ҳам танимайди. Альберто ўзи ҳақида қайта-қайта сўзлай беради. Унинг гапига ҳеч ким ишонмайди. Охири уни эси оғганлар қаторига қўшиб, шифохонага мажбуран олиб кетишади. У шифокор Марно қўлига тушади. Марно ўз замонасининг етук шифокори, беморлар кўнглини топадиган, ўта зеҳнли киши эди. У Альберто билан узоқ суҳбатлашиб, ундан ҳеч қандай касаллик аломатларини топмайди. Шундан кейин у Альбертонинг гапларига ишонади ва ундан бошидан кечирганларини батафсил сўзлаб беришини сўрайди.

Альберто қандай ғойиб бўлганини эслай олмади. Лекин айрим воқеаларни гапириб берди. Шуниси қизиқки, орадан йигирма икки йил ўтсада, лекин у учун гўё бир кун кечгандек эди. Бироқ бунинг сабабини Альберто ҳам, Марно ҳам билмасди. «Аввал мен узун туйнукка тушдим, — деб ўз фикрини баён этди Альберто. — Буни аниқ эслай оламан. Туйнукнинг нариги учи, яъни охири очиқ, ёп-ёруғ эди. Мен ўша томонга силжидим. Қанча вақт ўтганини билмайман, аммо туйнук охирига етгач, кўзимга асбоб-ускуналар кўринди. Мен бундай асбоб-ускуналарни умримда бирор марта кўрмаган эдим. Улар тартибсиз ётарди. Асбоб-ускуналарга қанчалик қизиқмай, бироқ уларнинг бирортасини ҳам ушлаб ололмадим. Шундан сўнг кўз ўнгимда шиша кўзли баҳайбат махлуқ пайдо бўлди. У менга тикилиб тиловат қиларди. Унинг овози эшитилмасди, лекин лабларининг ҳаракатидан унинг тиловат қилаётганини сезиб турардим. Тиловатдан сўнг: «Ўзингни таништир», — деди у овоз чиқариб. Мен ўзимни таништирдим. Қанча вақт ўтганини билмайман, бир пайт кўзимга турли тасвирлар, юлдузлар кўрина бошлади. Улар гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа тебраниб турарди. Тасвирлар орасида яна бир махлуқ пайдо бўлди. Бу махлуқ аввалгисидан фарқ қилиб, унинг сочлари ниҳоятда узун эди. Мен уни аёл киши деб ўйладим. У менинг «Вақт жари»га қулаб тушганимни, мени тезда у жардан чиқаришини, акс ҳолда, улар билан абадий бирга қолиб кетишимни айтди... Аммо туйнукдан қандай чиқиб қолдим, буни эслай олмайман», — деди Альберто.

Суҳбат тугагач, Марно илтимосига биноан Альберто уни ўзи ғойиб бўлган жойга олиб келади. Воқеадан хабардор бўлган халойиқ Альбертони ўраб олишади. Афсус, томоша узоққа чўзилмайди. Альберто ғойиб бўлган жойида яна қайта ном-нишонсиз йўқолади. Шу-шу у қайта пайдо бўлмаган. Шунда Марно Альберто ғойиб бўлган жойни девор билан ўраттириб, у жойни

«Шайтон қопқони», д
бошлайди. Ривоятлар
ганда, «Шайтон қопқ
цилиянинг Такони
ҳам сақланармиш...

Шу каби воқеалар и
ри кўп бўлган. Ҳозир
ляпти, бундан кейин
бераверади. Буни б
сайёралик»лар иши д
миз. Тахминий маълу
кўра, шу пайтгача эн
лионга яқин одам ғ
ган экан. Шуларнинг
олти миллиони бизн
фоқимиз одамлари
маълумотнинг ҳақиқа
лик яқин эканини би
лекин одамларнинг
лаётгани аниқ. Амм
ларнинг дабдурус
бўлишини турлич
ҳар хил сабаблар
миз.

Хўш, «Шайтон қ
аталган жойдаги
да қандай физик
жараёнлар мавжуд
фақат бу воқеагин
пайтларгача хаёли
собланган кўпгина
қеалар асосида ҳам
нинг ўзига хос хусус
дан бири — «Вақт жар
ди. Биз эътироф эта
«Вақт жари»ни кўпчили
нажжимларимиз «Вақт т
ги» деб ҳам аташган, аммо унинг ўзи нима экани ҳақида сўз юритишмаган. У билан боғлиқ бирор кичик воқеани баён этиб ўтишган, холос.

Хўш, «Вақт жари» деганда нимани тушуниш керак? «Вақт жари»нинг нима эканини тасаввур қилмоқ учун, энг аввало олам — дунёнинг тузилиши ҳақида бироз маълумотга эга бўлишимиз керак.

ин
лад
жар
ишл
вало,
олим лоз
бий натих
майди.

«Қор ода
«Вақт жари» с
са ажаб эмас
тўғрисида кўп э

Тўхтасин Каримбердиев,
Рустам Шоюс

Вақт
ЖА

МАЪЛУМКИ, БИЗ ЕРЛИКЛАР ҳозирча учта, яъни макродунё, микродунё ва ўзимиз яшаётган маънавий оралиқ дунёларни биламиз. Бу дунёларнинг бирида вақт кечиши сонияларда ўлчанса, иккинчисида миллий ёки микро сонияларда, учинчисида эса ёруғлик йили билан ўлчанади. Вақтнинг ўлчов бирликлари гарчи бир-бирларидан фарқ қилса-да, аммо ҳар учала дунё бир-бирлари билан ўзаро узвий муносабатда бўлиб, улар ҳаёт тараққиётининг берк занжирини ташкил этади. Шундай экан, демак, уларнинг ўзаро муносабат йўллари ҳам беркдир. Бундан келиб чиқадики, ҳар учала дунё вақтлари бир-биридан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ва ниҳоят учинчисидан биринчисига ўтиши мумкин. Бизга маълумки, бирор вақтни иккинчи вақтга ўтказиш (айлантириш) учун уларнинг ўлчовларини ўзаро мослаштириш керак. Бизнингча, бир дунё билан иккинчи дунё вақтларини ўзаро мослаштирадиган жой — бу «Вақт жари»дир. Худди шундай иккинчи дунё вақти билан учинчи дунё вақтини, учинчи дунё вақти билан биринчи дунё вақтини ўзаро мослаштирадиган жой ҳам «Вақт жари» бўлиб хизмат этаверади. Бундан ташқари, ҳар бир дунё вақтларининг мутаносиб ҳолда бирикишларини ҳам ўзаро мослаштирадиган жой «Вақт жари»дир. Қизиғи шундаки, ана шу вақтларни ўзаро мослаштирувчи жойлар дунёларни (бу ерда макро, микро ва маънавий дунёлар кўзда тутилади) бир-бирлари билан ўзаро туташтирувчи жойлар ҳисобланади. Бу жойга, яъни «Вақт жари»га тушиб қолган ҳар қандай жонзот ёки одам қайси дунёга ўтиб қолса, ўша дунёнинг вақтига мослашади. Борди-ю, «Вақт жари»га тушиб қолган одам, мабодо у вақтга мослаша олмаса, нобуд бўлади.

Уммон, денгиз, тоғ ва қуруқликларни эътиборга олиб, айтишимиз мумкинки, Ер куррасида тахминан еттита «Вақт жари» бўлиши керак. Уларнинг олтитаси Совет Иттифоқидадир. Булардан бири илгари Бойкўл (Байкал) кўлида эди. Фикримизга далил сифатида Бойкўлнинг тарихини эслаш жоиздир.

Ёдингизда бўлса, бир пайтлар Бойкўлнинг тақдири ҳам бизнинг Орол денгизимизнинг ҳозирги тақдирига ўхшарди. Суви лойқаланиб, тобора камайиб борарди. Аммо ҳозирги вақтда Бойкўл сув билан лиммо-лим тўлган. Унинг суви шаффофдек тиниқ бўлиб, унда ўз аксингизни кўрасиз. Хўш, кўлга сув қаердан келди. Бу ҳақда олимларимиз бош қотиришмаган. Ана шу хусусда сўз юритсалар-да, бироқ асосли

тўғрида анчагина маъ
ларга эгамиз. Унинг ўз
оёқ изларини суратга
ганмиз. Ҳатто «Қор од
кўрдим деган одамлар
суҳбатлашганмиз ҳам.
ҳанузгача у билан ҳе
яккама-якка гаплашмага
ри, матбуотда «Қор о
ушладик деган хабар
эълон қилинган. Биз эса
одам»ни ҳалигача ҳеч
лай олмаган ва ушла
ҳам керак, деб ўйлай
ки одамларни кўриб
латган «Қор одам» б
бошқа ўлчовли
ўтиб кетади. Бо
дунёларнинг
чегарасид
у уч ўлчо
ўтиб қол
кўри
либ, бошқа ул
нуниятлари би

ЭНДИ АЛЬ
НИ яна би
ҳақиқат, Аль
нукка тушиб
«Вақт жари»н
ни туйнук де
ри, ҳар қанд
си кўринмаға
тушган туйну
ҳам орқаси кўр
у жанинг охир
учун Альберто
кўрган. Унга ку
ускуналар асли
сурлари, махлу
дош дунё вақи
лоқот эса теле
усулда юз бер
йўл билан фик
эса тилни бил
Чунки инсон
қобилиятга эг
дай телеахбо
ди, яъни бу
ни билиш ё
аҳамияти й
«ўзга са
мулоқотда
уларнинг
лишлари
гапирадила
тик мулоқо
қандай аҳам
биз ёндош
билан муло
сак, энг ав
қишнинг
ўрганиб ол
нун-қоидала
тишимиз,
амал қилиш
Бунинг учу
рини мука
лашимиз л
машаққатл
нат талаб э

Албатта,
часи бу ҳа
нинг илмий
лозим. Ҳа
муштарийла
ни оламнин
ги янгича
деб тушуна
рида фикр
ган умиддам

«СИРЛИ ОЛАМ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

Азиз муштарийлар!

«Сирли олам» ойномаси 1992 йили янада ранг-баранг, янада қизиқарли ва ғоят сермазмун бўлиши кутилмоқда. Мана, ўзингиз эътибор беринг-а, ойномада келгуси йилда чоп этиш учун мўлжалланган асосий ва муҳим асарлар мундарижаси:

Амир Темур. Таржимаи ҳол. (Жаҳонгир қаламига мансуб бу асарни шарқшунос олим Ашраф Аҳмедов нашрга тайёрлаган.)

Хуршид Даврон. Валиаҳд қисмати. Бадиа. («Темурийлар», «Шаҳзода ва канизак» асарларидан фасллар.)

Шермуҳаммад домла ўғли Абдусалом. Тарихдан озрина. Муҳаммад Расулуллоҳнинг ҳаётлари хусусида. (Туркийдан Қудратилла Меҳмонқул Ғуломжон ўғли ўгирган.)

Абу Ҳамид ал Ғаззолий. Кимёи саодат. (Рисоладан сайланма фасллар.)

Нажмиддин Комилов. Тасаввуф қомуси.

Будда. Саховат йўли. Ҳикматлар.

Э. Мюррей. Мўъжиза яратувчи киши. (Ҳиндисто лик табиби ғайб, сеҳргар ва авлиё Саи Бобонинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғаройиб лаёқати ҳақида рисола.)

Афлотун. Суқротнинг ўлими. Фалсафий қисса. (Мутаржим Мурод Ҳидир.)

Франц Кафка. Бир итнинг бошидан кечирганлари. (Мутаржим Сулаймон Раҳмон.)

Ўлжас Сулаймон. Замин китоби. Достон. (Мутаржим Йўлдош Эшбек.)

Евгений Березиков. Руҳлар уйнинга ташриф. Бадиа. (Мутаржим Ҳамид Маллаев.)

Ғайбулла ас-Салом. Хўжаи хизр. Достон.

Неъмат Арслон. Адам водийси. Фантастик рўмон.

Алибек Рустамов. Сўзлар сўзлайди. Мақолалар туркуми.

Дўстмурод Абдураҳмонов. Бо нега ўпкаланди? Бадиа. («Алпомиш» достонининг мишдаги қисмати хусусида.)

Мурод Ҳидир. Навоий... аж ўлганми? Тадқиқот-бадиа.

Зардўшт ва зардўштийлик ҳақида;
«Мутасаввуфлар силсиласи» рукнида
лари ҳақида;

Шунингдек, жаҳон фани ва техникас
ютуқлари, Ўзбекистон Фанлар академия
мий-тадқиқот даргоҳларида амалга ошир
кашфиётлар, изланишлар ҳақида туркум
батлар, бадиалар эълон қилинади.

«СИРЛИ ОЛАМ»

ойномаси — энг ноёб қўлёзма, энг
ривоят, энг буюк тарихий сиймо, энг с
фиёт, энг сирли башора, энг қизиқ ф
ҳужжат, энг ноёб хислат ли одам, энг ҳ
за, энг қизиқарли саргу шт ва фантаст

ОБУНАГА ШОШИ НГ!

Ойнома индекси 7
Келгуси йилда ой
Обуначига — 1
Сотув

Хазон бўлмас баҳор

Шариф ЮСУПОВ

лик

ғин гурунгда Со-
ов шундай ҳикоя

лиш кунларининг
да истиқомат қи-
ан-бундан гапла-
шик тақиллаб,
м билан бирга
ўлаётган тўйга
ан, икки-уч гу-
гўйда хурсанд-
оғимга шивир-
нинг ҳам тўйи
рурлигини айт-
чиқдик. Нариги
қарашдигу сир
н қариндош ва
даю хонандалар
этган, бу ердаги
а қўшиқларга қу-
Бу тўй умрда бир
озиргина дилисиёҳ-
тўй эгаси руҳан эзи-

қаттиқ таъсир қилди:
улини излардик. Тўй эгасининг
яна вайрон қилмаслик учун
иларимизни қўйиб, бир неча ми-
ага чиқдик. Дастлабки учраган
онлар уйи чойхонаси томон елдик.
кундузи мен шу ерда кўрган ашулачи-
айёргарлик кўраётган экан. Мен тор-
лачига воқеани тушунтирдим ва агар
н бориб, бир хизмат қилиб берса, хур-
и айтдим. Ашулачи ғалати қилиб бир
эгаси менга нотаниш эканини, бу ишни
ан қилаётганимни эшитгач, рози бўлди,
и дўсти билан бирга машинамизга ўтир-
айтиб кириб борганимизда кечаси соат
инлашган, катта тўйдаги баъзи одамлар
ан пайт эди.

рсатни қўлдан бермаслик учун бир пиё-
-бери ичиб, ашула бошлаб юборди. Ово-
айни вақтда жуда таниш кўринган ҳо-
санъаткор Расулқори Муҳаммадалиев
ирсқ пайқадим. Унинг янгроқ овози шу
хонага эшитилган экан, беш-ўн минут
и одам босиб кетди. Тўйни кутувчилар
жой топмас, тўйга келганлар ҳовлида
ин-қўшнилар эса томларга чиқиб сеҳрли
бўлар, тўйда экани кўпларнинг ёдидан
н эди.

ар Расулқори билан шеригини ўртага таклиф
тириш бошланиб кетди. Соат учларга
дамлар тарқашмас, ҳофизни ҳоли-жонига
ашулага улаттиришар эди. Ниҳоят, Ра
н узоқ йўл босиб келганини, чарчагани-
ради. Тўй тарқади. Шундан сўнг ғиж-
ғилофдаги пулларни санаб кўришни ил-
енинг ҳисобимда бу пул ўша камтарин
сарфлаган пулдан икки-уч баравар ор-
рухсат сўраш учун тўй эгасини ўз ёни-
Расулқори яхши хизмат қилолмаганини
сўради. Гапининг охирида бир илтимоси
лтимос адо этилсагина, бу тўйдан рос-
либ жўнашини айтиб ҳали тўпланган
ни тўй эгасига тўёна қилди. Ўқитувчи-
зилигига қарамай, бу пуллар ўша дўст-
арилалиган қарз пуллар эканини исбот-
зди-д жўнашга рухсат олди.

на , Фарғонадаги бир катта йиғин-
кўри олиб, ёнига бордим, саломлаш-
ол м таниб, Тошкентдаги бир тўйда
қил имни даврадагиларга тушунтир-
оли аноблик ҳақида бир оғиз гапир-

ржамлик

лтонов тенги йўқ санъат фидойиси эди.
этувчи қўшиқ қулоғига чалиниб қолса, уни
ҳамма нарсадан кечиб юборар, ҳатто ой-

лар-йиллар умр сарфларди. Шундай беназир қўшиқлардан бири «Содирхон ушшоғи»ни 1926 йилда Хўжандда улкан ҳофиз хонадонида бир йил хизмат қилиб, уй супириб, сув ташиб, келган-кетган меҳмонлар ковушини ювиб, шундан кейингина ўзи истагандек ўрганганини, ҳофизлар сардоридан уни ёлғиз ижро этиш учун «оқ фотиҳа» олганини ҳикоя қилгучи эди. Шуниси ҳам борки, бирор ёш хонанда Жўрахон ака ижросидаги дилсўз хонишлардан бирини ўрганиш истагини билдирса, уни ўз ҳолига қўймас, вақтни, меҳнатини асло аямасди. Шу важдан Жўрахон Султонов раҳматлик бўлиб кетганига чорак асрдан ошган бўлса ҳам у яратган хонандалик мактаби тобора тараққий этиб бормоқда, ҳақиқий халқ ҳофизининг ўнлаб-юзлаб шогирдлари, невара, эвара шогирдлари бу улуғ мактаб шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар.

Жўрахон ака Ўзбекистон радиосида ишлаб юрган кезларидан бирида Ғанижон Тошматов унга ҳовлиқиб телефон қилибди: «Нима дейсизки, радиога овози худди ўзингизникига ўхшаган, Сиз айтган ашулаларни айтадиган бир ёш аёл келиб, Сизни сўраб турибди. Бугун ишда йўқлигингизни билиб хафа бўлиб қолди».

Совуқ пайти. Ташқарида жала қуяётган экан. Жўрахон ака Ғанижон акага: «Айт, кетмай турсин, мен йўлга чиқдим», дебди. Орадан 40—50 минут ўтгач шошилганча Жўрахон ака радиога кириб келибди. Радиодагилар қарашса, Жўрахон аканинг калошидан сачраган лой нақ телпагигача чиқиб кетибди. Ғанижон ака: «Мунча шошилмасангиз уста, хотиржамроқ келаверсангиз ҳам бўларди. Телпагингизга қараб бўлмайди», деса, Жўрахон ака: «Хотиржам келганим шу-да, агар сен айтганча шошилиб келганимда борми, калошимдан сачраган лой телпакдан ўтиб, юзимни, кўкракларимни ҳам чаплаб, ҳозир сенинг гап-сўзинг пойма-пойлигидан, мен балчиққа белангандан бир-биримизни таний олмай ўтирган бўлардик», дебди.

Кўмиладиган велосипед

Марғилон унчалик катта шаҳар эмас. Шу важданми жамоат транспорти жуда оғир аҳволда эди. Трамвай, троллейбус бутунлай йўқ, автобус эса кутувчиларни қон қилиб юборади. Лекин иш, рўзғор-тирикчилик дегандек, шаҳарнинг у чеккасидан бу чеккасига бўзчининг мокисидек қатнашга тўғри келади. Пиёда одамга бу дўзах азобининг ўзи. Шу азобдан қутулиш учун Охунжон қизиқ узоқ вақт пул йиғиб бир велосипед олибди. Кексайган чоғида не машаққатлар билан уни минишни ҳам ўрганиб олибди. Уч-тўрт кун оғири енгиллашиб, энди жони ором ола бошлабди. Бироқ велосипедни бир пивохона эшигига тираб қўйиб, улфатлари билан бир-икки соат маишат қилиб чиқиб қараса, Охунжон қизиқнинг яп-янги велосипеди ўрнида бошқа, шалоғи чиққан, ғилдираклари айланмайдиган, рули ишламайдиган, занжирсиз велосипед турган эмиш. Маълум бўлишича, ўғри болалар уни алмаштириб, дом-дараксиз кетишибди. Охунжон қизиқ бу дардисарни қаерга олиб боришни, нима қилишини билмай, қийнала-қийнала судраб кетаётса, рўбарўсидан устози Юсуфжон қизиқ чиқиб қолибди, у ҳам ҳайрон бўлиб:

— Ия, Охун, велосипединг «ўлипти»-ку. Энди қаерга олиб кетяпсан, — деб сўраса у қовоғини солиб:

— Қаерга бўларди, кўмгани-да! — дебди.

Афсус ва тасалли

Қирқинчи йиллар бошидан то эллигинчи йиллар бошигача Тошкентда аскиянинг пири Мулла Маматбува Ваҳобов эди. У зот йигирманчи йиллар бошида Марғилондан кўчиб келиб, Тошкент яқинидаги Зангиота қишлоғида истиқомат қилар эди. Жўрахон Султонов, Чустий домла, Ғанижон Тошматов, Акбар Ҳайдаров, Шоқосим Шожалилов, Акмалхон Музаффаров, Мамажон ҳожи, Ғулом чегачи сингари зукко аскиячилар жам бўладиган катта davраларда улоқ ҳамиша одамлар оддийгина қилиб «Мулла ака» деб атайдиган ўша зотда кетар эди. Фарғонадан Эрка қори, Мамаюнус кал, Сулаймон бўқоқ, Юсуфжон қизиқдек аския усталари Мулла акани тез-тез йўқлаб келган дамлар Тошкент шинавандалари учун ҳақиқий байрам бўлиб кетарди.

Мулла ака эллигинчи йиллар бошида оламдан ўтди. Лекин тақдирнинг тақозосини қарангки, Қўқонда яшаб, аския устаси сифатида кенг шуҳрат қозонган Ижроқўм бува Мулла аканинг донғини эшитган бўлса ҳам davраларда у зот билан кўришишига, беллашишига тўғри келмаган экан.

1968 йил эди. Мулла аканинг Тошкентдаги Катта ҳовуз маҳалласида истиқомат қилувчи жиянларидан бири тўй қилди. Тўйга Мулла аканинг кўпгина аскиячи дўстларидан ташқари ўғли Сирожиддин қори ака ва Ижроқўм бува ҳам келган эди. Хонанда, созанда ва аскиячилар ўлтирган катта сўри ёнида Сирожиддин қори акага курси қўйиб берилган эди. Гап айланиб тўй эгасининг амакиси бўлмиш Мулла акага келиб тўхтади. Шунда Ижроқўм бува у киши билан кўриша олмай қолганидан қаттиқ афсусда эканини Шоқосим акага айтган эди, Шоқосим ака дарҳол:

— Ижроқўм бува, бугун орзунгизнинг ярми ушаладиган бўлди: ёнингиздаги курсида ўлтирган Сирожиддин қори Мулла аканинг фарзанди солиҳлари бўлади, Сиз билан пайравга тайёр турибди. Мабодо ўзларини кўрмасам кўнглим тўлмайди, десангиз, унга ҳам жилла узоқ вақт керак эмас, яқинда ёнларига борасиз-қўясиз, — деди.

Ижроқўм бува:

— Узоқдаги думбадан яқиндаги ўпка яхши, — дея Сирожиддин қори ака билан қучоқлашиб, этакларини кўзига суртиб кўришгач, қайтиб сўрига ўтираркан, Шоқосим акага:

— Мулла акани кўришга ким шошилаётган бўлса бораверсин, менга ҳозирча шунинг ўзи кифоя, — деди.

„Берди“сини айтгунча…

Жўрахон ака катта санъткорга хос ҳиссиёти зўр одам. Ҳар қандай воқеани сўзласа, тингловчини лол қолдирмай қўймасди. Бунда у кўпинча маҳобат қилишни, ошириб-тошириб гапиришни яхши кўрарди.

Жўрахон аканинг Мулла Шукур Ҳакимжонов деган Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган дўсти бўларди. У бир неча ўн йиллар давомида Тошкентдаги 20-почтанинг бошлиғи бўлиб ишлаган, Жумҳуриятда хизмат кўрсатган алоқа ходими фахрий унвонига, Меҳнат Қизил Байроқ орденига ва бошқа ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган таниқли одам эди. Айни вақтда у классик шеъриятимизни пухта биладиган, бедилхон зиёли, куй ва хонишлар адоси эди. Шуваждан уйига кўп меҳмон чақирар, Жўрахон Султонов, Шоқосим Шожалилов, Акмалхон Музаффаров сингари санъаткорлар суҳбатини севар эди. Меҳмоннавозликни роса ўрнига қўяр эди: Бир куни дўстининг уйидаги меҳмоннавозликдан ўзида йўқ даражада хурсанд бўлиб қайтган Жўрахон ака эртасига ҳамкасблари даврасида Мулла Шукур аканинг дастурхонини мақтаб кетибди:

— Меҳмон кутиш Мулла Шукурга хатм-да. Кеча кўрмадинглар: хонтахтага ёйган дастурхонининг ўзи томоша, тўрт ёндаги, тўрт бурчакдаги зеҳи бир-биридан бир миллиметр фарқ қилмайди. Эрта баҳор эканига қарамай, тармева деганнинг етмиш икки фирқасини муҳайё қилиб қўйибди. Ишкомдан янги узилган олтин ҳусайнидан тортиб беҳи, олма, нок, анор, анжир, шафтоли деганни Миср пирамидаларидек анвойи қилиб териб қўйибди…

Жўрахон акага ҳадди сиғадиган бир ҳазилкаши ўша заҳоти:

— Сал эви билан-да, уста. Ҳай, узум, олма, анор, нок, беҳига бир нарса демайлик. Лекин март ойида анжир билан шафтоли дастурхонга тортилишини фақат Сиздан эшитиб турибмиз, — дебди.

Унча-мунчага бўш келмайдиган Жўрахон ака:

— Мен бир гап айтдимми, шубҳа остига олмагин-да, тентак. «Берди»сини айтгунча қўймай, одамни мулзам қилишнинг пайида бўласан. Мулла Шукурнинг дастурхонида анжир мураббо ҳам, шафтоли қоқининг сараси ҳам бор эди, дегунимча қўймадинг,— деса ҳамкасби индолмай қолибди.

Домланинг қилганини қилма

Менга қирқ йилдан ортиқ давр мобайнида муттасил устозлик қилган муҳтарам домлам — машҳур ўзбек адабиётшуноси Ғулом Каримов 1969 йилда 60 ёшга тўлган эдилар. Шу табаррук сана муносабати билан у кишига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак фахрий унвон берилган, жумҳуриятимизнинг ўша вақтдаги энг катта раҳбари Шароф Рашидов эса камдан-кам зиёлиларга кўрсатадиган илтифотини намойиш этиб, юбилей куни уч-тўрт варақ қоғозга ўз дастхати билан табрик битиб, Ғулом акага алоҳида арзи ихлос билдирган эди.

Табиийки, муҳтарам устоз меҳнатининг бу қадар юксак тақдирланиши ўтказилаётган юбилейга ниҳоятда баланд руҳ бағишлаган, Тошкент Давлат дорулфунунининг ўша вақтдаги энг катта залида тантанали йиғилиш ўтказилиб, оламга машҳур академик Саъдихон Сирожиддинов ярим соатлик кириш сўзи сўзлаган, бошқа бир фан арбоби Лазиз Қаюмов эса ҳамма амал қиладиган анъанани тарк этиб, устози Ғулом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қоғозсиз маъруза қилган эди.

Юбилейнинг зиёфат қисми домланинг уйига яқин «Салом» кафесига кўчирилган эди. Кафенинг иккинчи қаватида 300—400 одамга мўлжалланган жойлардан бирортаси бўш қолмади. Ўша вақтнинг кўпгина раҳбарлари, вазирлар, катта ёзувчи ва адабиётшунослар, Ғулом аканинг бошқа вилоятлар ва жумҳуриятлардаги ўнлаб шогирдлари, қариндош-уруғлари жам бўлган эди. Зиёфатга энг номдор ҳофиз ва созандалар, кулги усталари ҳам таклиф этилганди.

Бир томондан, домланинг ўзи табиатан меҳмоннавоз бўлганлиги, иккинчи томондан, у вақтларда юбилей зиёфатлари алоҳида тўкин-сочин ўтганлиги сабабли ёзилган дастурхонларда жондан бўлак ҳамма нарса муҳайё, ичкилик бобида ҳам бекаму кўст эди.

Зиёфат қизигандан қизиб бориб, бир соат чамаси ўтгач, на табрик нутқларига, на хонандаларнинг сеҳрли хонишларига, на кулги усталарининг ичак узди латифаларига қулоқ соладиган одам қолди: ҳаммаёқ чули-чули бўлиб кетди…

На илож, зиёфатни давом эттириш, гапириш, хониш қилиш, ўйнаш, келганларни кулдириш керак. Шунда Абулқосим Тўйчиев шартта микрофон ёнига бориб, баланд овоз билан «Эркин! Ҳой, Эркин!» дея залнинг бошқа томонидаги укасини чақирди. «Лаббай, ака!» деб Эркин дарҳол Абулқосим аканинг ёнига келди.

«Мен сенга неча бор айтдим, гапимга ҳеч бир кирмайсан», деди ўшандай баланд овозда. «Гапингизга кирмаган пайтим кўп, ака. Қайсисини айтяпсиз?» сўради Эркин. «Тентак, сенга яна қанча айтишим керак: домлаларнинг фақат айтганини қил, қилганини қилма деб». «Домлаларнинг қилганини қилсам нима бўпти, ака, ахир улар ақл-ҳушлик, кўпчиликни тарбиялайдиган одамла-ку», — деди Эркин. «Бери кел, бўлмаса, ҳув анави лежини кафтига қўйиб хуррак отаётган савлатидан от ҳуркадиган домлани кўрдингми?». «Кўрдим, ака». «Аар домланинг қилганини қилсанг, ўша домлага ўхшаб ерга зиёфатга борсанг, ярим соатдан сўнг баралла хурак отадиган ёки унинг ёнидаги бошқа домлаларга шаб чули-чули қиладиган, зиёфатни расво қиладиган ўласан». «Бўпти, ака, бундан кейин домлалар айтидан бир қадам ҳам чиқмайман, аммо улар қилган и ел-камнинг чуқури кўрсин!»

Ё алҳазар, бир-икки дақиқада бутун залга су уйгандек жимлик чўкди. Бояги чули-чули қилиб ўл ганлар кўз очиб-юмгунча ҳушёр тортган, ён-веридаги аётганларнинг қулоғини ишқаб тартибга келтирга эдилар. Зиёфат яна икки-уч соат давом этди. Лекин х ла ҳушёрлар жамияти мажлисида ўтиргандек батарти ди. Биргина ўткир гап бутун зиёфат аҳлига шу таъсир кўрсатган эди.

ИЖРОЧИЛИГИ ТАЛҚИНИ

чангчи-созанда
асбоблари ижро-
еспублика кон-
олиби Рустам
репертуаридаги
лар яқинда Ға-
омидаги нашри-
лашмасида чоп
врим садоси»
аксини топган.
да ушбу ки-
смга бўлиш
чи — «Тўп-
н» бўлими-
нг чолғуси-
долари ҳа-
маларининг
илишадилар.
чолғусини
ва таъ-
асбобчи ус-
нишлари ҳа-
маълумот-
андалар ке-
ли санъаткор
ри учун мўн-
лар вақтида
зим бўлган
ҳам баён

м — Ўзбе-
орларининг
н яратган
и мажмуа-
аккаб шакл-
йирик асар-
нинг «Поэ-
нинг «Кон-
», Т. Тош-
ерт рондо-
рга оддий
ий намуна-
Ҳожининг
, Р. Неъма-
изар» ҳамда
ари, Р. Тур-
таронаси»)
у бонис маз-
фақат маҳо-
созандалар,
ув юртлари

талабалари ҳамда ўрта махсус мусиқа билим юртлари, шунингдек, болалар мусиқа мактаблари учун фойдали қўлланма вазифасини ўтайди.

Учинчи бўлим — чанг ижросига мослаштирилган ўзбек миллий куйлари ва бастакорлар ижодидан айрим намуналардан иборат. Хусусан, «Ўзганча», «Чаман ичра», «Гулнор», «Отмагай тонг» шулар жумласидандир. Ёш санъаткорларнинг миллий мусиқамиз намуналари ва бастакорлар ижодига қизиқишини орттиришда мазкур бўлимда берилган мусиқалар қўл келади.

Тўртинчи бўлим «Шарҳлар»дир. Сир эмаски, ижрочиликдаги ана шу энг муҳим масала кўпгина созандаларнинг эътиборидан четда қолади. Натижада унинг ижроси ўртамиёна бўлиб, таъсирчанлик касб этмай, тингловчи қалбига етиб бормайди. Мазкур муҳим масалани ижобий ҳал этишда «Шарҳлар» бўлимидаги ҳар бир асар ижроси ҳақида муаллиф Р. Неъматовнинг кўрсатмалари катта аҳамиятга эга. Масалан, Р. Турсуновнинг «Чанг таронаси»нинг ижро этиш услуби ҳақида таъкидланадики, «…мураккаб усулни созанда ўзлаштириши учун ҳар тактда биринчи ва тўртинчи саккизталик нота жойлашган ҳиссаларининг яхши идрок этиши, урғу билан шўх ва ўйноқи характерда ижро қилиши керак. Шу ўлчовга мос машқларнинг мунтазамлиги ва тинимсиз бажарилиши кўзланган натижани бериши мумкин. Мазкур қисм мусиқасининг шўх ва рақснамо характерини ёркин кўрсатиш учун оҳангларни ривожлантириш ҳамда урғу бериладиган ҳиссаларга алоҳида эътибор қаратмоқ керак».

Албатта, катта ижодий-саҳнавий тажрибага эга бўлган созанда-мураббий Р. Неъматовнинг методик характерга эга кўрсатмалари фақатгина шу асарга тааллуқли бўлиб қолмай, балки бастакор ёки халқ куйларини талқин қилишда ҳам дастур-кўрсатма сифатида қолиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Даврим садоси» китобининг чоп этилиши халқ чолғу ижрочилиги соҳасида муҳим воқеа бўлди. Зеро, ушбу китоб орқали халқ куйлари ва бастакорлар ижоди ҳамда ижрочилик санъати кўп минг сонли мусиқа маданияти ихлосмандларини хушнуд этади.

Анвар ЛУТФУЛЛАЕВ,
Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси доценти

К БЎЛИБ ЎТДИ

иқ ижоди ва
фий ишлари
лоят илмий-
и ташаббуси
шаҳрининг
лар чойхона-
дасталар ва
очиларинин
нлови

катта ашула ижрочиларининг
ғоявий-бадиий ижрочилик
даражасини ошириш, энг ях-
ши оилавий дасталар ва
катта ашула ижрочилари-
нг чиқишларини ташкил
ш, тарғиб қилиш ва уну-
б кетаётган қадимий
аларни, урф-одатларни
ллий анъаналарни тик-
о.
мл ҳайъати томо-
А. Исо-

қовлар оилавий халқ дастасига I ўрин, китоблик Ҳ. Қурбонов оилавий дастасига II ўрин, таллимаржонлик Қ. Муҳаммадиевлар оилавий дастасига III ўрин ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Катта ашула ижрочиларидан қамашилик Мустафо Турниёзов I ўринни, Нишон Авазов II ўринни ҳамда Жалил Баротов ва Олти Аллаԁўстов III ўринни эгалл лар.

Н. АБДУЛЛА

КЎКЛАР ИЛА СЎЙЛАШИБСИЗ

Кўклар ила сўйлашибсиз, бахши бобо,
Қалбингиздан созга кўчган армонмикан?

Аср оша интиқ кутган туғёнингиз,
Пойингизда турган қўша ўғлонмикан?

Уч дўмбира оҳанглари кўкни тутар,
Оҳ, мавжида нурлар талош, ҳайрат талош.

Ажаб эмас, бу дунёни нурга кўмса,
Дўмбиранинг пардасига қўнган қуёш!

Шарифа САЛИМОВА

«НАВРЎЗ—92»

Яқинда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасида «Наврўз—92» театр санъати минтақа фестивали ташкилий қўмитасининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш фестивалда иштирок этувчи жумҳуриятларнинг Театр арбоблари уюшмаси ҳамда маданият бошқармаси аъзолари иштирокида ўтди. Йиғилишда «Наврўз—92» фестивалини ўтказиш низомига ўзгаришлар киритиш, фестиваль қатнашчилари миқдорини белгилаб олиш, Озарбойжон жумҳуриятини фестивалда қатнашувчи жумҳуриятлар сафига қўшиш, фестивалда қатнашувчи хат эл, жумладан Туркия, Миср театрларини кутиб олиш каби қатор ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

«Наврўз—92» фестивали халқаро Театр кунида — 27 мартда очиладиган бўлди. Фестивалда ҳар бир жумҳуриятда ўтадиган кўрик-танлов ғолиблари қатнашадилар.

Ташкилий қўмита аъзолари Ўзбекистон жумҳуриятининг вице-президенти Ш. Р. МИРСАИДОВ ҳамда Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасининг раиси ўринбосари Э. САМАНДАРОВ қабулида бўлдилар.

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

ҚИММАТЛИ ЖАВОҲИР

Маълумки, беқиёс маданияти, фалсафаси, санъати билан дунё халқларининг маданият бешигини тебратган Шарқ ўзининг юксаклиги, руҳан бойлиги билан инсониятни лол қилиб келган. Биз қайси фан ёки санъат тарихини ўрганмайлик, унинг ибтидоси Шарққа тақалиши шубҳасиз. Педагогика, таълим-тарбия соҳасидаги дастлабки ибратли фикрлар ҳам Шарқ мутафаккирлари томонидан айтилган. Тўғри, уларда алоҳида бир педагогик назариялар яратилмаган, лекин Юсуф Хос Ҳожибдан тортиб Фурқатгача бўлган мумтоз сиймоларимизнинг асарларини ўқир эканмиз, уларнинг ҳар қандай назариялардан ҳам қудратлироқ, такрорланмас, оригинал фикрларга бой эканининг гувоҳи бўламиз. Шундай асарлар ҳақида гап кетганда «Қобуснома»ни тилга олмай илож йўқ. «Қобуснома» XI асрда (1082—1083) Каспий денгизининг жанубий қирғоғида яшовчи Кайковус исмли киши томонидан яратилиб, ўғли Гилоншоҳга қилган панд-насиҳатларидан иборат. 44 бобни ўз ичига олган бу асар тўлиқ маънода тарбиявий асар — унда ахлоқ-одоб, тарбия масалалари асосий ўринни эгаллайди.

Кайковус ўғли Гилоншоҳга қолдираётган меросларининг ичида энг бебаҳоси шу панд-насиҳатлар бўлади, деб ҳисоблайди. Шуниси аҳамиятлики, бу асар нафақат Гилоншоҳга, балки биз — ҳозирги давр ёшларига ҳам қимматли мерос бўлиб қолди. Афсус, бу бойликни ҳам ота-боболаримизнинг маънавий ганжинасидаги бошқа жавоҳирлари каби хор этиб қўйганмиз.

Маълумки, мактабда ўтиладиган «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» фанидан асосан адабиёт ўқитувчилари дарс берганига қарамай, бир қанча вақт оврупоча тарбияга асосланган Афанасьевнинг «Оила» китобидан фойдаланиб келинди. Ҳолбуки, бу предметни ўқитиш учун бадиий адабиётдан, фузалоларимизнинг «Қобуснома» сингари асарларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

«Қобуснома» таржима этилмаган тил қолмаган ҳисоб. Адабиётимизнинг йирик вакилларидан бири Огаҳий бу асарни тахминан 1860 йилда форс-тожик тилидан эски ўзбек тилига таржима қилган. Унинг ҳозирги ўзбек тилига табдили, кириш мақоласи, қисқача изоҳли луғати филология фанлари доктори, тилшунос олим Суботой Долимов томонидан тайёрланган. Бу асарга талаб катта бўлганидан қайта-қайта нашр этилаяпти-
лекин ҳозир ҳам топили
амри маҳол.

Яна би масалага диққа-
тингизни лб қилмоқчи
эдим. «Қ нома» 44 боб-
дан ибор ейилади. Унинг
дастлабки боби диний ха-
рактерга бўлганлиги учун
ҳар га нашрларида ҳам
бу боб берилмаган. Бир
бутун ни бузиб, чала
ҳолда иш қўпол қилиб
айтган ўйиб овқатланмай
дасту дан туриб кетишга
ўхша Лекин миллий қад-
рият миз тикланаётган,
дин а, ўзлигимизга,
мил игимизга қайтаёт-
ган унги кунда бу маса-
ла шундайлигича қолди-
р лмайди.

обуснома»нинг асл мо-
ни, аҳамиятини тўла
ниш учун ушбу асарни
қ ҳолда қайта нашр
зарур, деб ўйлайман.
шундагина педагогла-
из бу китобдан ўринли
йдаланишлари, келажак
лод руҳига маълум дара-
ада ижобий таъсир этиш-
ари мумкин.

Г. УСМОНОВА,
ТошДД ўзбек филологияси факультети талабаси

ВОҚЕАЛАР ЯНГИЛИКЛАР

ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

ШАРҚУ ҒАРБНИНГ ФАХРИ

ХОРАЗМЛИК ШОИР ВА АДИБ АЛ-ҚОСИМ ИБН АЛ-ҲУСАЙН ҲАҚИДА

Фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳонинг Бағдодда чоп қилинган «Ал-адаб ал-арабий фи-иқлими Хворазм» («Хоразм ўлкасида араб адабиёти») деган илмий асари Ўрта Осиёни араблар босиб олганидан то хоразмшоҳларнинг инқирозга юз тутишигача (1231 йил) бўлган даврда Хоразмда яшаб ижод этган кўпгина олим, адиб ва шоирларга оид маълумотларга бой. Мазкур тадқиқотни ўрганиш жараёнида XII асрнинг иккинчи ярми — XIII асрнинг бошларида яшаб ўтган хоразмлик шоир ва адиб Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн ҳақидаги мулоҳазалар диққатимизни тортди. Фикримизча, ҳозирги совет адабиётшунослигида Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн тўғрисида ҳеч ким ёзган эмас. Лекин тарихий манбаъларда шоир ҳаётига доир талай маълумотлар, унинг ижодидан намуналар келтирилган. Адибнинг тўлиқ номи Абу Муҳаммад ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Хоразмий бўлиб, садр ул-афозил (фазилатли кишилар пешвоси) лақаби билан машҳур эди. У ҳижрий 555 (баъзи манбаъларда ғалат 505 йил деб ҳам кўрсатилган) Хоразмда туғилган. Ал-Қосимнинг болалик йиллари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Кейинчалик эса у ўз даврининг етук олими, насру назм билимдони Абулфатҳ Носир ибн Абдусаид ал-Матразийдан фиқҳ ва араб тилини ўрганган. Унинг илмини ошириш мақсадида Бухорога борганлиги ҳам маълум. Зотан, Бухоро ўрта асрларда бутун Шарққа донги кетган илмий ва маданий марказлардан бири ҳисобланган.

Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн яшаб ижод қилган йиллар Хоразмда хоразмшоҳлар ҳукм юритган даврга (1097 — 1231 йиллар) тўғри келади. Тарихдан маълумки, бу пайтда хоразмшоҳлар, айниқса ўз ҳокимликларининг охирги юз йилликларида, кўп ўлкаларни эгаллаб, катта салтанат тузган эдилар. Натижада мамлакат иқтисодида, савдо-сотиғи ва қишлоқ хўжалигида, айниқса маданият соҳасида катта юксалиш юз берган эди. Ҳукмдорларнинг илм-фан аҳлига, шоиру адибларга кўрсатган эътибори шарофатида Хоразмда ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида, жумладан Самарқанд ва Бухорода ҳам илм-фан, маданият ғоят тараққий қилган эди. Йирик маданий марказлар ўртасидаги илмий-маданий алоқалар ривожланди, илмий мунозара ва баҳслар одат тусига кирди. Ўша пайтда илм толибларининг шаҳарма-шаҳар юришлари табиий бир ҳол бўлган. Шу жиҳатдан ҳам Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайннинг Бухорога борганлиги фикримизнинг бир далилидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хоразмшоҳлар даврида авом халқ учун ҳам илм-маърифат ўчоқлари мавжуд бўлган. Масалан, Бухоронинг Деҳқон даҳасида фақир-бечоралар учун нодир қўлёзмалар сақланадиган кутубхона — «Дор ул-фуқаро» («Қашшоқлар уйи») фаолият кўрсатганини айтиш мумкин. Хуллас, аввал Хоразмда, сўнгра Бухорода ўз даврининг таниқли олимларидан таълим олган Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн етук шоир ва адиб бўлиб етишади. Машҳур араб географи ва сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий (1179 — 1229) дунёнинг кўп мамлакатларида, жумладан Хоразмда ҳам бўлган. У ўзининг «Мўъжам ал-удабо» («Адиблар қомуси») номли йирик асарида 1219 йили Хоразмни зиёрат қилганида Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн уйида меҳмон бўлганини ёзади. Ёқут ал-Ҳамавий шундай дейди: «Мен унинг хонадонига қадам қўйганимда бутун вужудимни титроқ тутди, у менга жуда ҳам, улуғвор, ғоятда хуштабъ истараси иссиқ, фасоҳатли бир инсон сифатида намоён бўлдики, у билан суҳбатдан қалбим шодликка тўлиб назму насрим унинг васфидан ожиз бўлиб қолди».

Ёзма манбаъларда қайд этилишича, Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн девон тартиб берган, бироқ, афсуски, у бизга тўла етиб келмаган. Шоирнинг девони мўғуллар истилоси даврида йўқ бўлиб кетган, деб гумон қилинади. Шу боисдан ҳам Ёқут ал-Ҳамавийнинг юқорида зикр этилган асарида Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн ижодидан келтирилган ва турли мавзуларга бағишланган назмий парчалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Даставвал шуни айтиш керакки, Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн ўша пайтда оммавий тус олган таомилга кўра ва араб тилини мукаммал билганлиги учун ҳам ўз асарларини араб тилида ган. Шоир ўрта аср араб ассик адабиётига хос бўл н шакл ва жанрларда (жумдан мадҳия, фахрия, ғазал а ҳоказолар) баракали ижод илган. Дарвоқе, Ал-Қосим бн ал-Ҳусайннинг ўзи ҳам у ҳақда Ёқут ал-Ҳамавийга: Мен шеърларимда аниқ бир амалдорни (ҳоким, подшоҳ, амир ва шу кабиларни) мадҳ қилмайман. Мен мадҳ этган шахслар ҳаётда бор бўлмаган (хаёлий) кишилардир», — деб айтган.

Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн шеърлари мазмун ва шакл жиҳатидан қадимий араб шоирларига хос анъанавий услубда ёзилган бўлса-да, улар ўзига хос хусусиятлари, масалан, бир қадар муболағадорлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, шоир шеърларида араб бадавийлари ҳаёти чуқур акс этган. Гарчанд унинг бадавийларга ҳеч бир боғлиқлиги ва араблар орасида яшаганлиги ҳақида бирор маълумот бўлмаса-да, ижодида бадавийлар мавзуи кенг кўламда ифодаланади. Бу эса адибнинг қадимий араб шоирлари ижодини қунт билан чуқур ўрганганлигини, бадавийлар ҳаётидан яхши хабардор бўлганини кўрсатади.

Ал-Қосим етук шоир бўлиш билан бирга, илм-фаннинг бошқа соҳаларида ҳам баракали ижод қилган. Жумладан, адибнинг тил ва адабиёт, фиқҳ ва ҳадисга оид кўп асарлари, шарҳлари ҳам бор. У ўта саводли ва маърифатли бўлиб, фиқҳ, ҳадис, назм ва наср, айниқса тафсир (шарҳ) ҳусусида кенг кўламда қалам тебратган. Ёқут ал-Ҳамавий «Мўъжам ал-удабо»да Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайннинг қуйидаги асарлари бўлганини қайд этган: Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Ал-Муфассал» асарига ёзилган уч жилдлик «Шарҳ ал-муфассал ли-з-Замахшарий», «Ас-Сабика» («Ёмби») (Аз-Замахшарийнинг мазкур асарига ёзилган шарҳ), «Ат-Тажмир» («Бирлаштириш») — бу ҳам Аз-Замахшарийнинг «Ал-муфассал» асарига ёзилган шарҳ, Абу Аъло ал-Маарийнинг «Сақт уз-занд» асарига бағишланиб ёзилган шарҳ, «Ат-Тавдиҳ» («Тушунтириш») — Ал-Ҳаририйнинг «Мақоматлар»ига бағишланган шарҳ, «Лаҳжат аш-шарийъа» («Шариат тили») — фиқҳ лексикасига бағишланган шарҳ. «Китаб ас-сир фи-л-иъраб» («Флекция сирлари ҳақида китоб»), «Китаб шарҳ ал-абнийа» («Грамматик шакллар ўзгармаслигини шарҳловчи китоб»), «Китаб аз-завайа ва-л-хабайа» («Пучмоқлар ва маҳфий нарсалар ҳақида китоб»), — бу китоб грамматикага бағишланган, «Китаб ал-мухассил ли-л-муҳсила» («Ўрганиладиган нарсанинг ҳосиласи ҳақида китоб») — бу китоб нотиқлик санъатига бағишланган, «Китаб ужала ас-сафар фи-ш-шиър» («Шеъриятга шошилинч сафар»), «Китаб бадоиъ ал-милҳ» («Нодир фасоҳатли иборалар китоби»), Абу Наср ал-Утбийнинг «Тарих ал-Йаминий» асарига бағишланган шарҳ ва бошқалар.

Ўз даврининг етук шоири ва адиби даражасига етган Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн фақирона ҳаёт кечирган кўринади. Бу ҳолни адибнинг Ёқут ал-Ҳамавий билан суҳбатидан ҳам англаш мумкин. Ёқут ёзади: «— Умримда бир мартагина менга мурувват қилган кишини биламан, холос, — деди Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн менга. — У ҳам бўлса Бухорода бўлганимда юз берган эди». У Бухорога илм олиш ва бирон кишидан Қуръон қироатини ўрганиш ниятида келган эди. У Бухорода илм пешволаридан ҳисобланган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайҳоний сингари бир қанча машҳур кишилар ва адиблар суҳбатида бўлади. Кейинчалик Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайннинг шеъриятдаги маҳорати ошгач, вазир Ал-Жайҳоний салтанат ҳисобидан унга етмиш динор ҳадя қилиб, яна катта ваъдалар беради. «Агар муҳтож бўлмаганимда шу пулни олмас эдим», — деб шикоят қилади шоир. Сўнгра Хоразмнинг илғор кишиларидан бири, подшоҳга яқин бўлган. Аш-Шиҳаб ал-Хуфий қандайдир бир мансаб ва ўн динор бадалига унинг ёнида шолча устида шеър ўқиб ўтирадиган хизматга чорлаганда таклифни қабул қилмаганини Ёқут ал-Ҳамавийга айтган. Яна Ёқут ёзади: «Мен унинг маиший турмуши ва қандай қилиб тирикчилик ўтказаётганини сўраганимда, у менга: «Отамдан мерос қолган бир қадар мол-дунё мен учун кифоя, шу мулк ўзгаларга муҳтожликдан мени қутқазади», — деб жавоб берди». Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн ҳаёти фожиали тугаб, у 1221 йили мўғул босқинчилари томонидан қатл қилинади.

Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн ҳақидаги мулоҳазаларимизни Ёқут ал-Ҳамавийнинг: «У ўз даврининг ягонаси, ўша аср кишиларининг пешвоси, илмул маоний ва услуб эгаси, Шарқу Ғарбнинг фахри эди», — деган баҳоси билан тугатсак етарли, деб ўйлаймиз.

Убайдулла УВАТОВ,
филология фанлари номзоди

БИЛИБ СЎЗЛАГАН МАЪҚУЛ

БИР МАҚОЛА ХУСУСИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири ўртоқ Аҳмаджон МЕЛИБОЕВга

Ушбу ила сизнинг тасарруфингиз бўлмиш ҳафталикнинг шу йил 3-ноябрь сонида чоп қилинган Темур Пўлатовнинг «Новгород ва Бухоро: имон рамзлари» мақоласи тўғрисида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқарма ҳайъатининг кўрсатмаси бўйича тайёрланган мулоҳазани юборяпмиз. Ҳар икки томоннинг фикрига бир хилда муносабатда бўлиш ва ҳалик муштарийлари қизиқишининг орттириш маъносида уни эълон қилишингиз сўралади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси раиси, СССР халқ депутати:
Муфтий Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф

Ушбу сатрларни битишимизга Т. Пўлатовнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг 1989 йил 3 ноябрь сонида чоп қилинган «Новгород ва Бухоро: имон рамзлари» сарлавҳали мақоласи сабаб бўлди. Бу билан биз мақолани адабий тил қоидалари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ёки мақола таржимонининг (Мақола «Родина» журналининг шу йилги 8 сонидан олинган) маҳорати тўғрисида фикр юритиш муддаосини олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз йўқ. Мақсадимиз муаллифнинг диний масалаларга нисбатан бўлган нуқтаи назарини, унинг дунёқарашини ва фикрларининг йўналишини танқид қилиш ҳам эмас. Зеро, биринчидан, ҳар бир инсон ўз тушунчасига, олам, ҳаёт, умр, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва ҳоказолар ҳақида ўз тасаввурига эга бўлишга ҳақли, иккинчидан, мақола бирон-бир динга қарши ғараз билан ҳам эмас, балки ақидаларга, шу жумладан, Ислом динига хайриҳоҳлик, ҳамдардлик ҳисси билан ёзилган, деб ўйлаймиз. Аммо, таниқли ёзувчи ўз мақоласида инсон руҳининг озуқаси — имон ва эътиқод ма-

сал ри устида фикр юри-
ти енгил-елпиликка, бе-
па икка, қолаверса, шош-
ма шарликка йўл қўйгани
би таажжубга солди.

иинг, мушоҳадани қў-
йи муддаога ўтайлик. Юқо-
ра муаллифнинг фикрлаш
у бини таҳлил қилмаймиз,
д эдик. Лекин барибир
бт арсани айтиб ўтишимиз

ақола шундай сатрлар
н бошланади: «Тан оли-
ш керак, мен — Бухоро-
н анъанавий мусулмон
мнияти бағрида вояга ет-
гадам — славян мадания-
тнг буюклигига Новгород-
д— минг йил аввал. Рус
чинтирилиши йилида ўзли-
и чуқур англаган рус эъ-
қодининг, мустаҳкам ва
скин рус руҳининг ифо-
си бўлган заминда иқрор
ламан, деб ўйламагандим».
из жумланинг тузилишига,
нинг қисқа-узунлигига,
икрни қандай ифодаланаёт-
анига тирғалмаймиз. Эҳти-
л, бу таржиманинг махсу-
дир. Лекин ҳайрон қолди-
диган нарса шуки, муал-
ф славян маданиятининг
юклигига Новгородда иқ-
р бўлмай, Дамашқда ёки
анилада иқрор бўлиши ке-
кми? Ахир бу, ўзбекларни

Ўзбекистонда кўрарман, деб ўйламагандим дейиш билан баробар-ку. Яна бир жойда муаллиф «Мана, Исломнинг қарама-қаршиликларидан бири: ташқи дунёга сабот ва бирликни тарғиб қилғувчи ислом ўз ичида мангу курашувчидир. Буни яқин-яқинда ҳам бир-бири билан қирғинбарот жанг қилган бир эътиқодли икки халқ — Эрон ва Ироқ мисолида кўрдик» деб ёзади.

Хўш, 1400 йилдан зиёдроқ вақт ичида миллиард-миллиард инсонларнинг руҳий талабларига жавоб бериб келган, уларнинг ички маънавий зиддиятларига даво бўлган илоҳий таълимот қарама-қаршиликдан иборат бўлиб қолдими? Бу даъвони исбот қилиш учун Эрон — Ироқ урушини мисол қилиб кўрсатиш шартмиди? Демак, биз Англия — Аргентина можаросига христианликнинг ички қарама-қаршилиги сабаб дейишимиз мумкинми? Ахир шу пайтгача, замонавий фалсафада доимо зиддиятлар замирида аслида моддий манфаатлар ётади, устқурма эса уларнинг зоҳирий кўринишидир, дейилардику ёки муаллиф энди бу масалага диний ақида нуқтаи назаридан баҳо бермоқчими?

Энг қизиғи мақоланинг ғайбий мафҳумлар мушоҳадасига бағишланган қисмидир. Муаллиф «Ажр мавзуси — худо ажрими ва инсон ажрими, виждон қийноғи ва имон қийноғи... Бу қарама-қаршилик шундан иборатки, ислом динида, бир томондан, инсон қисматининг маҳкумлиги, «пешонасига битилгани, Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилганлиги таъкидланса, иккинчи томондан — инсон ўлганидан кейин ўз иродасига боғлиқ бўлмаган ҳаракатлари учун жавоб бериши талаб этилади» — деб яна Ислом динидан қарама-қаршилик ахтаради. Таажжуб, ажр деганда нимани тушуняпти муаллиф ёки таржимон? Ажр мавзусидан сўнг чизиқча қўйиб, худо ажрими ва инсон ажрими дейилган. Ажр диний истилоҳотда яхшилик ва ёмонликка бериладиган мукофот ёки жазо демакдир. Ёзувчи ажр сўзини ажратмоқ феълидан ясалган ажрим сўзидан олинган ёки улар муродиф деб ишлатмоқдами — бу бизга қоронғу. Лекин кейинги жумлалардан маълум бўлаяптики, у тақдир (қадар) тушунчаси устида фикр юритмоқчи. Ёзувчи бу ўринда инсоният тарихида ва инсон тасаввурида баҳсга сабаб бўлиб келаётган улкан мавзуга мурожаат қиляпти.

Бироқ биз бу масалани ўртага қўйиб, мана Исломдаги қарама-қаршилик дея оламизми? Агар инсон жавоб бера олмаса, бу масаланинг жавоби йўқ, деб ҳукм чиқаришга ҳақлимизми? Йўқ, албатта. Чунки юқоридаги масаланинг баҳсга сабаб бўлишлиги унинг ғайбий тушунчаларга мансублигидадир. Инсон тушунтириб бера олмаган бундай масалалар қанчадан-қанча.

Аммо бу билан биз мазкур масалани Ислом эътиборсиз қолдирган дея олмаймиз. Ислом оламининг йирик аъломлари таълифотларига назар ташласак, унда бир қанча лўнда ва қониқарли талқинларни учратамиз. Қадарга тегишли асосий гап шундаки, инсон (халқ қилинганлик табиати билан) келажакни (ғайбни) Холиқнинг белгилаб қўйган ҳудудидан ташқари даражада кўролмайди. Бу ҳудуднинг ўлчовини (қанчалик чексизлигини) ҳам билмайди. Холиқ билан махлуқ ўртасидаги муносабат махлуқ имкониятларининг маҳдудлигига ва Холиқ қудратининг бениҳоялигига асосланган.

Юқорида зикр қилинган масала бўйича бизларга берилган билишлик даражаси қуйидаги иқтибосларга мавқуфдир.

Ақоиди Насафий китобида: «Бандаларнинг ихтиёрий амаллари борким, яхшиларига савоб оладилар, ёмонлари учун уқубатга дучор бўладилар», дейилган.

Абу Шакур Ас-Солимийнинг «Ат-тамҳид», шунингдек Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг «Ал-фиқҳул акбар» китобларида жумладан шундай ёзилган: «Тақдир — Аллоҳнинг бандалар амаллари тўғрисида васфидур, ҳукми эмас».

Юқоридагиларни сарҳисоб қилиб, шуни айтамизки, инсонга жузъий ихтиёр берилган, яъни ўзи билган ва ўзи қодир бўлган нарсалар учун жавобгар, ўзи билмаган ва қодир бўлмаган нарсалар учун жавобгар эмас.

Муносабатдан фойдаланиб яна бир фикр билдирмоқчиман. Кўп кишилар, шу жумладан, кўпгина мусулмонлар орасида қазою қадар воқеъликка таслим бўлиш, унга сабр ва сукут қилиш, чунки у илоҳий иродадир, деган тасаввур тарқалган.

Ваҳоланки, Исломнинг аввалги асрларидаги мусулмонларнинг тасаввурлари бундай бўлмаган. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг иккинчи ҳалифалари Умар бин ал-Хаттаб бир вабо тарқалган шаҳардан ўз аъёнлари билан қочиб кетаётганда бир киши «Аллоҳнинг қазою қадаридан қочмоқчимисан?» деб савол қилди. Шунда Умари Одил «Аллоҳнинг қазою қадаридан Аллоҳнинг қазою қадарига қочмоқчиман», деган экан. Бундан келиб чиқадики, мусулмон одам зарарни, нотўғри ишни, зулмни ва фасод ишларни кўрганда сукут қилиб турмай, уларни бартараф этиш чорасини кўришликка амр қилинган.

Бу ҳақда Қуръони карим ва Суннати мутаҳҳарада очиқ ва равшан кўрсатмалар бор. Қуръони каримда: «Одамларнинг ўзларида бўлган нарсани ўзлари ўзгартмагунларича Аллоҳ ўзгартмайди» — дейди Худойи Таоло.

Пайғамбар алайҳиссаллоту вассаломнинг ҳадиси шарифларида: «Агар одамлар бир золимнинг зулм қилиб турганини кўрсалару, унинг қўлидан тутиб, зулмидан қайтармасалар, ўша золим билан биргаликда азобга дучор бўлиш остонасида бўлиб қоладилар» — дейилган. Агар фосид воқеъликка индамай тураверишлик мусулмон одамнинг пешонасига ёзилган бўлганда, энг аввало Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «дунёнинг бўлгани шу эканда» — деб жоҳилиятга қарши ислом нури билан курашмаган бўлур эдилар.

Машҳур тасаввуф аҳлларидан Шайх Абдулқодир Жилонийнинг «Тақдирни тақдир билан енгаман», деган иборалари машҳурдир.

Мақола сўнгида: «Христианликда бу мушкулот инсоннинг илоҳийлиги билан ечилади, яъни сиғинувчининг гуноҳларини аллақачон Худо ўғли — Иисус ўз азоб-уқубат чекишлари билан ювади.

Инсоннинг художўйлиги билан одам — худоликкача — бир қадам», деб хулоса чиқаради муаллиф.

Ҳар икки таълимотдан етарли хабардор бўлмай туриб, униси бунисидан кўра ўктамроқ, униси масалага жавоб беради, буниси эса йўқ дейишлик билан одам — худолик даражасига даъво қилишликнинг ораси бир қадаммасмикин?

Сўзимизни Қуръони каримнинг «Ал-Исро сурасидаги «Ўзинг билмаган нарса ҳақида гапирма»... деган ояти билан якунлаймиз.

Абдуллоҳ ИСМОИЛОВ,
Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармасининг халқаро бўлим катта маслаҳатчиси

МАДАНИЯТ ЖУРНАЛИ НАШР ЭТИЛСА...

Ҳозирги вазият маданият соҳаларига ҳам катта эътибор беришни талаб этмоқда. Айниқса, диёримиз халқларининг маънавий ташналигини қондириш сув билан ҳаводек зарур бўлиб бормоқда. Бироқ биз маънавий эҳтиёжни қондирувчи омиллардан бири — нашр ишларида ҳаётдан орқада қолаяпмиз. Бу ҳол маданий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини пасайтирмоқда.

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

Биз шуни назарда тутиб Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари республика илмий-методик марказининг маданият журналини ташкил этишни зарур, деб ҳисоблаймиз. У маданият ходимлари, методистлар, бадиий тўгарак раҳбарлари учун дастуламал бўлиши мумкин. Журнал маданият ходимларининг иш тажрибаларини оммалаштириб, халқ талантларини рўёбга чиқарса, маданий қурилиш соҳасидаги муваффақиятларни, фан, адабиёт, санъат ва эстетика соҳасидаги нутқларни тарғиб этса, айни муддао бўларди. Буларнинг барчаси пировард-натижада замондошларимизни, айниқса, ёш авлодни камол топтиришда муҳим аҳамият касб этиши табиий.

Таъкидлаш лозимки, маданият журналини ташкил этишда биз муайян тажрибага ҳам эгамиз. 1970 йили Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети томонидан «Маданий-оқартув» журнали чиқарилган эди. «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган бу журнал саҳифаларида республика маданият ходимлари кенгаши қатнашчиларининг ўз ҳамкасбларига мурожаати, қутлуғ саналарга, янги расм-русмлар ва байрамларни ўтказишга, қишлоқда маданий-маърифий ишларни ривожлантиришга оид материаллар босилганди. Шу билан бирга, байналмилал дўстлик кечалари, мадниятимиз соҳиблари ҳақида ҳикоя қилинганди. Аммо кейинчалик журнал қандайдир номаълум сабабларга кўра чиқарилмай қўйилганди.

Ҳолбуки, кўпгина қардош республикаларда Маданият министрлигига қарашли шундай махсус журналлар кўп вақтлардан бери мунтазам чиқарилиб келинмоқда. Иттифоқимизда эса СССР Маданият фондининг «Наше наследие» деб аталган журнали нашр этилмоқда. Қўшни Қозоғистонда «Маданият ва турмуш» журнали қозоқ тилида чиқмоқда. Шу каби журналлар Белоруссияда, Молдавияда ҳам бор. Бинобарин жумҳуриятимиз халқларини маданий-маънавий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, инсониятни маънавий камол топтиришга хиз-

қиладиган, Ватан тари-
кенг ёритадиган шун-
шаш журнални ташкил
эти га ҳамма маданият хо-
и, қолаверса, барча
дим р катта эҳтиёж сез-
зиёл Борди-ю, биз халқ
моқ ти ва маданий-маъ-
ижод ишлари республика
рифи методик маркази чи-
илми ан ҳозирги тавсия
қара анмалар даражаси-
ва қ ак, халқ талаб-эҳ-
да қ қондира олмаймиз,
тиёж ашр ишларига аж-
Чунк ган маблағлар кам.
ратил журнал шу маблағ
Янги ларга яна қисман
хараж келгусида ўз-
қўшил қоплайдиган, мада-
ўзини димлари учун дои-
ният ий дастур бўла-
мий а шрга айланиши
диган
мумкин

Бун эришиш учун
унинг ифаларида мам-
лакати ва дунё халқла-
ри м нияти тарихига,
долзарб маданий-маърифий
ишларга халқ фольклори,
этнограф си, амалий-тас-
вирий с ъати, мусиқасига,
фолькло этнографик ан-
самбллар халқ бахши шо-
ирлари, лалар фолькло-
ри, кит тарғиботига, халқ
педагоги ига, инсоний урф-
одат ва аросимларга таал-
луқли қолалар бериб бо-
рилса, унингдек, вилоят-
лар, ит роқ маданий ҳаё-
тига ба ланган махсус
саҳифал ташкил этил-
са мақ ига мувофиқ бў-
ларди.

Жур ни қандай ном-
лаш ақ ҳукмига ҳавола.
Муҳи уни жуҳурияти-
мизда Маданият ститу-
ти, атр ва рассомлик
санъа институти, Тошкент
Давла консерваторияси,
мадан оқартув техникум-
ми та балари учун зару-
рий, ига хос қизиқарли
билим рни берадиган ман-
бага лантириш зарур.

Ўйл мизки, мутасадди
ташки тлар раҳбарлари,
мадан т ходимлари ҳамда
кенг моатчилик бизнинг
таклис аримизни атрофли-
ча му кама қилиб, кўта-
рилган муаммо юзасидан
холис фикр-мулоҳазаларини
билдир илар.

Д. ҲУСАНОВ,
Халқ ижоди ва маданий-
оқарту ишлари республи-
ка и ий-методик марка-
зинигн ректори,

У. ОБИДОВ,
Халқ жоди ва маданий-
оқартув ишлари респуб-
лика мий-методик мар-
казинин катта муҳаррири,

Б. АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди,
этнограф

ШОИРЛАР ТЎЙЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасида халқимизнинг улуғ шоири Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллик юбилейини ўтказиш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда юбилей комиссиясининг раиси, ёзувчи Ҳамид Ғулом тўйга тайёргарликнинг бориши тўғрисида ахборот берди.

Маълумки, тарихий манбаларда машраб таваллуди ва қатл этилган вақти турлича кўрсатилар эди. Эндиликда олимларимиз у яшаган даврга тўла аниқлик киритдилар, улуғ шоир 1640 йилда таваллуд топиб 1711 йилда ўлдирилганлиги маълум бўлди. Шунинг учун шоирнинг улкан тўйи келгуси йили август-сентябрь ойларида ўтказиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун бир қанча ишлар амалга оширилади. Аввало, Машраб ижодини кенг тадқиқ этиш учун у яшаган давр тарихи, шароити, фалсафаси, адабиёти йўналишлари ўрганилиши ва муносиб баҳо берилиши керак.

Юбилейга атаб шоирнинг асарлари нашрга тайёрланмоқда. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида асарлар тўплами чоп этилмоқда. Халқимиз учун оммабоп тарзда Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи рисола ҳам тайёрланиши зарур.

Тўйни икки босқичда ўтказиш мўлжалланмоқда. Биринчи босқич келгуси йилдан жумҳуриятимиз вилоятларида машрабхонлик кунлари билан бошланади. Август ойида Андижон, Фарғона, Наманган, вилоятларида адабий анжуманлар ўтказилади. Сентябрнинг бошларида олий ўқув юртларида конференциялар уюштирилади. 10 сентябрда эса жумҳуриятимиз пойтахтида тантанали йиғин бўлиши режалаштирилди. Шундан кейин Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда қўшни Туркистон районида машрабхонлик давом этади. Биринчи босқич Москвада улуғ шоирга бағишланган кеча билан якунланади. Иккинчи босқичда машрабхонлик тантаналарини шоир қадами теккан Шарқий Туркистонда ва Афғонистонда ўша мамлакатлар ижодкорлари билан биргаликда ўтказиш кўзда тутилмоқда.

●

Улуғ шоир, тарихчи, олим, таржимон Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий юбилей комиссиясининг ҳам йиғилиши бўлди. Унда комиссия раиси Ҳамид Ғулом тайёргарлик ишлари хусусида сўз юритди.

Шоирнинг таваллуди 1809 йилнинг 17 декабрида эканлиги аниқланган. Шунинг учун унинг 180 йиллик тўйини ҳам декабрь ойида ўтказиш мўлжалланмоқда. Шу кунларда Хоразмда Огаҳий тантаналари бошланди. Мактабларда, олий ўқув юртларида адабий кечалар, йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Вилоят миқёсидаги катта тантаналар 17-18 декабрда бўлиб ўтади. Унда Огаҳий номидаги вилоят театрида катта анжуман ўтказиш мўлжалланмоқда ва Хева районидаги шоир яшаб, ижод қилган Қиёт қишлоғидаги Огаҳий боғида тантаналар ташкил этилади. Қиёт қишлоғи теграсидаги шоир тўйига катта тайёргарлик кўрмоқда. Унинг уй-музейини ташкил қилмоқда. Шунингдек, колхоз улуғ шоир ижодини кенг тарғиб қилиш ва тадқиқ этишни кучайтириш ҳамда бундай ишларни рағбатлантириш мақсадида жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Огаҳий мукофотини жорий қилишди. Бу мукофот ҳар йили шоир асарларини энг яхши тадқиқ қилган ижодкорларга ва тарғиб қилган санъаткорларга бериб борилади.

Огаҳийхонлик кунлари Тошкентда ҳам давом этади. ЎзФАнинг Тил ва адабиёт институтида илмий сессия уюштирилади, Ҳ. Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида мушоира ўтказилади. В. И.
Ленин номидаги СССР халқ
лари дўстлиги саройида С
ҳий шеърлари ва
кечаси, театрларда
адабий анжуман та
лади.

Шоир асарларини
лишга ҳам алоҳида
берилмоқда. Маълу
лом нашриётида
аввал 6 томлик асар
қилинган эди. Энд
нашриёт ижодкор
нинг тўлиқ нашри
адабиёти бўстони
чоп этишни п
Жумладан, «Таъв
келгуси йилда
ди. Айни пайт
ССР Фанлар
ҳий асарлари
иборат акаде
тида ҳам иш
мўлжалланм
Юбилей
лишида оға
ларини ҳар и
ришга келишиб

ЎзАС АХБОРОТИ

Яқинда Шинжонг автоном районидан келган бир гуруҳ ижодкорлар редакциямиз меҳмони бўлишди. Улар орасида вилоят санъат институтининг доценти, усулчи Зайнаб Собитова, «Қумул адабиёти» журналининг бош муҳаррири Ойшем Аҳмат, «Урумчи оқшоми» газетасининг мухбири Турсуной Юнуслар бор. Меҳмонларга Қозоғистон ССР Фанлар академияси уйғуршунослик институтининг илмий ходими Патигул Собитова ҳамроҳлик қилмоқда. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири А. Мелибоев меҳмонларга ўзбек адабиёти ривожи, унинг бугунги муаммолари, газетада ёритилаётган республика ҳаётига оид ижтимоий-сиёсий воқеалар хусусида сўзлаб берди.

●

Тожикистон телевидениеси орқали машҳур ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедияси намойиш этилди.

Асарни Тожикистон ССР халқ ёзувчиси, марҳум Фазлиддин Муҳаммадиев таржима қилган.

Бош ролларни Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар У. Ражабов, Б. Ражабов, [illegible] Ҳасанов, артистлар Д. Умарова, А. Ҳалимов, С. Мардонов меҳирлик билан ижро этдилар.

Ж. ҲАСАНОВ

●

Ховос районидаги «Дружба» совхози маданият уйида хўжалик меҳнаткашларининг бир гуруҳ ёзувчи ва адабиётшунослар билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувга ёзувчи Ўткир Ҳошимов, адабиётшунослар — Озод Шарафиддинов, Абдуғафур Расулов ва Раҳматилла Иноғомов ташриф буюришди.

Учрашувда сўзга чиққан, Озод Шарафиддинов ҳозирги пайтда Иттифоқ ва республика миқёсида кечаётган адабий жараёнлар, халқимизнинг диққат-марказида турган ижтимоий масалалар хусусида батафсил тўхталди. Ёзувчи Ўткир Ҳошимов кейинги йилларда «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида эълон қилинган асарлар ва журналнинг келгусидаги режалари ҳақида гапириб берди.

Б. ЭРМАТОВ.

●

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг болалар адабиётига бағишланган пленуми олдидан жумҳуриятимизнинг жуда кўп мактабларида болалар адиблари, шоирлари билан учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай учрашувлар Андижон шаҳридаги 36-мактабда, Андижон районидаги Ҳамза номидаги мактабда, Шаҳрихон шаҳридаги дам олиш ва истироҳат боғида, пахтачилик институти талабалари ҳузурида бўлиб ўтди.

Учрашувга қатнашган шоирлардан Сафар Барноев, Абдулҳай Носиров, Абдусаид Кўчимов, Қамчибек Кенжа, Одил Абдураҳмонов ўзбек болалар адабиёти ҳақида ўқувчиларга сўзлаб бердилар.

●

Уйғур шоири, драматург Ҳисомиддин Исломов 50 ёшга тўлиши муносабати билан Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида ижодий кеча бўлиб ўтди. Кечани уйғур адабиёти кенгашининг раиси, ёзувчи Эмин Усмон олиб борди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати котиби Тоҳир Малик ўзбек-уйғур адабий алоқалари ҳақида тўхталди ва Ҳисомиддин Исломовга Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ҳайъатининг Фахрий ёрлиғини топширди. Ижодий ҳисобот кечасига ташриф буюрган республика
лараро уйғур тилида чиқад
ган «Коммунизм туғи» газе
сининг муҳаррир муовини
Абдураҳмонов, «Янг
газетасининг бўлим
Ҳ. Муҳаммадиминов,
тон ССР Фанлар ак
Уйғуршунослик инст
катта илмий ходим
П. Собитова, Хитой
публикаси Шинжс
автоном райони
олим ва шоир
мусаввир Л. Ибр
Р. Қодирий, олм
шоири Ҳ. Ҳамр
ўртоқлар шоир
рини изҳор

И. М

Низомий
Давлат пед
Ўзбекистон
маси билан
билим дарго
ган адиблар
ижодига бағишла
лар ўтказишни ке
дилар. Яқинда
ўтган дастлабки
шоирлар Хайридди
Юсуф Шомансур
бағишланди.

Хотира анжумани
тут ўзбек адабиёти
си мудири, доцент
Ҳомидов қисқача
билан очди ва ол
Профессор Н. Ма
цент Т. Бобоев
Д. Ражабов Х. С
Шомансурнинг ҳа
мерос
ган й
хусус
корла
Сайё
раззо
Рауф
Ҳамза
мон Ори
дулла ва
шоир бил
қидаги х
тоқлашди
дан ў

ЯНГИ РОМАН МУҲОКАМАСИ

Ўзбек тон ССР Ёзувчи-
лар уюш аси проза кенга-
шининг навбатдаги мажли-
сида увчи Муҳаммад
Алининг «Сарбадорлар» ро-
мани м окамаси бўлди.
Асар юрт миз тарихининг
ҳали ета и бадиий тадқиқ
этилмаган XIV аср ҳаётига,
мўғуллар осқини ва феодал
давлатчил ҳукм сурган
Мовароун ҳрда буюк иж-
тимоий-си ий куч-қудрат
касб этган сарбадорлар халқ
ҳаракатига бағишланган.

Муҳокамада сўзга чиққан олим ва адиблар Б. Аҳмедов, О. Ёқубов, П. Қодиров, Мирмуҳсин, Б. Қосимов, П. Шермуҳамедов, Х. Султонов, М. Бобоев, О. Мухторов, Т. Қаҳҳор, Б. Норбоев ва Ҳ. Маҳмудова тарихимизнинг энг мураккаб, ўта зиддиятли даврларини қамраб олган ушбу асарнинг муҳим жиҳатлари хусусида фикр юритдилар.

Айни пайтда XIV аср муҳити, йирик тарихий шахслар ҳаётини тасвирлашда муаллиф дуч келган қийинчиликлар ҳам айтиб ўтилди.

Роман муаллифи муҳокама сўнггида асар хусусида фикр-мулоҳазаларини баён қилган ўртоқларга миннатдорчилик билдириб, романни нашрга тайёрлаш жараёнида таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олажагини айтди.

Муҳокамани проза кенгаши раиси, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад олиб борди.

САТИРА, ЮМОР

ИНОҚ БЎЛАЙЛИК

— Ўртоқлар! «Очиқчасига гаплашайлик» деган суҳбатимизни бошлаймиз! — директор Мухторбек Ғозалиев шипга дўппи отса полга тушмайдиган гавжум залга юзланди. — Рўпараларингда заводимиз «бошлари»! — у ёнида савлат тўкиб ўтирган бош ҳисобчи ва бош инженерга ишора қилди. — Мақсадимиз юзма-юз суҳбатлашиб, орамиздаги тушунмовчиликларни бартараф қилиш. Чунки кейинги пайтларда аҳиллигимиз йўқолди! Баъзи ғаламислар юқори ташкилотларга шикоят йўллашмоқда. Оқибат, жиннининг кесагидай ғувиллаб комиссия кетидан комиссия келмоқда. Маълумки, ҳар бир текширувчининг ғордай оғзи, мешдай қорни бор. Берилган совғалардан ташқари уларнинг жиғилдонига бир ҳафтада ёрдамчи хўжалигимизнинг иккита қўчқорини гумдон қилдик. Гўшт-ёғни ўзларинг еб, арз-додларингни каминага айтсаларинг соз бўлмасмиди?! Ахир, Зуҳро ёки Миррихдан тушмаганмиз. Ўзларингни жонажон раҳбарларингмиз. Хўш, савол бўлса марҳамат, тортинманглар!

— Заводда меҳнат интизоми бўш, — деди олди қаторда ўтирган ишчи Абдумажид. Ишимизда унум йўқ. Ойлигимиз кундалик эҳтиёжларга зўрға етяпти. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув. Жамғарма ҳақида айтмасак ҳам бўлади.

— Жамғаришнинг имконияти тежамли бўлишда, — тепакал бош ҳисобчи Ғанижон ўрнидан туриб жавоб бера бошлади. — Собиқ фаррошимиз Зулайҳо эна тўрт юз саксон сўм пенсия олади! Бир йилда, албатта. Ойига қирқ сўм. Қариликда юракка оғир деб гўшт-ёғ емайди! Медицина қанд-шакарни «оқ оғу» деган! Бахтимизга эркин савдодан уларнинг уруғи йўқолиб умримизга умр қўшилмоқда. Мева-чева қиммат! Ҳайриятки, нон-туз арзон, сув бепул. Хуллас, кампир тушмагур ойига йигирма сарфлаб, йигирмани кассага қўяди. Ҳозиргача хийлагина пул жамғарган. Ҳисобли бўлиш керак, ўртоқлар!

— Уст-бош киймас эканми?!

— Ясанишини кўрсангиз ўн саккиз ёшли қиз дейсиз. Кампиршонинг навқиронлик пайтида газлама арзон ва сифатли бўлган. Қўша-қўша кийим тиктириб қўйган экан, энди асқотяпти.

— Уй-жой етишмаяпти, ўзгариш бўладими?! — зал ўртасида кимдир сўради.

— Бу саволга камина жавоб беради, — Соли соқол номи билан танилган бош инженер инқиллаб ўрнидан турди. — Чорак аср бўляпти янги уй қурганимиз йўқ. Энди режалаштиряпмиз. От топгунча эшак миниб туришни маслаҳат берамиз. Биз муҳтожларни уй билан таъминлашнинг антиқа усулини ихтиро қилдик! Кашфиётимиз тажрибадан муваффақиятли ўтди. Икки сменада ишлайдиган икки оилани битта уйга жойлаштирдик. Биринчи жуфт сайр қилиб маданий ҳордиқ чиқаради уйда ухлайди. Кейин улар ўрин алмашадилар. Қозон-товоқ, кўрпа-ёстиқ ўртада, ижара ҳақи арра бўлганидан оилалар иқтисотдан бақувват бўлди. Ҳатто, ҳаётлари авалигидан қизиқарли ўтмоқда. Яқинда ажойиб воқеа рўй берди. Биринчи жуфтнинг хотини ухлаётганда, иккинчи жуфтнинг эри ишдан эртароқ қайтиб кўрпага кирибди. Биринчи хотин жуфти ҳалолини кўрпа ичида бурнидаги ортиғидан билар экан. «Жоним» деб бурнини силаса, теп-текис. Додлаб ўрнидан туриб кетибди. Ораларида бежо ҳаракат бўлмаган экан. Гап нимадалигини тушунгач, роса кулишибди. Ҳозироқ шундай саргузашт ва уй ишқибозларидан аризалар тушмоқда...

— Мана, очиқчасига гаплашиб олдик, — деди Мухторбек Ғозалиев суҳбатни якунлаб. — Халқимиз бараканинг боши бирликда дейди. Бунга ҳаётда мисол кўп. Собиқ директоримиз гуркираб ўсаётган эди. Данғиллама уйи, қўш машина ва дала ҳовлиси бор эди. Хотини кундоши борлигини пайқагач, хуфия ишлари, тўплаган пулини керакли жойга ёзиб берибди. Бечора директоримиз ақлдан озибди. Мана, арз қилиш, ёзишманинг оқибати. Элликта макиён битта хўрозга қаноат қилганда, ношукур хотин жимгина яшаса бўларди.

Гапнинг индаллосига ўтсак, эрта-индин юқорининг ҳам юқорисидан «қўчқорхўрлар» келишяпти. Ҳозир халқдан ҳол сўраш одат тусига кирмоқда. Улар сизлар билан албатта суҳбатлашадилар. Шунда завод манфаати, деб бошлиқларнинг бошидан соч, кўзидан нур, уйқусидан ҳаловат кетаётганини шипшитиб қўйсаларинг, олам гулистон. Аҳилликда гап кўп, иноқ бўлайлик, ўртоқлар! Мухторбек Ғозалиев ўзи учун бундай жон куйдириб гапирдими ёки ишчилар учунми йиғилганлар ҳайрат билан тарқалдилар.

Нўъмон МУИДИНОВ



Рассом К. ОЛИМОВ

А 14
8 12
КЎЗИНГНИ ЮМ!.. ЧОЛ ҲАЛИ ШУ ЕРДА...

Рассом Н. БЕРДИЕВ

ЧИМДИБ ОЛУВЧИ КУЛГУ

Чойхомизнинг бугунги чойхўри, ёш қизиқчилар кўригинин иккинчи совриндори, фарғоналик Абдулла Акбар ўғлир. Мана, келганидан бери лаби-лабига тегмай, шумбола амлаб берган тоза, беда ўти аралашмаган кўк чойдан, риллатиб ичиб ўтирибди. Бир пайт: «Яхшиям одамнинг чаги тўғри эмас, акс ҳолда, ичган шунча иссиқ чойларим ллақачон...» — деб, кулдирган бўлиб, секин туряпти. расак, шунча чойни ичиб, жуфтакни ростламоқчи. Я одоб юзасидан бир пиёла чой узатган бўлдигу аста волга тутдик:

— **Кўришингиздан жуда хурсандсиз, ғалаба нашъаси ҳали ўз кучини йўқотгани йўқми дейман?**

— Тўғ ини айтай. Аслида «Олой» бозорига бодиринг сот келган эдим. Конкурс бўлишини эшитиб, савдони ҳ чала қолдириб, ўзимни бир синаб кўриш мақсадида рган эдим. Йўл-йўлакай: «Машҳур қизиқчилар, таниқ артистлар куч синашадиган жойда мен қишлоқига бал орми, яхшиси бозордан қолмай» деган гаплар кўнгли н ўтди. Унинг устига уйга қуруқ чўнтак билан борса отиндан ўқлов еийишим ҳам кундек аён, нима қилай, лмади, барибир аскиячиликка қизиқишим ўқловнинг ва атидан устун чиқди. Мана ўзингиз кўриб турганингизд оқибати ёмон бўлмади.

Севинчимн сабаби эса, сиз айтгандай эмас. Мен, жумҳуриятим а шунча истеъдодли ёш қизиқчилар борлигидан, қади асқия санъатимиз тикланаётгандан хурсандман.

— **«Ўқлов» қолдингиз, ҳокимият хотиннинг қўлидами дейман?**

— Э-э-э, ки йтди сизга, остонада туриб гаҳ деса қўлга қўнади... хтанг, бу суҳбатимиз газетада чиқмайдими?

— **Чиқади.**

— Шундоқ де қўймайсизми! Энди-и... тўғрисини айтадиган бўлсам қмайман-у... нима десам экан... иноқ яшаган яхши-да. и энди белинг бақувват бўлса экан, бунисини қўйиб, сига уйланиб олаверсанг. Қайда дейсиз, бизда юз йил тўхтов ишласанг ҳам, косанг оқармаса... Мен кўп ўйман: терилган пахтанинг килоси, ҳозиргидай 15—20 ийин эмас, бир сўм ёхуд 70 тийин бўлиб қолса, деб. и ўшанда хотинлар ғиринг деб, кўришсин-чи!..

— **Анъанавий сав Орзуларингиз?**

— Ўзим кичкина, эимсиз одам бўлсам ҳам, орзуларим, муболағасиз, ул н. Уларнинг нималардан иборат эканлигини айтиш ж эмас. Чунки, улар ҳеч қачон ушалмаса керак. Ме маъзур тутасиз, фикримни очиқ-ойдин айтолмадим, с би: ошкораликка ҳали тўла-тўкис ишонч ҳосил қилганим йўқ. Бу менинг катта камчилигим бўлса керак.

— **Мароқли суҳбатгиз учун раҳмат, ижодингизга барака. Энди бошиде лишганимиздек...**

— Олдин бир пиё чой қуйинг. Раҳмат, мана, энди хизматингизга тайёрм Эшитинг:

●

Сиз билан биз ўзб из: «Пахта бизнинг бойли из, ўттиз сўмдир ойлиг з», деб юраверамиз. Ти чиликдан ортиб, ўз ҳол ча у ёқ-бу ёққа ҳам бор з, дунё кўргани.

Қаранг, худонинг билан сувчи Абду Мамарайим тоғалар томонидан, бепул тонга путёвка бериг каласи Ҳиндистонда айланиб юришиб, ибодатхонага киришса, ҳиндларнинг худоси Кришнанинг ҳайкали турганмиш. Абдурайим тоға Мамарайим тоғага ҳайкални кўрсатиб:

— Мамарайим, анови хотин ҳайкалини қара, олтита қўли бор экан — деса, Мамарайим тоға қараб туриб:

— Нима дейсан Абдурайим, роса ўзбекбоп хотин эканми? — деган экан.

●

Ҳарбий хизмат пайти битта рота тайёргарлик машқида командир ротага қараб: «Гази!» деб, команда берган экан, ҳамма аскарлар противогазларини кийиб югуриб кетишаётса, иккита солдат киймасдан кетишаётганмиш. Командир иккаласини чақириб:



— Хўш, иккаланг нима учун ҳарбий қонунни бузиб, ниқобсиз кетяпсан! — деса, солдатлар:

— Ўртоқ командир, бизга заҳарли газлар таъсир қилмайди, — деб, жавоб беришибди. Командир ҳайрон бўлган экан, солдатлар:

— Ўртоқ командир, биз томонда пахта экишади, деб жавоб беришибди.

●

Сартарошхонада шогирд бола соқол олаётиб, мижознинг чап юзини кесиб олибди. Устасининг аччиғи чиқиб бир шапалоқ урган экан, шогирд бола энгашиб қолса, тарсаки мижозга тегибди. Иягини кесиб олганда ҳам тарсакини мижоз едди. Бола ғўрлигига бориб, бечоранинг қулоғини ҳам кесиб олган экан, мижоз қўрққанидан:

— Жон ука, индамасдан челакка ташлаб қўявер, устанг кўрмасин, — дебдию секин чиқиб кетибди...

●

Бир куни яхши ният билан беш юз сўмлик лотерея билети сотиб олдим. Бир томонга лотерея билетларини, бир томонга газетани қўйволиб, астойдил текшириб чиқсам... бир сўм ҳам ютуқ чиқмади. Аламимни кимдан олишни билмай, бўғилиб ўтирган эдим, шу пайт, хотиним кириб:

— Вой дадаси, нима чиқди? — деб қолди. Баттар жазавам қўзиб:

— Нима чиқарди, сенга яна битта эр чиқди, десам, нима дейди денг:

— Агар у ҳам ўзингизга ўхшаган бўлса, бориб пулини олиб келаверинг, эмиш, гапни қаранг!

●

Сиз билан биз ҳозир «мишмиш»лар замонида яшаяпмиз, қаёққа қараманг «мишмиш», палон нарса қимматлашармиш, пистон нарсага ўт тушибдимиш. Одамларга ҳам ҳайронсан, нимани камайиб кетади дейишса, тезда ғамлаб олишади. Хотиним ҳам шунақалардан, ҳоли-жонимга қўймасдан магазинга жўнатди. Бориб, шакар борми, десам: «йўқ», деди. Совунчи?

— Йўқ!

— Дазмол борми?

— Йўқ!

— Ун борми?

— Йўқ!

Аччиғим чиқиб:

— Шунча керакли нарсалар йўқ экан, нима қиласиз бу ерда ўтириб, дўконингизни қулфлаб кетавермайсизми? — десам, сотувчи:

— Қулф йўқ-да, — дейди тиржайиб.

●

Айрим йигитлар бор, муддатидан олдин уйланиб олиб, бошига бало орттиришади. Мана, қўшнимиз Мамасоли ҳам ўн беш ёшидаёқ оғини тўртта қилиб олган. Бир куни, мактабга қатнаётган меросхўрини етаклаб кўчага чиқса, чиройли-чиройли қизлар ўтиб кетишаётган эмиш. Уларга гап отмоқчи бўлибди-ю, ёнидаги айғоқчидан чўчиб:

— Ўғлим, бегона қизларнинг олдида «дада» деб, мени уялтириб ўтирма, яхшиси «ака» деб чақиргин, — деса, ўғли ҳам:

— Бўпти ака, аямни бегона йигитлар олдида опа деяпман, — деярмиш.

Ёзиб олувчи
Баҳром ОБИДЖОНОВ

ИЗ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?

«УЙИМИЗГА СОВЧИ КЕЛИБДИМИ?»

миз сўрисида изоҳ-
тга келган жавоб-
андан уюлиб кет-
ўрсангиз бюрократ
раисининг арзо-
ан тўла иш столи
юрократликдан ху-
ўзи асрасин-ей, бу
ўхшатишда). Газет-
з интиқ бўлиб
деб ишни тўрт
кил қилган ҳол-
йрат билан тер
тўғри келди.
анган чўққи
р... йўғ-ей.
ни саралаб
да бор-йўғи
ўлса ҳам,
облар бир
ортиқ экан-
ўлиб, кўнг-
орлар уйган
юксалди, азиз-
тублар ўқиганда
олғомдай қиза-
иган бепарда жа-
тортиб қирк кун-
қа онаси алла
бўладиган ранг-
ардан иборат
гувоҳи бўлдик.
Марҳамат,
ати томо-
деб топил-
лан баҳам

май мени
»
Фарғона)



⊙

«Харҳаша қилавермай видео кўриб тургин, оқ қанд ҳам топилиб қолар!»

Т. Мирзаев (Тожикистон)

⊙

«Мушукхон — 89»га қайси биримиз муносибмиз?»

Ш. Собиров (Қирғизистон)

⊙

«Уфф, бунга қандай тушунтирсам экан. Фарзандли бўлайлик десам, ҳали ёшман, қоматим бузилади, дейди-я!»

М. Солиев (Ўзбекистон райони)

⊙

«Худди қуйиб қўйгандай ўша алдамчи бевафога ўхшайди-я!»

Б. Мирзаев (Ургут)

⊙

ОНА МУШУК: — Совун йўғида кўчада ўйнаб уст-бошини ифлос қилмасин деб ушлаб ўтирибман.

М. Муқумжонов (Ленинобод)

⊙

Ўғри мушук «овда».

А. Омонов (Ленинград райони)

⊙

ОНА МУШУК: Болам дадaнг бугун ҳам 5-микрорайонга — Бароқнисоникига кетганга ўхшайди.

Т. Зайниев (Бухоро)

⊙

ЭГИЗАКЛАР: Уйимизга совчи келибди, қайси биримизга экан?

Р. Абдукаримова (Қўшкўпир)

⊙

«Қўй хафа бўлма, бечора хўжайин қишлоқда яшаб туриб ўзининг болаларига сут топиб беролмаяпти-ю, бизга...»

А. Муҳаммадаминов (Ургут)

Эй биродарлар бу мушукчаларга тил-забон битганидан фойдаланиб улар ғурурталаблик билан сураткашимиз Ш. Йўлдошевга дўқ-пўписа қилганини айтмасак бўлмас. Сиз ўқиб кўринг, кулгусиз қолмайсиз.

«Озиб-ёзиб бир суратга тушсак, уни ҳам муштарийларингизга бериб юборибсиз-да!»

Б. Зиёмуҳамедова (Тошкент)

⊙

«Газетага чиқарсангиз ҳам исм-фамилиямизни ёзмасангиз бўлди».

Б. Раҳимов (Қамаши)

⊙

«Уялмайсизми шундай ҳолда суратга олгани?»

Ҳ. Қобулов (Қўрғонтепа)

Изоҳли жавоблар ичида шеърий жавоблар бу гал анча салмоқли — 58 та экан. Ҳай-ҳай демасангиз ҳозиржавоб шоирлар учар ликопчани ҳам шеърга солиб қофиялаштириб юборади-ёв. Шоиртаъб мухлисларимизнинг илҳоми қаламининг учида турадими, ҳар қалай аксарияти нишонга бехато тегадиган изоҳлар йўллабди. Энди бир шингил шеърий жавобларни ҳам сиз билан баҳам кўрамиз-да.

Майли сичқонлар
Яйрасин бир паст.
Ҳозир висол они,
Ов пайти эмас.

М. Ғафуров (Шофиркон)

⊙

Курашчилар ичида
Ким бўлса чаққон,
Ғолибага албатта
Берилар сичқон.

Ж. Фозилов (Бағдо

⊙

Пар тўшакда ётамиз,
Еймиз пишлоғу-гўштни.
Куйдирамиз далада
Ризқ деб изғиган дўстни

Ш. Шерриев (Қораку

⊙

Чин дўстлар деб булар
Юрган бўлсанг бил, ука
Бузар бундай дўстликни
Ҳатто битта сичқон ҳ

Р. Файзиддинов (Андижо

Шундай қилиб, навбат ги изоҳталаб суратни зукко топаған муштарий эътиборига ҳавола қилар эканмиз мактубларингизни кўзимиз тўрт бўлиб кутамиз.

Дарвоқе, бош совриндор ким бўлди деб сўрарсиз? Ошиқманг. Ғолиб совриндорларни ҳадемай эълон қиламиз. Мана йилимиз ҳам якун топмоқда. Совриндорлар бироз кутиб турар, нима дедингиз? Ҳа, яшанг!

Чойхонамиз изоҳталаб суратлар сўрисининг навбатчиси Тоҳир ДОЛИЕВ

СИЧҚОНЛАР МАМЛАКАТИ

Бу дунёда орзу-умидсиз жонзод топилмайди. Сизу бизга ўхшаган қалам аҳлининг ягона орзуи — китоби тезроқ чоп бўлиб китобхонлар қўлига етиши. Сичқонлар нима ҳақда орзу қилишлари мумкин? Буни билиш учун «Юлдузча» нашриёти «омбори»дан чиққан «Сичқоннинг орзуси» шеърлар тўпламини варақлаш кифоя. Тўпламдаги ўн беш қардош жумҳурият шоирларининг сичқон жанобларига бағишланган шеърларини ўқиб, мучал ҳисобининг боши бўлмиш бу жониворларнинг мамлакатимизда аҳволи ёмон эмаслигини, «мушук-сичқон» иқтисодий ва маданий алоқалари гуллаб-яшнаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бунга Анвар Обиджоннинг Ўзбекистон сичқонлари вакилидан олган интервьюси мисол бўла олади:

Дуч келиб
Тўрт Мушукка.
Қочиб кирдим
Тешикка.
Чиқай десам
Ўртага,
Душманларим
Тўртта-да.

Бу ҳолат — сичқоннинг душманлари бўлмиш тўрт бароқнинг девдек қоматларини мусаввир — китоб безовчиси Абдуқаҳҳор Маҳкамов мўйқаламда моҳирона тасвирлаган.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлар билан алоқалар кенг йўлга қўйилмоқда. Бу эса тўпламда ўз аксини топиб, унда ўндан ортиқ хорижий мамлакат сичқонлари ҳақидаги муҳожир шеърлар ҳам ўрин олган.

Дарвоқе, турли мамлакатлар сичқонлари ҳақидаги шеърларни бир жойга тўп-

лаш ва таржима қилишдек мушкул ишни мушукка хос эпчиллик билан бажарган зотнинг кимлигини фахр билан айтамиз — Турсунбой Адашбоев! Бу хизмати учун Турсунбой акани қандай тақдирлаш ҳақида бош қотираётган айни палламизда, сичқонлар аллақачон бир қарорга келдилар — улар шоирга ўзлари тановул қилган пишлоқларнинг хушбўй тешикларини бахшида этдилар. Мукофот муборак, Турсунбой ака!

Ушбу китобнинг ягона камчилиги унинг жуда қизиқ ва қувноқлигида. Бу китоб болалар қўлига тушгач қўлма-қўл бўлиб кетиши аниқ ва китобсевар сичқонларга етиб бормаслиги мумкин. Шунинг учун ҳеч бўлмаса бирор минг донасини сичқонларга ажратишни талаб қиламан.

О. БЕГАЛИЕВ

Қироатгоҳ

ХУДОЙҚУЛОВ

АТҚИЛАР

АИИН
ъ, гоҳ бу тараф,
Х тайини.
ки ҳа қараб —
иб тайини.

УРЛАРГА
ва
ал йиғилишиб
ёт тузишди.
иб —

сан?
анда...
инг
сен,

Жуда бор-са — қор
ёғасан-да...

БИР МУНОФИҚҚА

Кечагина «ҳақ» деганнинг
Пешонасин чўқирди.
Бугун кўрдим — ҳақиқатдан
Бемалол ваъз ўқирди.

БИЗ УЧУН СЕВИМЛИ БЎЛГАН АДИБГА

Бизлар учун худомасу —
Пайғамбардай эди-я.
Шум замоннинг шумликлари
Шундайни ҳам еди-я...

ЯНА БИР АДИБГА

Бир замонлар сайроқийди
Энди жимжит—жўрда йўқ.
Тирик бўлиб тўрда йўғу
Ўлик бўлиб гўрда йўқ.

Тўлқин ИЛҲОМОВ

ҚАТРАЛАР

Йўл ўртасида бир тош ётарди, унга кўзи тушган ўткинчи минғирлаб қўйди:

— Одамларгаям ҳайронсан, биронтаси шуни бир чеккага олиб қўяй демайди-я...

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, ўткинчининг кўзи яна ўша тошга тушди.

— Одамларам қизиқ-а, биронтаси...

Тўсатдан машина ўтиб қолди. Ғилдираклари тошни уриб юборган эди, тош келиб ўша одамнинг чаккасига тегди.

— Воҳ! Вой бошим... — У шундай деганча бир оз туриб қолди.

Кутилмаганда тош садо чиқарди:

— Бошқалардан норози бўлмай, ўзинг мени бир четга олиб қўйганингда-ку, шу иш бўлмасди-я.

●

Чумчуқча эрталаб туриб патларини ювмасданоқ бир қари чумчуқнинг ёнига келди. Саломни ҳам насия қилиб, донига шерик бўлди.

Кўп ўтмай она чумчуқ пайдо бўлди.

— Нега патингни ювмасдан дон чўқияпсан?

— Қорним таталаб кетгач нима қилай?

Шунда қари чумч она чумчуққа дебди:

— Болангиз қорни чганда саломни ҳам донга қўшиб ютиб юборар экан!..

●

— Энг чиройли на а бағримдан товланиб чи н камалакдир, — дебди р куни осмон.

— Йўқ, энг чиро ли нарса бу марварид, дебди денгиз мавжланиб.

— Азизларим, м инг назаримда иккингиз м адашаяпсиз. Энг чиро и нарса менинг патларим, деб ди товус.

Борлиқ қўйнида фарзандини қучиб ўпаётган она эса бу баҳсга чек қўйибди:

— Энг чиройли нарса бу гўдак кулгуси!..

Талъат СОЛИЕВ

П А Л О В

Хўжайинни олмоқ учун у қўлга
Ҳар қанча уринди,
Илож бўлмади.
Бошлиқ қуруқ гапга кирмади йўлга,
Шу сабаб ишида ривож бўлмади.

Излай-излай йўлин топди бир куни,
Кўзлаган режаси иш берди дарров:
Йўлга солиб берди хўжайинини
Девзира гуручдан дамланган палов.

ЎЗБЕКИСТОН
АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
ган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Бо муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.
Таҳр хайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБО-
ЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла
ОРИП В, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик
ҚАЮМ В, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир
ўринбо ари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕД КЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФ НЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; секретариат — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиё уносли к — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммав ишлар — 32-56-49; сатира ва юмор — 32-54-71.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар авторларига қайтарилмайди. Ҳикоялар уч нтервалда 14 бет, очерк ва мақолалар 12 бетдан ошмаслиги керак.

тон Компартияси Марка Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма онаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Б. — 3161. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12